

**ТУЛЕПБЕРГЕН ҚАЙИПБЕРГЕНОВ**

# **РАҲМАТ, МУАЛЛИМ**

**Қиссалар**

---

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1979

**Қайпбергенов Тулепберген.**

Раҳмат, муаллим: Қиссалар.— Т.: Еш гвардия, 1979.—1676.

**Қайббергенов Т. Спасибо, учитель. Повести.**

ББК 84Қар7

С(Карак)

Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат муроғоти лауреати, Қорақалпоғистон халқ ёзувчisi Т. Қайпбергеновнинг роман ва қиссаларида қорақалпоқ халқи ҳаётининг янги турмуш учун кураши лавҳалари бадиий ифодасини топган. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган «Раҳмат, муаллим!», «Секретарь» қиссаларининг қаҳрамонлари қорақалпоқ ўсмиirlаридир.

Биринчи қиссада совет ҳокимиюти тузилган йилларда қорақалпоқ болалари бошлиридан кечирган ҳаёти, уларнинг колхоз тузиш ва уни мустаҳкамлаш учун курашдаги иштироки ҳикоя қилинади.

«Секретарь» қиссада эса қишлоқ ёшларининг Улуғ Ватан уруши йилларидағи фидокорона меҳнати, жасорат ва матонати тасвирланади.

К 70803-88  
356(06)—79 79-79 4702250000

©Издательство «Еш гвардия», 1979.

Бошқа овулларга бориб кўрганим йўғ-у, бироқ ўз овумизнинг манзараси менга жуда ёқади. Теварак-атрофимизни қуршаб олган қалин тўқай узоқдан гўё ҳарир либосга буркангандай гўзал бўлиб кўринади. Қишида сийрак кўринадиган дараҳтлар ёзда қуюқ бўлиб, қулф уриб яшинаб туради. Унинг ҳарир либосдан фарқи шундагина бўлса керак, деб ўйлайман. Тўқай орасида сайр этиб юриш жуда ҳам кўнгилли бўлади. Қирғий билан миққининг полопонларини излаб, саҳардан кечгача юрсанг ҳам чарчамайсан. Танаси худди ўтовга ўхшаб ўсган тўранғиллар ҳам бор. Ёз бўлса бу ерларга экин экиб, баъзан дам олиб ётсанг бўлади. Овумиз пастекисликка жойлашган. Фарб томонимиизда кўл қирғоғи кўзга ташланади. У ерда ўсан қалин, сўлқилдоқ қамишларнинг попуклари кузда овумизгача учиб келади. Бир вақтлар шу қамишзорнинг тагида сув бор эди. Ундан бир неча марта ғознинг полопонларини тутиб қайтган эдик. Бузоқларга ўтларни ҳам ўша кўлдан олиб келардик. Баҳор пайти муз тагидан учлари дугдек, майдада қамишларни топиб олардик. Овумиз шундай бўлгандан кейин нега севинмай? Хўп яхши кўраман-да! Бу кўлни ҳамма «Дўнгалак кўл», дер эди. Овул болалари билан маслаҳатлашиб, «Дўнгалак кўл»ни кўп марта айланиб чиққанмиз. Бундан мақсадимиз: нега

шундай ном олганлигини билиш эди. Лекин била олмадик.

Бу йил ёз бошқача бўлди. Чунки ўтган йили бўз ердан катта ариқ очилиб, овулимиз қиёфаси ўзгариб кетган эди. Янги ариқ бўйида ўсган кендириларни кўрсангиз худди тўқай дейсиз. Қирғоғига чиқиб, томоша қилиб ўтиrsa ҳам бўлади. Агарда тагини болта билан чопмаса, менга ўхшаган нимжон болалар зўрға ўриб ола олади. Агарда чалғи бўлганда у қадар қийин бўлмас эди, деб ўйлайман. Негаки, бир вақт отамга кендири ўришнинг бу йил қийин бўлишини айтганимда, «яхши чархланган чалғи керак, болам!»— деб кулган эди. Ҳақиқатан ҳам ўткир чалғи бўлмаса осон эмас.

Маккажўхориларни айтмайсизми! Пояларининг йўронлиги худди менинг сонимдай келади. Ҳозир ҳаммаси ҳам сутга кириб келяпти. Сўталар катта-катта. Қайси бирини айтсам экаи, овул одамларида экин кўп. Тариқ, мosh, кунжут ҳамма жойда одам бўйича келади.

Пахта пайкаллари ҳам бинойидек. Лекин ҳали пахта қийғос очилмаяпти. Кўсаклари тугмадек бўлиб, оғзини очай-очай деб турипти. Худди илжайиб кулиб турган одамдай...

Айниқса қовун мўл. Қўриқ ерларда экилган қовунларнинг ҳар биттасини одам тугул арава ҳам зўрға кўтаради. Энг кичкинаси Дуйсен домланинг уйидаги маҳалла қозонидек келади деса бўлади.

Мен кўпинча Сойил, Қунназар, Сарсенбойлар билан бирга юрар эдим. Кун бўйи ошиқ ўйнардик. Қечқурунлари бўлса, уйқумизда ҳаловат йўқ. Овланинг қовунлари пишиши биланоқ тинчимиз кетади. Ўзимизга қарашли қовун полизимиз бўлса ҳам бирор кечани ўғирликсиз ўтказмасдик. Ростини айтсам, ёмон отлиқ ҳам бўлдик. Бундан бошқа чорамиз ҳам йўқ эди. Агарда одамлар қовун полизларига гир айлантириб қопқон қўйишса, товуқ ўғирлагани қўшни овлуларга кетардик.

Бугун икки кундан бери қовун ўғирликка бормайдиган бўлдик. Сабаби, тўсатдан шундай ҳодиса юз берди: қаторасига икки кун Сарсенбойнинг ёлғиз ўзи қовун ўғирликка борибди. У бошқаларимиздан кўра чаққонроқ, шакарпораларни ўғирлашни яхши кўрарди. Гоҳо бошқа қовунга алиштириб, уйига иккита-учта шакарпора олиб кетадиган одати ҳам бор эди. Овулимида Есемурот деган чол бор. Ўзи қовун экишга жуда миришкор. Умр бўйи бекорга экин экмайди дейишади ҳамма одамлар. У шакарпорани ҳаммадан илгари бозорга чиқаради. Бу йил ҳам шакарпора қовуни ачиб ётиби, деган овоза тарқалди. Шунга ана борамиз, мана борамиз деб юрганда, Сарсенбойнинг ёлғиз ўзи бизлартга кўринмай борибди. Қоронғи тушгандан сўнг у дадасининг узун қора камзулини устидан кийиб олган экан. Кечаси тўрлама қовун эмаски, сийпалаб билиб бўлса, тарвуз эмаски, тizzага қўйиб қисиб кўрса, шакарпора эмаски, ҳидлаб топиб олса? Ҳар қайсисини ҳидлаб, сарифини излаб юрганда, Есемурот бобо айриси билан Сарсенбойни балиқдек санчиб олибди. Есемурот бобо уни итдир, деб ўйлаган бўлса керак. Войвойлагандан кейингина билибди. Қаёқдан билсин, ҳар куни сарғайган қовунларни ит ғажийвергандан кейин қўлига айри олиб, пойлагандир-да!

Сарсенбойнинг ўзи айбдор бўлгандан кейин ҳеч нарса айта олмай, йиғлаб ётаверипти. Есемурот бобо айрисини суғуриб олай деса, айрининг учи, чиқмабди. Шундай қилиб, Сарсенбой аzonгача пайкалда икки буқланниб ётгани устига бизлар ҳам бориб қолдик. Айрининг учала тили ҳам ёнбошига кириб кетибди. Қўрқиб кетдик. Бундай баҳтсизлик ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Дадаси Дуйсен домла ҳам келди. У дағ-дағ титраб, ўғлига ачиниб турган эди, Сарсенбой ўгирилиб, дадасига ялт этиб қаради-да, дарҳол юзини буриб, енги билан кўзларини бекитди.

Оув одамлари қанча уриниб күришса ҳам айрини суғуриб олишнинг иложини топиша олмади. Суғуриб олиш ўёқда турсин, сопи қимирлаб кетса ҳам Сарсенбой инграб юборади. Лекин одамларга қарашиб юзи шувут. Есемурот бобонинг ўзи бориб, айрининг сопини секин кўтариб, тортиб олаётганда, Сарсенбойнинг инграган овози эшитилди. Агарда қаттироқ қимирлатганида бор овози билан бақириб юборади. Кўпчилик ҳар ёқлама ўйлаб кўрди. Есемурот бобога ҳеч ким ғинг демади. У киши ўз айбини яшиromoқчи бўлдими ёки Сарсенбойни аядими, Дуйсен домланинг юбормайман деганига қарамай, Сарсенбойни аравага ўтқизиб шаҳарга олиб кетди.

Шундан бери қовун ўғирлиги деса, капалагимиз учиб, тепа сочимиз тикка туради. Энди нима қилар эдик? Йигилиб олиб, ошиқ ўйнаймиз. Ошиқ ўйнашга шунчалик берилиб кетар эдикки, туш бўлганини ҳам, кеч кирганини ҳам, ҳаттоки, қорнимиз очганини ҳам сезмай қолардик. Ҳар куни уйга ўз вақтида боришини ҳам унугиб юборадиган бўлдик. Буни мен ойимнинг ташвиш тортиб излаб келишидан кейингина тушундим. Бир вақт у ошиқ ўйнаб турган еримга овқат олиб келди. Болалардан уялганимни айтмайсизми, ер ёрилмади — мен кирмадим. Қўш ҳайдаб ё бўлмаса хирмон кўтаряпманми, ахир? Ойимнинг бундай безовта бўлганини кўриб, ҳар куни ўз вақтида уйга борадиган бўлдим.

Мана қуёш ҳам тик кўтарилиб қолди. Туш пайти бўлганини эсдан чиқариб қўймай дегандек, қайта-қайта қуёшга қарайман. Ошиқ ўйини бўлса жуда қизиб кетган. «Пешма-пеш», «чикка-пукка», «жуфт олчи» дейишдан болаларнинг оғзи тинмайди. Айниқса бугун Сојипнинг омади юришиб кетди. Менинг омадим сал юришмай колди, хуноб бўлиб кетдим. Туш бўлиб қолди-ю, уйга қайтишнинг иложини тополмадим. Бир халта ошиғим соб бўлди. Ютқазиб-ютқазиб индамай кетаверайми? Кетиб бўпман! Мана, ўйиннинг охирига сақлаб қўйган

энг сўнгги ошиғимни тикдим. Буни ютқазсам, вассалом! Толеимга бирдан олчи тушди. Себиганимдан юрагим ёрилиб кетаёзди. Мен шошилмай ошиқларни йигиб ола бошлагандим, ҳамма болалар бирдан дув-дув туриб қочиб қолиши. Баъзи бирларининг ошиқлари, тийинлари сочилиб қолса ҳам орқаларига қарашгани йўқ. Кун бўйи ютқизиб, ошиғим энди олчи турганда қаёқча борар эдим. Уёғ-буёғимга қарамай, ошиқларни тез-тез йифиб олаётган эдим:

— Салом йигитча! — деди бирор.

Тўсатдан чиқсан бу овоздан чўчиб кетдим. Қарасам, рўпарамда яланг бош, сочи аёлларнинг социдан калтароқ бўлганликдан ўримга келмайдиган, ранги сарфишроқ бир йигит турибди. Аёлларнинг социдан яна бир фарқи: чаккасини, гарданидаги сочини пардозлабди. Ҳадеганда қоча олмадим-у, сал ҳайиқиброқ орқага тисарилдим. У менга қараб жилмайиб қўйди. Кулгани учунми ё бўлмаса қўрқсанлигимни билдиримай дедимми, унинг ўйноқи қора кўзларига тикилиб, мен ҳам илжайдим. Оқ кўйлагининг ёқасини безаб турган жуда чиройли галстугини ўнг қўли билан тузатаётуб:

— О, ботир экансан,— деди у менга.

Нима учун ботир деяётганига тушунолмадим. Синчиклаб қарасам, рўпарамда ҳалиги болаларнинг биронтаси ҳам йўқ, кетиб қолишибди. Дарров эсимга бир нарса тушди: бизлар ҳар чоршанба ва пайшанба кунлари Дуйсен домлада ўқир эдик. Ўқийдиган жойимиз ертўла. Кўпинча кечқурунлари ўқиймиз. Кечаси икки жойга жинчироқ ёқилади. Эрталаб бурнимизнинг катаклари қора куяга беланиб қолишини, домланинг чидаёлмай бизларни ташлаб чиқиб кетаверишини қандай гапириб берсам экан. Лекин домла ўқитиб бўлиб биз кетар пайтда баъзан икки марта вайсаб, вақтимизни олмайин деса, бир марта гап ташлаб, ҳар сафар:

— Яқинда муаллим келади. У сизларни ўрисча ўқитади, чўчқанинг гўштини ейишга ўргатади. Агарда би-

ринчи сафар келганда айтган гаплариға күнмасанг, савалайди,— дер эди.

Бизлар чўчқа гўштини сира еб кўрмаган эдик. Чолкампирларимиз бўлса, чўчқанинг гўштини қозонга солиш ўёқда турсин, отини айтсанг бир сакраб, тепа сочлари тикка туради. Ҳаттоқи қовун полизга келган ёввойи чўчқаларни ҳам отмайди. Баъзан овчи отса ҳам ўзи йўламай, итларига едиради.

Рўпарамдаги соч қўйган йигит ўша муаллиммикин, деб ўйладим. Миямда шу ўй пайдо бўлиши биланоқ қочиб кетгим келди. Аммо қутулишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Ёнгинамда турибди-ку! Бир қадам ҳам нари силжитмайди. Қалтак ейишга ҳам рози эдим, қачон калтаклар экан, деб турган эдим, ўйлаганимдек бўлди: у секин-аста менга яқин кела бошлади. Мен ҳам унга тутқич бермаслик учун аста-секин кетга тисарила бошладим. У ҳам ҳайиққанлигимни фаҳмлади, шекилли:

— Тўхта, кўйлагингнинг чангини қоқ,— деди у менга. Мен унинг сўзига қараб турармидим, аста-секин орқага тисланиб-тисланиб, тирақайлаб қочиб кетмоқчи бўлдим. Бироқ икки-уч одим отмасданоқ қўлга тушдим. У менинг қўлимни қўйиб юбормай, куйлагимнинг этагини гир айланаб қоқа бошлади. Титроқ босиб боряпти. Бақирай десам атрофда ҳеч ким кўринмайди. Ростини айтганда, бақиришга ундан уяламан. «Балки чангимни қоқиб бўлиб, ўлгидек савалар», деб ўйлайман.

— Ҳалиги болалар нега қочиши? — деди у бир оздан сўнг қўлимни бўшатиб.

Нотаниш йигитнинг бу саволини ўнғайсиз ҳис қиласам-да, жуда маъқул кўрдим. Аввалги фикримдан қайтдим.

— Билмасам,— деб астагина жавоб бердим. У ҳалигина биз ошиқ ўйнаган ерга кўз ташлади. Бир-иккита чақа, яна иккита-учта ошиқ сочилиб ётган экан, тезда териб олди-да, менга узатди:

— Ма, бу сенинг ошиқларинг бўлса керак.

Қўлларим қалтираб, ошиқларни зўрға олдим.

— Отинг нима? — деб сўради у. Бошқа бирорвонинг отини айтай дедим-у, бироқ номардлик бўлади, деб ўйладим.

— Турдимурот! Хўш, нима эди?

— Турдимурот, ошиқларингни бундай сочиб юрма. Абжир бўл. Қизарма, қўрқма,— деди у. Бундан бошқа ҳеч нарса айтмади. Фақат айтган гапи:

— Ўртоқларингга қўшилиб ўйнайвер, уст-бошингни кир қилма!— деган гап бўлди. Шу сўзни айтди-ю, тўппатўғри оқсоқолнинг идорасига қараб жўнади. Мен ҳам шошилмасдан ўз йўлимга кетдим. Шунда ҳам унинг орқасидан қарайвергим келди. У узоқроқ жойга боргандан кейин орқасига қайрилиб, ўнг қўлини кўгарди-да, менга бир неча марта силкитди. Унинг хайрлашганини ҳам ё бўлмаса мушт кўрсатиб, эртага кўрасан, деганини ҳам тушуна олмадим. Чунки ўзимиз ҳам бирорга ғижин-сак бир чеккага чиқиб олиб, мушт кўрсатиб, дўқ қиладиган одатимиз бор эди-да!

Домланинг сўзлари ҳали ҳам эсимда. Э, аттанг, отими ни бекор айтган эканман. Эртага албатта савалайди, деган хаёл билан уйга қараб жўнадим. Оёқларим тош боғлаб қўйгандек ўрнидан зўрға қўзғаларди. Бирор тутиб юборса, йиқилиб кетадигандай аҳволда эдим. Ҳолдан кетиб, уйга аранг келаётсам, ҳалиги қочиб кетган болалар бирпаста теварак-атрофимни ўраб олишди.

— Ҳалиги муаллим сенга нима деди? — деб ҳаммаси бирдан чувиллашганда, чўчиб тушдим.

— Муаллим ёнингга келганда кўрқмай, кетгандан кейин қўрқасанми? — деди Қунназар. Қунназарга шундай аччирим келдики, у мени нега қўрқоқ дейди! Ўзи эмасмиди ҳаммадан олдин қочиб қолган! Мен чурқ этмасдан қовоғимни солиб, аста кета бошладим.

Кечаси билан дадам икковимиз қовун полизда бўлиб, тонготар пайтда уйга келиб ётдик. Қаттиқ уйқуда ётган эканман. Қай вақт бўлганини билмайман. Қарасам, ойим қўярда-қўймай туртяпти:

— Тура қол, Ғурдимурот, тезроқ тура қол!

Ойим мени ҳеч қачон бу хилда уйғотмас эди. Кўзларимни ишқалиб зўрға очдим. Ойим ҳамон мени қистарди:

— Тура қол, ўғлим, бўл тез, сандиқнинг орқасига яширин!

Мен ҳали ҳам чала уйқуда эдим. Ҳайронман, илгари ҳечам сандиқнинг орқасида ётмас эдим-ку.

— Сандиқнинг орқасида нима қиласман? — дедим ойимга чақчайиб.

— Кир, шўринг қурмагур муаллим келяпти,— деб у мени қистади. Дарров ўқитувчининг кечаги мушт силкиб кетгани эсимга тушди. Бу ҳақда уйдагиларга ҳеч нарса демаган эдим, қаёқдан билақопти, деб ўйладим. Бу ерда нима қиласман? Уйимизни қандай қилиб топиб келди? Қеча отимни бекор айтган эканман-да. Майли, ишқилиб калтак емасам бўлгани. Ойим кажаванинг устидаги нарсаларни тез-тез йиғишириб, ерга қўймоқда.

— Отимни айтиб қўйдим,— дедим мен муаллимдан қочиб қутула олмаслигимга кўзим етиб. Ойим ҳам, дадам ҳам менинг сўзимга қулоқ солишмади.

— Ёт, ёт! — деб иккови бирдан буйруқ қилишди. Бир вақт дадам мени қучоқлаб олди-да, кажаванинг устига чалқанча ётқизди. Ойим устимга турли буюмларни уйиб, уларнинг устидан кўрпа ёлди. Нафасим сиқилиб, дам ололмай қолдим. Устимдан кўрпа-ёстиқ босишид. Ўтов керагасига бориб тақалдим. Ботиб кетди. Овозим борича: «Вой,войдод, нафасим қайтиб кетди», деб бақира-ман. Лекин товушим чиқмас эди. Буни дадам сезди, шекилли, юзимни сал очиб қўйди. Энди нафас олишим сал

енгиллашди. Ойим қўлига урчуғини олиб, ҳеч нарса кўрмагандай дарҳол шолчанинг бир чеккасида ўтира қолди. Дадам қутидан болға билан жуволдизни олиб, сўзанига ипни узун қилиб ўтказди-да, кавушини ямай бошлади. Ҳаммасини кўриб ётибман. Яхши ҳийла топдик дейишгандек, иккови бир-бирига жилмайшиб қараб қўйишарди. Орадан кўп вақт ўтмасданоқ овул оқсоқоли билан кечаги мен кўрган йигитнинг ўзи салом бериб кириб келди. Дадам меҳмонга ҳадеганда ўрнидан туриб жой кўрсата қолмади. Фақат бир оз сурилиб, эшик ёнidan уларга ўрин берди. Келган одамлар мени ҳеч сезишмади. Фақат ойимгагина кўринаётганга ўхшайман. Бир маҳал ойим менга қараб нафасингни чиқарма дегандек, оғзини бармоқлари билан босди. Мен бусиз ҳам тинч ётган эдим.

— Болангиз қаерда?— деди оқсоқол. У дадамдан сўраган эди, негадир ойим жавоб берди:

— Опасиникига меҳмонга кетган эди.

Муаллим алланималарни ёзмоқчи бўлиб, қўлига қофоз, қалам олди.

— Қачон кетган эди?— деди у.

— Қеча.

— Болангизнинг оти нима?— деб сўради муаллим. Шу пайтда мен аввалгидан ҳам баттар сиқилдим. Мабодо отимни айтгудай бўлса, ойимнинг меҳмонга кетди, деган гапига муаллим сира ҳам ишонмайди. Қалтакласа ҳам яширинмасам бўлар экан, ойим билан дадам баъбаравар ёлғончи бўладиган бўлишди-ку, деб ўйладим. Шу хилда ётиб сал қимиirlадимми дейман, устимдаги бир кўрпа кажавага суюниб ўтирган оқсоқолнинг устига гуп этиб қулаб тушди.

— Ия! — деди ойим ҳеч нарсадан хабари йўқдек. Шундай қилиб, иргиб ўрнидан турди-да, ҳалиги кўрпани бош томонимга ташлаб қўйди. Кўрпа тушган вақтда оёғим очиљб қолдими, деб қўрқдим. Чунки муаллимнинг икки кўзи оёқ учим томонига тикилганча қолган эди. Үнга сездирмаслик учун оёқларимни секингина

йиғиб олган әдим, устимдаги күрпа-тұшакларнинг ҳам-  
маси ағдарилиб, дангал күріндім-қолдым. Ҳаммасидан  
ҳам бу ёмон бўлди. Ётаверишимни ҳам, туриб меҳмон-  
лар билан саломлашишимни ҳам билмай қолдим. Ойим  
билан дадам қандай аҳволга тушди экан? Бир-бирла-  
рига ялт этиб қаравади. Ойимнинг урчуғи узилиб, да-  
дамнинг болғаси қўлидан тушиб кетди.

— Турдимурот, нафасинг қайтиб кетмадими, а? —  
деди муаллим кулиб. Менинг отимни эсидан чиқариб  
қўйгандир, деб ўйлаган әдим. Эсидан чиқармаган экан.  
Уялганимдан нима қилишимни билмай, гардани узилиб  
кетган кишидек бўйнимни эгиб, ўрнимдан зўрға турдим.

— Йигит киши ҳам яширинадими? Бу қўрқоқ одам-  
ларнинг иши. Ҳой, Турдимурот, сен кеча жуда ботир  
эдинг-ку?! — деди-да, муаллим ёнимга келиб, пешо-  
намни силади.— Ёшинг нечада?

— Ўн учда,— дедим шивирлаб.

— Ўқийсанми?— деб алланималарни ёза бошлади.  
Нима деб жавоб қайтаришимни билмай, дастлаб дадам-  
га кейин ойимга қарадим. Улар «ўқимайман дегин» де-  
гандек гоҳо кўзларини қисиб, гоҳо бошларини чайқаб  
қўйишарди.

— Чол-кампирга нега қарайсан?

Оқсоқолнинг бу галидан хижолат бўлиб уялиб тур-  
сам, муаллим ҳам менинг ичимдагини топгандек:

— Бу азамат йигит, ўқийди,— деди.

Нима дейишимни билмадим. Охирида қаддимни  
ростлаб туриб:

— Ҳа, ўқийман!— дедим.

Ойим билан дадам менга чақчайишиб қаравади. Би-  
роқ оқсоқол билан муаллим кетгунларича ҳеч нима деб  
уриша олмадилар.

— Кенжатой боламиз эди. Тегманг, чирофим,— деди  
дадам алланималарни ёзиб олаётган муаллимга.

— Ўлдим-ўлдим деганда кўрган боламиз эди. Таш-  
лаб кет,— деди ойим ҳам ялинib.

— Олиб кетмаймиз, ташлаб кетамиз,— дейишиб, уни тинчитмоқчи бўлишди муаллим билан оқсоқол.— Шуленбойнинг мусодара қилинган ҳовлисида ўқыйди.

— Турдимурот, шундай қилиб эртага мактабга борасан-а?— деди муаллим мени яна огоҳлантиргиси келиб.

— Бораман,— дедим бирдан.

— Эрта билан барвақт олиб боринг,— дейишибди улар ва кўп турмай, жўнаб кетишли.

Муаллим кетгандан кейин ойим билан дадам мени ўртага олиб қолишиди. Иккаласи ҳам тўнфиллай бошлиди.

— Нега кўриндинг?

— Нега бораман дединг?

— Ўрисда ўқиб, бизларни дўзахи қилмоқчимисан?

Мен дадам билан ойимга шу вақтгача бир оғиз ҳам қарши сўз айтган эмас эдим. «Ўрисда ўқиб» деганига жаҳлим чиқа ёзди. Чунки иккови ҳам кўра била туриб ёлғон сўзлашяпти. Муаллимнинг қаери ўрисга ўхшайди? Қорақалпоқ-ку!

— Ўрис бўлмаса соч қўярмиди?!— деди ойим тўнфиллаб. Айтишиб ўрганмаганим учун улар билан ғижиллашиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Иккови бири олиб, бири қўйиб сўзлашаётганда, мен секингина сирғалиб чиқиб кетдим. Сойип билан Кунназарларни кўрай деб излаб борсам, уйларида йўқ экан. Ота-оналаридан сўрасам, қаёққа кетганликларини айтишмади. Менда дарҳол янги бир фикр пайдо бўлди: «Домланинг гапида жон борга ўхшайди, бўлмаса болалар нега қочишади? Муаллим бугун бўлмаса эртага урадигандир», деб қўрқа бошладим. Энди мен ҳам опамнинг уйига қочиб кетмасам бўлмайди. Лекин улар шаҳарнинг ёнгинасидаги овулда туришарди. Таваккал қилиб, опамникига кета қолай деб уйга келсам, опамнинг ўзи меҳмон бўлиб келибди. Унинг мендан икки ёш кичик боласи бор эди. Олиб келмапти.

— Бекбой қаерда? — деб сўрадим опамдан. Чунки мен уни яхши кўрар эдим. У уйга келгудек бўлса, шаҳарда кўрган янгиликларининг ҳаммасини айтиб берарди. Гоҳо уни эргаштириб, мен ҳам томоша қилдирардим. Майда балиқлар тутардик, баъзан қовун ўғирликка ҳам, баъзан товуқ ўғирликка ҳам эргаштириб олиб борар эдим. Бугун ёлғиз қолиб, худди бир нарсамни йўқотган кишидай зерикиб қолдим. Бунинг устига Бекбойнинг келмаганини айтмайсизми?

— Үқияпти, — деди опам сўз орасида.

— Муаллим урмас эканми?

— Ким айтди? — деди у менга.

— Муаллим ўрисми? — деб сўрадим яна.

— Қароғим, унақа дема, халққа бахт олиб берган рус-ку!

— Муаллимнинг сочи борми? — деб сўрадим яна.

— Сочи бўлса нима бўпти, — деди опам, менинг саволимни ёқтирамай. — Шаҳардаги қорақалпоқ йигитларнинг кўпчилиги соч қўйишиб юришибди.

Мен бундан бир оз севингандек бўлдим. Чунки опам ҳамма гапдан хабардор, ҳаммасини билади. Эри шаҳарда ишлайди. Буёқларга томоша қилиб келиб қолганда, елкасига милтиқ осиб, кичкинагина бир милтиқни эса ёнига тақиб келади.

Лекин нима иш қилишини билмас эдим. Опам ҳар келганида кўп-кўп совғалар олиб келиб, ойим билан дадамга тайинлаб кетар эди:

— Турдимуротни урманг, букир бўлиб ўсмасин. Сизлар ўлганда Турдимурот билан икковимиз чироқ ёқиб, доим хотирлаб турамиз, бир-биримиздан бир қарич ҳам айрилмаймиз.

Опам шу сўзларни айтаркан, маъносига унчалик тушунмасам ҳам, мени жуда яхши кўришлинига ишонардим. Ахир, ёлғизгина инисиман-ку!

Опамнинг олдида ойим билан дадам мени койигани йўқ.

Эрталаб жуда барвақт турдим. Илгарилари уйдагилар чой ичиб бўлганларидан кейингина ўрнимдан туар эдим. Бугун жуда эрта туришим ойимга унча ёқмади.

— Нега эрта турдинг?— деди у, овозини баландроқ чиқариб.— Мен кеча муаллимга ваъда берган эдим. Бораман дегандан кейин боришим керак. Майли, калтакласа калтаклай қолсин. Уст-бошимнинг чангини қоқиб ошиқларимни ердан йигиб берган одам урамиди?

Дадам тонготар пайтда қовун юлииздан келган эди, қарасам, хуррак отиб ётган экан.

— Ўқишга бораман,— дедим мен ойимга, кетишга отланиб. Бу пайтда опам ҳам ташқарида юрган эдя. Ойим нима деб жавоб қилишини билмай, дарров дадамни уйғотмоқчи бўлди. Дадам уйғониб қолса, кета ол маслигим аниқ эди, лекин қандай бўлса ҳам боришим керак! Муаллимга кеча ваъда берганман. Ойим бир қўли билан этагимдан ушлаб, иккинчи қўли билан дадамнинг бошини чайқай бошлаганда, пишириб турган сути бирданига тошиб, қопқоқнинг тагидан ўчоқقا тўкилди. Ойим мени қўйиб юбориб, қозонга ўралашган маҳалда, сут ичиш ўёқда турсин, бет-қўлимни ювмасдан чиқдим-у, ғизиллаб жўнаб қолдим.

Шуленбойнинг ҳовлисини бу ёзда кўрмагандим. Сирти оқланиб, офтобдай ярқираб турипти. Теварак-атрофи чиннидай тоза. Муаллим енги йўқ кўйлак кийиб, ташқарида юрган экан. Мени кўриши биланоқ ичкарига кириб, кечаги кўйлагини яна кийиб чиқди. Ҳовлининг атрофи сув қўйгандек жимжит. Ҳали мендан бошқа биронта ҳам бола келмабди. Мен оғзимни очиб, сирти оппоқ уйга анграйиб қараб турардим. Муаллим мен томонга кела бошлади. Ўни кўрмагандек туравердим.

— Салом, Турдимурот!— деди-да, менга ўнг қўлини чўзди. Муаллимни шу билан уч марта кўрган бўлсан ҳам, қўл беришиб саломлашмаган эдим. Икки қўлимнинг кафтини бир-бирига тақаб, унинг катта қўллари орасига икки қўлимни суқдим. Гоҳо Дуйсен домла би-

лан ҳам шундай саломлашар әдим. Лекин унинг бармоқлари темирдек қаттиқ, кафтлари куйган терида й буришган әди. Құл берсам, қайтиб олишга шошилар әдим.

Бу муаллимга құл бергандың ўзимни бутунлай бошқача сездим. Ўзи бақувват, бармоқлари сув тагидан чиққан баҳорғи қамишдек силлиқ ва тобланған пұлатдек маҳкам экан.

— Үйдагиларинг уришишмадими?— деб сүради у, құлларимни секингина қисиб. Буни нима учун сўраётганини ҳам билмайман. У менга бошдан оёқ қараб чиқди. Яланг оёқ, құлларим ҳам кир, тирноқларим ўсиб кетған, оёқларим ҳам қарғанинг сийроғидек қоп-қора әди. Бунинг устига әрталаб бет-құлимни ювмагандим.

— Қани, бир ювиниб келгин-чи!— деди муаллим.

Уялиб кетдим. У ичкарига яна ғизиллаб кириб кетди-да, бир құмғон сув олиб чиқди:

— Манави илиқ сувга ювиниб ола қол!

Ноилож унинг құлидаги құмғонни олмоқчи бўлсамда, ўзи сув қўймоқчи бўлди.

— Ўзим қўйиб тураман, сен ювинавер.

Құмғонни менга беришга жирканәтган бўлса керак, деган хаёлда турганимда, у индамасдан ичкарига кириб кетди-да, битта олқинди билан сочиқ олиб чиқди.

Олқиндини қўлимга олдим-у, бироқ қандай қилиб ювенишни билмадим. Кейин муаллимнинг ўзи бўйнимга сув қўйиб, бошимга совун суро бошлади. Қўзим жуда ачишиб кетди, лекин айтишга уялдим.

— Бошингни юв, бўлмаса кўзингга совун кўпиги кириб ачитади,— деди у, менинг кўнглимдагини топгандек. Ювиниб бўлганимдан кейин бет-құлларимни муаллимнинг ўзи артиб, оппоқ пахтадай қилди. Ичкарига олиб кириб, ойнага қаратған әди, кўзларимга ишонмай қолдим, туппа-тузук чиройли бола эканман. Тугмачадек бурним, қоп-қора қўзим, юмалоқ юзим яшнаб кетди. Йаям сал қийшайғанроқ. Бўлмаса, жуда чиройлимсан, деб мақтансам ҳам бўлади. Ойнага қараб, жилмайиб

ҳам қўйдим. Икки юзимда кулгичлар ҳам бор экан, аввал буни билмас эканман. Гоҳо ўйиндан қайтиб келганимда, ойим зўрлаб ювинтирар эди. Бўлмаса эрталаб бир марта ювингандан бошқа, яна бир марта ювинишни ҳеч одат қилиб кўрмаганман.

Муаллимнинг бу ғамхўрлигини кўриб, энди у мени калтаклади, деган фикримдан қайтдим. Нега қайтмас эканман? Ахир у, ўсиб кетган паҳмоқ соchlаримни ўзининг тароги билан тараб қўйса-ю!

Шундан кейин у мендан у-бу гапларни сўрай бошлиди. Эрта келиб қолганимнинг сабабини ҳам, бет-қўлимни ювмай келганимни ҳам сўради, мен ҳаммасини тугал айтиб бердим.

Мана, у билан бирга чой ичишга ҳам ўтиридик. Негадир у мени тўрга ўтказди. Дастлаб жуда ҳижолат бўлдим. На чора? Йўқ десам кўнмади. Ўтири дегандан сўнг ўтириб, чой ичдик.

Ташқарига чиқсан уч-тўрт бола келиб, мактабни айланиб юришган экан. Танимадим. Муаллим уларнинг ёнларига бориб, мен билан қандай саломлашган бўлса, шундай саломлашди. Шундай қилиб, ҳаммамизни эргаштириб ичкарига олиб кирди.

— Мана бу — сизлар ўқийдиган синф,— деди муаллим бир ҳужранинг эшигини очиб.

Ҳаммамиз кирдик. Илгари бу жойда Шуленбой турар эди. Унинг вақтида бизлар бу уйга кириш ўёқда турсин, оталаримиз ҳам уй атрофидан айланиб зўрға ўтарди. Мана, энди манави жой — бизлар ўқийдиган синф. Ич-ичимдан севиндим.

— Болалар,— деди муаллим,— ҳозирча ерда ўтириб ўқиб турасизлар. Манави қора тахтага хат ёзасизлар, — деб деворга қоқиб қўйилган қора, тахтани кўрсатди. Кейинчалик қора тахтани доска деб тушунтириб кўйди. Уйнинг ичини бирма-бир кўздан кечириб чиқдим, турда битта сурат турибди.

— Мана бу — улуғ доҳиймиз Лениннинг сур~~ИМА~~—

деб у бизларни девордаги сурат билан таништириди. Шу орада бир аёл келиб, бизларни чақириб кетди. Борсак алоҳида бир уйда эрталабданоқ овқат тайёрланиб, кичкина заранг косаларга қуйиб қўйилган экан. Дарров олдимизга зарангда овқат олиб келиб қўйилди. Бизлар сал ийманиб бўлса ҳам ича бошладик. Муаллим ҳам бир косани олдига олиб, бизлар билан ёнма-ён ўтириди. Овқатни кўриб, шу уйнинг худойиси бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Кўнглимдагини фаҳмллагандек:

— Мана, болалар,— деди муаллим, ўзи бир ҳўплаб ичгандан кейин.— Бу Шуленбойдан мусодара қилиниб олинган дон. Сизлар учун озроғини мактабга олдик. Бундан кейин ҳар куни мактабда шундай овқат бўла-веради.

Синфга келгандан кейин муаллим Шуленбой ҳақида яна тўлароқ сўзлаб берди. Муаллимнинг айтишига қараганда, дадам ҳам шу кишининг эшигида хизмат қилиб, кўп азоб чеккан экан. Уни бизлар билмай туриб, муаллимнинг билганлигига ҳайрон бўлдим. Бир мен эмас, рўпарамда ўтирган болалардан кўпчилигининг оталари ёзнинг саратон кунларида мана шу уйнинг деворини тиклаган эканлар. Муаллим шу ҳақда сўзлаб бе-раркан, бизларнинг оталаримиз меҳнати сингган уйда ўтиришимиз кўнгилли эканлигини айтди. Бизлар қувониб кетдик.

— Муаллим,— деди рўпарамда ўтирган дўппили бола,— сизнинг отингиз нима?

— Отим Менглимурот.

— Менглимурот муаллим десак майлими?— деди яна бир бола.

— Мени Менглимурот ака десангиз бўлади,— деб жавоб берди муаллим. Биз ўз ичимиизда: «Менглимурот ака, Менглимурот ака», деб шивирлашардик. Шундан сўнг Менглимурот ака бизларга қофоз, қалам улашди.

Овулимиизда Сержан деган уста бор эди. Арава ясайдиган ҳам, дераза роми ясайдиган ҳам шу. Бир куни Менглимурот ака ҳаммамизни шунинг уйига олиб борди. Борсак, беш-олтита скамейкаларни қаторлаштириб қўйибди. Илгари оқсоқолнинг идорасида шундай иккита скамейка кўрган эдим. Буларнинг устида қандай ўтириб ўқиймиз, деб ўйладим.

Бир илож қилиб, ўша скамейкаларни кўтариб синфа олиб келдик. Аввалгидек ерда ўтирасдан скамейкаларни Менглимурот аканинг кўрсатган жойларига қўйиб, симга қўнган қалдирғочлардек тизилишиб ўтирдик. Илгари одатланмаганликданми, белим оғрий бошлади. Фақат менинг белим оғрияптими деб ўёқ-буёғимга қарасам, ёнимдаги болалар ҳам икки қўлларини белларига тираб, Менглимурот аканинг кўз олдида ҳам керишиб қўйишарди. Нариги овулдан келган дўппили бола бўлса, скамейкадан секин сирғилиб тушиб, ерда чордана қуриб ўтириб олди. Буни фаҳмлаб қолган Менглимурот ака унинг олдига бориб:

— Нима қилиб ўтирибсан? — деди.

— Белим оғрияпти, — деди у ростини айтиб. Бизлар кулиб юбордик.

— Ҳеч нарса қилмайди. Ўрганиб кетасизлар дедида, Менглимурот ака доскага алланималарни ёза бошлади.

Дарс тугагандан кейин, муаллим ҳар кунги одати бўйича яна ўқишининг фойдали эканлигини ва аҳамиятини, ўқиб чиқсан халқقا, жамиятимизга фойдали одам бўлиб етишишимизни тушунтириди. «Жамият» деган сўзнинг маъносини тушунмасам ҳам сўраб ўтирамадим. Бошқалар ҳам тилларини бирор суғуриб олгандек чурқ этишмади. Ҳаммасидан ҳам бизларни Менглимурот аканинг Ленин ҳақидаги ҳикояси қизиқтириди. Эртакларда

әшитишимизга қараганда, отса ўқ ўтмайдиган, чопса қилич кесмайдиган одам бўлади дейишарди. Шундай одамдир деб уйласам, унинг бир куни душман томонидан отилгани, кейинчалик бориб вафот этганлиги мени жуда хафа қилди. Шунчалик ҳукумат тузиб, халқа озодликни олиб берган одамнинг ўқ ўтадиган жойи бўлганлиги га жуда ачиндим. Менглимурот aka Лениннинг бутун ер юзидағи камбағаллар учун жонини аямай курашганини, камбағалларга бойлардан ўз ҳуқуқларини олиб бериш учун тиқмай курашганлигини ва бу йўлда кўп куч сарф этганлигини узоқ сўзлаб берди.

— Бойлардан камбағалларга ўз ҳуқуқларини олиб бериб бўладими ахир? — деб сўради нарироқдаги овулдан келган Турдибой. Бу бола мактабга бугун биринчи марта келиши эди.

Кўпчилик орасида муаллимдан тортинаасдан савол бериши мени ҳайратда қолдирди. Унинг саволига жавоб бериш олдидан ўқитувчи бир оз ўйланиб олди-да:

— Ҳамма тенг ҳуқуқли бўлади. Ҳозир колхоз қурияпти. Энди кимки меҳнат қиласа, меҳнатига яраша ҳақ олади. Лекин меҳнат қилган одамлар билан меҳнат қилмаган одамлар ўртасида катта фарқ бўлади. Чунки меҳнат қилмасдан кун кечирган одамларнинг илгаригидек бойиб кетишлиари мумкин эмас,— деди.

— Қандай ишониб бўлади?

— Ишламаганлар очдан ўладими унда?

Синфда етти-саккиз бола бор эди. Ҳар қайсимиз бир нарсани айтиб муаллимни чалкаштирганга ўхшаймиз.

— Сабр қилинглар,— деди Менглимурот aka бир қўлини кўтариб.— Қўлингизни кўтариб, навбат билан сўз сўранглар-да!

Сўнгги саволни берган ҳам Турдибой эди. Муаллимнинг сабр қилинглар, навбат билан сўзланг деганигами ёки бошқа бир нарса бўлдими, ҳайтовур у оғзини ўнгурдек очиб, лунжини осилтирганча синфдан чиқиб кетди. Менглимурот aka ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Бизлар

ҳам унинг нима учун кетганига тушуна олмадик. Синфа бир оз жимжитлик ҳукм сурди.

Турдибойни мен авваллари ҳам ўжар бўлса керак, деб ўйлар эдим. Бир қанча марта ўйнагани келиб, бизлардан аразлаб кетган вақтлари ҳам бўлган. Ҳақиқатан ҳам юзига қараб бир нарса десанг, тумшайиб қоладиган одати бор эди. Шундан кейин унга ҳадеб ялиноверармидик, қувиб юборар эдик. Бир куни иш билан Турдибойнинг уйига борсам, у кекса отасининг бўйнига чўққайиб миниб олиб, бир қўли билан соқолидан ушлаб тортиб, ҳадеб чув-чувлаб ўтирган экан. Отаси унга чурқ этмасди. Турдибой бўлса қайта-қайта унинг бўйнида сакраб, безовта қиласади. Унинг бу хилда сакрашига, соқоли оппоқ пахтадай чол ўёқда турсин, мен ҳам чидай олмасдим. Бироқ Турдибой мени кўрган замон қимир этмай жим бўлиб қолди. Чол бир оз тинчиди. Мен саломлашиш учун қўлимни чўзганимдагина у боласининг икки оёғидан кўтариб тушириб, менга қўл узатди. Унинг ойиси ҳам менинг ойимга ўхшаб сут пишираётган экан. Мен аввал нима учун келганлигимни айтмасдан, рўпарадаги бир жойга ўтира қолдим. Улар ҳам менинг нима учун келганимни сўрашмади. Эҳтимол боламиз билан ўйнагани келгандир, деб ўйлашган бўлса керак. Тўғрисини айтганда, унинг боласи билан ўйнаш ўёқда турсин, ёнида бирпас тургим ҳам келмасди. Ҳозир ҳам ёмон кўриб турибман. Негадир кўргим келмаса ҳам унинг ножўя ҳаракатини кўргим келаверди. Чунки унинг ҳар бир ҳаракати менга ғалати кўринарди. «Ойи, қаймоқ», деди у секингина. Ойиси бўлса: «Пишин, болам, пишин», деб қазоннинг қопқоғини қайта-қайта очиб кўра бошлади. Турдибой эса, чидайдиган эмас. «Қаймоқ, қаймоқ», деб ойисига тиқилинч қиласаверди. Шу орада ўчиқдаги ўт бирдан ловиллаб ёниб кетиб, онаси ўйрлик қўлини куйдирди. Бундан жаҳли чиққан ойиси чидамай: «Бай-бай, сен бола тушмагур доим шошилтирганинг шошилтирган», деди. Турдибой жим бўлди. Отасидан

ҳам, ойисидан ҳам сўрамасдан, ўтов ёғочига осиглиқ турган отасининг камзулини олиб муккасидан тушиб ётиб олди. Уйқуси келган бўлса керак, деб ўйладим-да, кетишга отланган эдим. Ойиси алланималарга ҳаракат қилиб, овора бўлаётгани учун бир оз уядим. Чунки кампирда ишим ҳам бор эди. Кампир қозонни ерга олиб, сутнинг қаймоғини сариқ заранг косага сидириб тушири-да, Турдибойнинг олдига қўйди:

— Ўргилиб кетай, ма, ея қол!

Турдибой чурқ этмасди.

— Ея қол, болам!

Турдибойни бир зумдаёқ ухлаб қолган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Бу ўйим беҳуда бўлиб чиқди. Чунки кампир унинг устига ёпилган камзулини бир оз кўтарган эди, у кетга силжиб, ўтов панжарасига яна маҳкамроқ тиқилди. Отаси ҳам қайта-қайта эркалатиб, муло-йим сўзлар айтиб, ялина бошлади. Ҳеч турадиганга ўхшамайди. Энди ота-онаси иккови ялина бошлашди: «Сенга ким бақирди? Манави кампирми? Эй, ўнгмагур кампир!»— деб чол ўз ёнбошига ўзи шартиллатиб урса ҳам, Турдибой ҳадеганда қўзғалмади. Бир вақт кампир яна бир ҳийла топиб: «Мана бунга қара, Турдимурот, сендан кулаёттир», деди. Менинг ойим ҳам гоҳо худди шундай деб, бирорларни мисол қилиб гапирав эди. Бу сўзлари ёлғонга ўхшайди, деб ўйладим ўзимча. Чунки мен ундан кулаётганим йўқ, балки ғижиниб ўтирибман. Шунда ҳам бу кампир мени мисол қилиб, баҳона қидиряпти. Қани ойимга шундай эркалик қилиб кўр-чи, нақ биқинингни бураб-бураб олсин. Булар бўлса, Турдибойни урганлари ҳам йўқ, нуқул ялиниб-ёлворишиди. Мен ойимга ўхшаб хўп таъзирини беришармикин, жуда мўмин бўлиб қоларди-да, деб ўйлаган эдим. Шу орада:

— Турдимурот, сен ҳам аразлайсанми?— деб сўради кампир мендан.

— Йўқ, аразламайман. Аразласам ойим адабимни бериб қўяди,— деб ростини айтдим.

Турдибой уйғоқ ётган экан. У ўрнидан ирғиб туриб, менга осилди. Ҳатто оғзимга бир-икки тарсаки тортиб юборди. Чидаёлмадим, мен ҳам ёқасидан хип бўғиб, ёпишиб олдим. Лекин дадаси бизларни ажратиб қўймаганда, унга кучим етар эди. Роза хумордан чиқай деган эдим. Чол мени, кампир Турдибойни ушлади. Шундай қилиб, нима иш билан келганимни айтиш ҳам эсимдан чиқиб, кетиб қолдим.

Шундан бери Турдибойни уйидан овлоқроқ жойда ҳеч учрата олмай юрган эдим. Мана бугун ўзи мактабга келиб қолди. Бироқ дарс тугаши билан чиқиб кетганлигидан мендан қўрқсан бўлса керак, деб ўйладим. Агарда Менглимурот aka барча болаларни битта-битталаб қўл ушлаштириб:

— Бугундан бошлаб дўст бўлиб юринглар,— демаганда, дарсдан чиққандан кейин у билан бир муштлашишни ҳам кўнглимга туғиб қўйган эдим. Бу шаштимдан қайтим. Чунки, қўл олишганимиздан кейин уришмаслигимиз керак-да. Бурун ўзимиз бирорвлар билан ёқалашганимизда, ёши каттароқ бир бола қўл ушлаштириб, яраштириб қўяр эди. Менглимурот aka худди шу одатимизни билгандек, бизларни бир-биримиз билан қўл ушлаштириб, яраштириб қўйди. Унинг нега кетганини кейинроқ тушундим. Сабаби, муаллимнинг ўзи ҳам Турдибой ҳақида бизларга бундай деди:

— Билишимча, у уйида ҳам бетартиб бўлса керак. Эҳтимол, арзимаган нарсага аразлаб, овқатини ҳам ўз вақтида ичмаса керак. Бўлмаса, ўрнингиздан туриб навбат билан сўзланг деганга арзлаб кетмас эди. Майли, кетса кетаверсин. Ўзим уйига бориб ота-онаси билан гаплашаман.

Мен шу пайтда Менглимурот акага ҳамма болаларнинг олдида Турдибой ҳақида бутун кўрган-билганларимни айтмоқчи эдим-у, яна ўзимни босиб, жим ўтиредим. Чунки Менглимурот aka яна бир қизиқ ҳикоя бошлаган эди.

— Ҳозир бойларнинг мол-мулки нима учун мусодара қилингапти?— деб бизларга савол берган бўлди-да, Менглимурот аканинг ўзи яна тушунтира бошлади.— Чунки уларнинг ортиқча моллари олиниб, колхозга берилади. Бу моллар колхознинг ўртадаги моли бўлади. Шу молларни колхозчиларнинг ўзлари керагига яратади. Мана кўриб турибсиз,— деди у синфни кўрсатиб.— Сизлар манави уйда ўқияпсиз. Шуленбой бу уйга сизлар тугул оталарингизни ҳам киритмас эди. Мана ҳозир бу жой бир одамники эмас, шу овулдаги ҳамма одамнинг жойи бўлди. Бу жойда сизлар ўқийсизлар.

— Сойип, Қунназарлар ўқишмайдими?— деб юборганимни сезмай қолдим.

— Ўқишиади. Қаёқда улар?— деди муаллим қизиқиб.

— Кўлда яшириниб юришибди,— дедим мен.

— Неча бола?

— Кўп. Ораларида қизлар ҳам бор,— деб жавоб бердим-у, негадир, ўзимдан ўзим қизарив кетдим. Чунки шу ўтирганларнинг бири: Турдимурот чақимчилик қилиб юрибди, деб гап тарқатиши ҳам мумкин-да.

— Қани, улар юрган ерга мени ким эргаштириб боради?— деди Менглимурот ака бизларга қараб. Болаларнинг номларини айтганим етмасми? Энди уларни топиб беришим қолибдими? Ота-оналари билса, менга: «Ярамас чақимчи», дейишлари мумкин-у, деб ўйладим. Менглимурот ака бутун синфга тикилиб қаради-ю, ҳеч кимдан садо чиқмади. Кўриб турибманки, ҳамма оғирлик менинг зиммамга тушадиган кўринади. Болалар жимжит. Сўзлаш ўёқда турсин, назаримда мени ҳам ёқтирумай ўтиришарди.

— Қимдан қўрқасизлар?— деди Менглимурот ака бизларнинг сиримизни билиб.

— Олиб бориш ўёқда турсин, қаерда эканликларини айтсан бўлгани, ораларида катта болалар ҳам бор. Бизларни уриб, таъзиримизни беришибди,— деди бир бола. Менглимурот ака бир оз ўйланиб турди. Кейин бир

китобининг варагини очиб, эгилиб қаради-да, бизларга сўзлай бошлади:

— Болалар, сизлар нега шунча қўрқасизлар? Бизнинг ҳукуматимиз энди тузилган даврлардаёқ сизлардек болалар душманларга қарши курашларда фаол иштирок қилди. Қизилларга ёрдам берди. Сизлар бўлсангиз уради деб қўрқасизлар. Улар ўлимдан ҳам тап тортишмаган эди. Ҳатто жонларини фидо қилиб, ҳалок бўлиб ҳам кетишган. Мен сизларга шундай бир воқеани сўзлаб берай: Пермь губерниясидаги Сосново волостининг Маркоко деган қишлоғида Вания Карасев деган бола бор эди. 1905 йилда ота-онасидан етим қолди. Оғир қийинчиликларни бошидан кечирди. Хўжайинидан неча марта калтак еди. Бироқ 1917 йилги революцияда Қизил Армия сафига ўз хоҳиши билан кўнгилли бўлиб кирди. Ўша пайтларда Вания атиги ўн икки ёшда эди. 1918 йилда Ванияни душманлар тутиб олди. Лекин у кичкиналигига қарамай, Қизил Армия сафида катта топшириқларни бажаар әди. Душманнинг орқа томонига бориб, бир қанча марта яширин сирларини билиб келди. Душманнинг орқа томонига ўтиш осонмиди, йўқ, ҳар бир қадамида ўлим хавфи бор эди. Душманлар кўрса бас, отиб ташлайди. Уни сизлар Ваниянинг ўзи билмайди деб ўйлайсизларми? Кичкина бўлса ҳам у ўзини коммунистман, деб ҳис қилас әди. Коммунистик сирни ҳеч кимга билдирамасди. 1918 йилнинг декабрь ойида Вания қўлга тушиб қолди. Қаҳратон совуқ әди. Ерда тизза бўйи қор. Лекин Вания қўлга тушса ҳам Қизил Армия ҳақида ҳеч қандай сир очмади. Душман уни қорга яланг оёқ ҳайдади. Қип-яланғоч қилиб қорга аранатди, яланғоч баданини қамчи билан савалади. Чимчилади, танасига пичоқнинг учини санчиди. Қанча ери қонга беланса ҳам, ўлим азобини қанча тортса ҳам, у ўз сўзидан қайтмади. Қандай савол берилса: ҳам: «Мен коммунистман», деган сўздан бошқа жавоб қилмади. Мана шундай қилиб, душман қўлида ўлиб кетди. Сиз-

лар бўлсангиз тўқайдаги болаларни топиб, мактабга олиб келишдан бўйин товлаб ўтирибсиз. Агарда мен бирга борсам сизларни урдирмайман.

Болалар чурқ этишмади. Муаллимнинг Ваня ҳақидағи ҳикояси ҳаммага таъсир этдими, этмадими, уни билмадим. Лекин мен жуда ҳаяжонга тушиб қолган эдим. Қандай баҳодир бола экан-а? Биз бўлсак қуп-қуруқ далада қўрқиб юрибмиз. Мен негадир ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Бироқ шундай бўлса ҳам сизни мен бошлаб бораман, деб айтольмадим. Ҳеч қайсимиздан садо чиқмагач:

— Эртагача уларнинг қаерда яшириниб юрганликларини аниқланглар,— деди муаллим бизларга пировардида.

#### 4

Овулдан чиқиши биланоқ тўқай бошланар эди. Пастак ўсган жингиллар, ундан кейин йирик эрмонлар, яна нарироқда кўл бўйидаги тақир ерлар кўзга ташланиб турарди. Буларнинг ҳаммасини ҳам беш қўлдай билардим. Менглимурот aka икковимиз шу тўқайлар орасидан келяпмиз. Кўл бўйига етиб келганимизда тақир ер яққол кўринди. Ҳар ерида ёриғи бўлмаса, худди бирор гир айланасига чипчиннидай қилиб суваб чиққандай кўринарди. Икковимиз ёнма-ён келяпмиз, Менглимурот aka овулга келгани билан ҳам бу томонларни унча кўрмаганга ўхшайди: теварак-атрофга аланглаб қарап эди. Тақир ердан ўтгандан кейин «Дўнгалак кўл»нинг қамишзор жойи бошланди.

— «Дўнгалак кўл» деса деганича бор экан,— деди Менглимурот aka теварак-атрофга кўз ташлаб туриб. Унинг бўйи мендан новчароқ бўлгани учун кўлнинг нариги қирғофини ҳам кўриб турган бўлса керак, деб ўйладим. Мен уни индамай бошлаб келяпман.

Мен Менглимурот акага жуда ўрганиб қолган эдим.

У ҳам мендан унчалик сир яширмайдиган, мен ҳам ундан тортина майдиган бўлдим.

— Сиз неча йил ўқидингиз, ака,— дедим унга дам олиб ўтирган пайтимида. У менинг саволимни ўринсиз деб билдими, кулиб қўйди-да, аста деди:

— Бундан саккиз йил бурун ўқишга кирган эдим. Тўрткўлдаги интернатда ҳам уч йил ўқидим. Ундан кейин мени ўқитувчилик ишига юбориша диган бўлишган эди, розилик бермадим. Шундай қилиб, Тошкентда яна тўрт йил ўқидим.

Менинг ҳисоблашимча, Менглимурот ака роппа-роса етти йил ўқибди. Ўх-хў, шунча узоқ ўқибди-я?! Дадам билан ойимнинг айтишига қараганда, етти йил деган сўз кишининг анчагина умри. Агарда кетган вақтда аёли ҳомиладор бўлганда, Алпомишнинг Ёдгоридек етти яшар ўғли олдидан чопқиллаб чиқар экан-да? Бизга бундай етти йил ўқиш қаёқда дейсиз! Ўқиганимизда ҳам уч йилдан кейин ўқитувчи бўл деса, ўйлаб-нетиб ўтирамай дарров розилик берар эдик!

Тошкент деган сўзни биринчи марта эшитдим. Уни шаҳар дейишимни ҳам, мактаб дейишимни ҳам билмадим. Мен Чимбой, Қўнғирот, Хўжайли деган жойларнигина билардим. Халқобод деган шаҳарга эса, туғилганимдан бери бир марта гина бордим. Унда ҳам опамикига меҳмон бўлиб борганди. Шаҳар дегани — тиқилинч жойлашган уй бўлар экан. Мен чурқ этмай шулар ҳақида ўйлаб келаётган эдим, ўқитувчининг ўзи Тошкент ҳақида яна сўзлаб қолди...

Кўлнинг ичкарироқ томони ўтган йили сув босиб ётган жой эди. Унга одамлар буғдой экиб олишди. Буғдойзорнинг атрофини гир айлантириб қамиш қуршаб олган. Унда қирғовуллар кўп. Яқинда мен ҳам шу ерга бир марта бориб, болалар билан тузоқ қўйиб кетган эдим. Бу жойларни яхши биламан. Эҳтимол, қочоқ болалар шу буғдойзорлардаги сомон ғарамлари атрофида ўтиришгандир. Тузоқларини гир айлантириб қуриб,

пойлаб ўтиришибдими, ким билсин. Чунки, уларнинг кўпи келса, озроғи келмайди. Куни билан шу ерда тузоқ қўймай нима қилишсин. Эшитишумга қараганда, сомон ғарамининг ичига кириб ётишаркан. Ота-оналари болаларининг қаёққа кетганликларини айтишмас экан.

Бир маҳал қамишга аралашиб ўсган жинғилларга дуч келдик. Бундай жойлар тузоқ қўйишга жуда қулай бўлар эди. Бироқ мен бу ерларда тузоқ бор, деб ўйламаган эдим. Бир жинғилни айланиб ўтаётсан, бир чивиқ қўзимга чирт этиб тегиб кетди. Товушимни чиқармасдан икки қўлим билан қўзимни босиб ўтира қолдим. Ёш тирқираб оқяпти. Менглимурот aka дарров олдимга келиб, қўлтиғимдан кўтарди:

- Нима қилди, укам?
- Тузоқни босиб олибман,— дедим.
- Қани тузоқ?— деди у қизиқсиниб.

Мен қўзимни бир қўлим билан босиб туриб, ҳалиги тегиб кетган жинғилнинг тепасидаги шалвираб осилиб турган тасмани кўрсатдим. У илгари тузоқни кўрмаган бўлса керак, жинғилнинг тепасидаги тугунни тортиб кўрмоқчи эди, мен унга ушлатмасдан тугунчани ўзимга қараб тортдим. Шундай қилдим-да, тузоқ боғлоқлик турган жинғилни қўзимдан уч марта айлантириб, уч марта «туф-туф» дедим-да, Менглимурот акага қайтариб бердим.

- Бу нима қилганинг?— деб сўради у тушунолмай.
- Заарли чўпмикин деяпман-да,— дедим мен.
- Заарли чўп бўлганда нима қиларди?— деди у яна.
- Эҳтимол қўзимга оқ туширас,— деб кафтим билан қўзимни уқалай бошладим. У менга яқинроқ келди. Қўли билан қўзимни очиб, синчиклаб қаради-да: «Сиртига тегибди, ҳеч нарса қилмайди. Бироқ чўп заарли деган сўзингни қўй. Агарда боягидай қўзингни уқалайверсанг, унда ёмон бўлади», деди. Мен нима дейишимни билмай, индамасдан буғдоизорга қараб бурилдим. Буғдоғ ғарами ёнида тўпланишиб ўтирган уч-тўрт бола узоқданоқ

кўзга чалинди. Агар улар бизни аввал кўрганларида қочиб кетишлари мумкин эди. Шуни фаҳмлагандек Менглимурот ака бир ҳийла ўйлаб топди:

— Сен уларни шу ёққа чақириб келасанми? — деди менга.

— Менглимурот ака чақирипти дейми? — дегандим, у:

— Ҳа, муаллим демаёқ қўй. Балки келишмас, — деди.

Келсан Айтмурот, Сойип, Қунназар ҳаммаси ўтиришган экан. Мени кўриб, аввалига чўчиб кетишган бўлса ҳам, кейинчалик севинишиди. Уларга худди бозордан келган отасидай бўлиб қўриндимми, атрофимни ўраб олиша бошлади.

— Муаллим кетдими? — дейишди ҳаммалари бирданига. Нима дейишимни билмай, ўйланиб турганимда, яна баъзилари устма-уст сўроқ бериша бошлади:

— Сени ўқишига олиб кетди дейишган эди. Қандай қутилиб қолдинг?

— Урдими?

— Қочиб келдингми?

— Дуйсен домладан яхшими, ёмонми?

— Тўхтанглар! — дедим мен, уларни қайси бирига жавоб беришни билмай. — Навбат билан-да.

Овозим сал қаттиқ чиқиб кетган бўлса керак.

— Бундай шартта-шартта гапиришни қаёқдан ўргандинг? — деди Қунназар.

Уларнинг олдида ёлғон гапиришни ўзимга эп кўрмадим. Қандай қилиб бўлса-да, ростини айтишини маъқул кўрдим: бафуржа ўтириб олдим-да, уларга уйга ўқитувчининг келганини, яширинганимни, у ердан топиб олганидан бошлаб ҳеч қолдирмай барини сўзлаб бердим. Муаллимнинг отимни ёзив олиб, қарогим, эртага ўқишига бор, деганини ҳам айтдим.

— Қарогим, деб ширин сўз билан аврайди-да, — деди Сойип, сўзимни тамом қилгунимча ҳовлиқиб. У мени қочиб келган бўлса керак, деб ўйлаган бўлиши ҳам эҳтимол.

— Йўқ, урмади,— дедим мен.— Эрталаб аzonда мактабга бордим. Шуленбойнинг донидан бизлар учун алоҳида ажратиб қўйган экан. Азонлаб ёрма гўжани уриб олдик. Ўқишига борган болаларнинг ҳаммаси ҳам мириқиб тўйиб олишгандан кейин ўқишиди.

— Хой, овқат ҳам берар эканми?— деди Қунназар сўзимни бўлиб. Ҳамма болаларнинг қаравида ҳам шу савол бор эди.

— Овқат бериш ҳам гапми? Кўп қизиқ ишларни кўрдим,— дедим теварак-атрофимга қараб. Бу вақтда кун анча кечикиб қолган эди. Осмонда булут ҳам йўқ. Бироқ болаларнинг устларидағи кийимлари қалин, бунинг устига атроф қамишзор бўлганлиги учун шамол тегмас эди. Ҳаммаси димиқиб терлаб ўтиришибди. Мен кўйлакчан эдим. Унча исиб кетганим йўқ. Осмонга қараган кишига ўхшаб, Менглимурот ака ўтирган томонга кўз ташладим. У бир нарсани маъқуллагандек мен томонга кела бошлади. Бироқ, болаларнинг ҳеч қайсиси уни кўра олмади:

— Қандай қизиқ иш? Айт-чи, дўстим,— деб Сойип жуда қизиқиб сўради. Мен уларга муалтимнинг мени қандай ювинтирганини, сувни ўзи қуйиб турганини ба-тафсил сўзлаб бердим.

— Ие? Ҳали у сенинг қўлингга сув ҳам қуйиб турдими?— деди Айтмурот. Мен улар бу сўзимга ишонмасалар керак, деб қасам ичдим:

— Ҳудо ҳаққи, сув қуйиб турди, ҳатто ўзи билан бирга уйга олиб кириб, чой ишказди. Тўрдан жой берди.

Ундан кейин бўйрада ўтириб, бир-икки кун дарс ўқиганлигимизни, скамейкалар олиб келинганини, хуллас, қандай янгилик кўрган бўлсам, ҳаммасини муаллим келгунча болаларга сўзлаб бердим.

— Исми нима экан?

— Мен муаллимнинг исмини алоҳида бир товуш билан айтдим.

— Шундай қилиб, урмадими?— деб Сойип яна сўради.

— Сенинг қулоғинг битиб қолганми дейман? Айтдим-ку, урмайди. Қайтандга бошингни сийпалайди деб.

— Шундай экан, биз нега ундан қочиб юрибмиз?— деди Сойип. Болалар ҳайрон қолишиб бир-бирларига қарашиди-да, бу саволга жавоб топишолмади.

— Ҳозир ўша ўқитувчи келганда ўзини кўриб, ишонар эдик,— деди Қунназар ўрнидан сакраб туриб.

— Бўлмаса, қани юринглар,— дедим мен уларга,— ҳозир ўқитувчини кўрсатаман.

Улар менинг сўзимга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билишмади.

— Ёлғон бўлса хўп таъзирини берамиз,— деб Қунназар менинг орқамдан эндиғина эргашган эдики, бошқалар ҳам дарров ўринларидан туриб, йўлга тушишди. Бундай қарасам, қамишзорнинг орасидан Менглимурот аканинг ўзи ҳам келаётган экан.

— Ана, Менглимурот аканинг ўзи,— дедим. Улар Менглимурот акани кўришиди-да:

— Уша муаллимми?— дейишиди гўё ёқтирмагандек. Шу орада Менглимурот аканинг ўзи яқинлашиб келиб: «Салом, болалар!»— деди кулиб. Болалар унинг саломини эшишмагандек, устма-уст «ассалому алайкум» дебчувиллашиб, муаллим билан қўл беришиб кўриша бошлидилар.

## 5

Овулдаги одамларнинг ташвишга тушиб қолганларига анча вақт бўлди. Қизиқ, кап-кatta одамларнинг бир-бирлари билан келиша олмай юришлари мени ҳайрон қолдиради. Чунки улар катта кишилар-ку, нега чиқиша олмайдилар? Ҳаммасининг айтган сўзи: колхоз, Кўшичилар союзи. Бирори колхоз ҳақида сўз бошласа, иккинчи-си Кўшичилар союзи ҳақида сўз бошлайди, баъзилари моллари ҳақида сўз очса, баъзилари хотинлари ҳақида сўз очади. Хуллас, гап-сўз бир хилда эмас. Мен эшиш-

ган гапларнинг ҳар қайсиси ҳар турли. Бир вақтлар Менглимурот ака бизларга шундай деган эди:

— Болалар, сизларнинг ота-оналарингиз ҳозир колхозга киришган. Лекин тарвузи қўлтиғидан тушган душманлар ҳалигача қаршилик кўрсатишяпти. Эҳтиёт бўлинглар. Агарда кимки колхоз ишига қаршилик кўрсатса, ҳабар беринглар,— деб бундан тўққиз-ўн йил илгариёқ бўлганд воқеаларни айтиб берди. Самара губерниясининг Сулак деган қишлоғидаги Чапаев дивизиясининг 217-Пугачёвчилар ўқчи полкига Вания Ротанов, Петя Козлов деган болаларнинг келиб қўшилганлигини, уларнинг қизил аскарларга кўп ёрдам кўрсатганликларин айтган эди. Улар деҳқон болалари кийимида, оқгвардиячилар ётган қишлоққа бориб айғоқчилик қилишар экан. Шундай қилиб, оқларнинг нима қилаётганликларини қизил аскарларга етказиб туришаркан.

Мен ўша ҳикояни эшитганимда, Менглимурот ака ҳам ўшандай сергак айғоқчи бўлинг демоқидир, деган фикрга келдим-да, ҳақиқатан ҳам одамлар орасида гап тинглаб юрадиган бўлдим. Лекин бир куни дадам билан бир қўшнимизнинг ўзаро сўзлашиб ўтирганларига қулоқ соламан деб, дадамдан эшитмаган сўзим, кўрмаган азобим қолмади.

— Муштдай бўла туриб катталар билан нима ишинг бор,— деб мени ҳайдаб юборди. Чамамда, мен Вания билан Петядек эҳтиётлик билан қулоқ солмаганга ўхшайман. Балки сўзлашаштаганларнинг гапларига анграйиб қотиб қолгандирман. Шундан бери гап тинглаб, айғоқчилик қилишни йифишириб, тинчгина юрадиган бўлиб қолган эдим. Кўлга бориб Менглимурот акага болаларни кўрсатганим учун дадамнинг олдида айбдор бўлдим-қолдим. Мен билан тенг Гулай деган қизи бор Серали ота дадам билан уришиб қолди. Ушанда Сериали:

— Матмурот, болангга кучинг етмаса нимага ота бўлиб юрибсан?— деб ўшқирди. Дадам шу сўздан хафа

бўлдими, мени бугун ўқишга юбормади-қўйди. Қетаверай десам китобларимни яшириб қўйибди. Ялинавердим, ялинавердим, нақ туш пайтигача ялиндим. Лекин юбормади. Дадамнинг бир яхши одати шу эдики, мени бирон марта бўлса ҳам чертган эмас. Биронта қилиғим ёқмай қолса ё мутлақо индамайди, ё менга керакли нарсаларни бекитиб ташлайди. Бугун ҳам худди ўшандай қилди. Мен қайта-қайта ташқарига чиқиб қуёшга қарайвердим. Ҳар куни аста-секин жиладиган қуёш бугун негадир тез ботиб борар эди. Охири чидаёлмай ўртов ёғочига қистириб қўйилган ўроқни олиб, далага чиқдим. Қарасам, Менглимурот аканинг ўзи келяпти.

— Салом, Турдимурот,— деди у яқинроқ келиб.— Унинг мендан олдин салом берганига хижолат бўлдимда, овозидан жаҳли чиққан бўлса керак, деб ўйладим. Финг демай бошимни эгиб туравердим.

— Нима қиляпсан?— деб сўради яна.

— Уй пойлаб қолдим,— дедим қисқагина қилиб. Бошқа баҳонам ҳам йўқ эди.

— Бу баҳона эмас-ку.

Менглимурот акани қандай ишонтирса бўлади. Бошимни қашиб ўйлай бошладим. Менда қандайдир бир сир борлигини фаҳмладими дейман:

— Ўқишга бормаганингни даданг биладими?— деб сўради.

— Биладилар,— деб жавоб бердим. Менглимурот акага қарасам, сал ғазаблангандек кўринди.

— Майли, ҳозир ота-онанг билан сўзлашиб кўрамиз, — деди у. Шу орада ойимнинг ўзи ҳам келиб қолди. Менглимурот акани кўрди-ю, сўзлаб кетди:

— Чироғим, болаларни Турдимурот орқали топиб, ўзинг четда юрганинг нима қилганинг? Одамлар бизларни гап-сўз қилишяпти.

— Қўйинг, ойи,— дедим мен Менглимурот аканинг ёнини олиб. Чунки бу гапи менга қаттиқ тегиб кетди. Хўрлигим келди. Менглимурот ака менга яна:

— Ҳой, Турдимурот, киши онасига ҳам шундай тик гапирадими? Сен яхши бола эдинг-ку. Ойинг гапирса менга гапиряпти,— деди менга.

Бу сўзни қайси маънода айтганини билмайман. Негадир шовқин-сурон кўтариб, ўдағайлаб келаётган ойим худди чўққа сув сепгандек жимиди-қолди.

— Чироғим муаллим,— деди у Менглимурот аканинг ёнига келиб, кейин қўли билан мени кўрсатди.— Шуни тузат-чи. Мана шундай ярамас одатлари бор.

— Кампир, хафа бўлманг. Турдимурот яхши бола, бундан кейин бундай одобсизлик қилмайди,— деди у. Бу сўздан бошим кўкка етгандек севиндим. Ойим Менглимурот аканинг қулоғига алланималар деб шивирлай бошлади. Нима деганини эшитолмадим.

— Тушуняпман, кампир, тушуняпман. Ҳали ҳаммаси ҳам пушаймон ейишади. Турдимуротдан миннатдор бўлишади.

Ойимни бирор сал мақтаб ё кифтига қоқиб сўзласа борми, қўлидаги ичиб ўтирга ошини ҳам ундан аямайди, у гапни кўп чўзиб ўтирмай:

— Бўлди, Турдимуротжонни эргаштириб кетавер. Дадасига ўзим айтиб қўяман,— деди.

Ойим рухсат бергандан кейин мен қараб турармидим. Турдибойнинг уйига бордик, у ҳали ухлаб ётган экан. Уйда Турдибойдан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Тура қол, Турдибой,— дедим мен унинг бошини чайқаб.

— Қаёққа?— деб эснади Турдибой.

— Қаёққа эканлигини суриштириб нима қиласан, бўл тезроқ!— деб шошилтирдим. Турдибой менинг сўзларимни эшитар экан, кўзининг шапақларини ҳам артмай кийим-кечакларини излай бошлади. Бир лаҳзада кийиниб ҳам бўлди.

— Бўлсанг-чи!— дедим мен яна. Менглимурот ака: «Шошилтирма, кийиниб бўлсин», деб ташқарига чиқиб кетди.

Турдибойни кийинтирдим-да, ташқарига олиб чиқдим. Менглимурот аканинг мақсади — бугун дарсга бормай қолган болаларнинг ҳаммасини йифиб, мактабга олиб бориш экан. Икковимизни эргаштириб олиб, Гулайнинг уйига қараб жўнади. Гулайнинг онаси мени кўриши биланоқ бидиллаб, тўнфиллай бошлади.

— Нега жим юрмайсан, жувонмарг! Ўқигинг келса ўзинг ўқийвермайсанми! — деди худди қизини мен ўқитиб юргандай. Мен чурқ этмадим. Менглимурот ака кампирнинг ёнига яқинроқ борди-да:

— Онажон, қизингизни Турдимурот эмас, мен излаб келяпман,— деди ётиғи билан тушунтириб. Шундан сўнг кампир жим бўлиб қолди. Ўқитувчи кўп ҳаялламасдан Гулай учовимизни эргаштириб, мактабга қараб йўл олди.

## 6

Вақт ўтаверди. Синфимиздаги болаларнинг сони ҳам кундан-кунга кўпаяверди. Қизлар ҳам бизлар билан аралашиб ўқийдиган бўлишди. Ҳеч ким Дуйсен домлани оғзига олмай қўйди. Қиз болалар билан ўғил болаларнинг аралашиб ўқишлиари ҳаммани ҳам ҳайрон қолдирди. Мен ҳам қизларни унча яхши кўрмайман. Чунки қизлар қитдай камчилигинг бўлса ҳам гап қилиб юргани-юрган. Ҳақиқатан уларнинг кўзи олдида шалвираб юришни ўзимиз ҳам яхши кўрмаймиз. Менглимурот ака дастлабки кунларда бизларни ҳар куни дарсдан кейин олиб қолиб, тартиб-интизом ҳақида бир соатча суҳбатлашарди. Сўнгги вақтларда бу суҳбат ҳафтасига бир марта бўладиган бўлди.

Эрталаб овқат бериш ҳам ҳали тўхтатилгани йўқ. Бизлар аzonда овқат қилмай, барвақт етиб келамиз. Лекин анчагача бир нарсани фаҳмламабмиз: қизлар бизлар билан аралашиб ўтиришса ҳам овқат ейишдан тортинишар экан. Ёнларига қўйилган заранг косадаги

овқатларни бошқа болаларга беришаркан. Бир куни буни Менглимурот ака сезиб қолди.

— Қизлар, нега овқат ичмайсизлар? — деди у әрталаб овқат маҳалда. Биз ҳеч нарсанинг фарқига бормас эдик. Қайтага қизлар овқатларини бизларнинг заранг косамизга қўйишса севинар эдик. Менглимурот аканинг ҳалиги сўзидан кейин қизлар уялишадиган бўлди. Оғизларини очмай бир-бирларига ер остидан қарашар эди. Бунинг сабабини тушуна олмадик. Улар бўлса жавоб беришмасди:

— Менглимурот ака,— деди Сойип, ёнида ўтирган Гулайнинг лиқ тўла заранггини кўрсатиб.— Ҳар куни ҳам овқат ичмайди, нега деганингизда рўза тутиб юриби.

Шу кунларда ҳақиқатан ҳам рўза эди. Ойим ҳам, дадам ҳам рўза. Гоҳо саҳарлик қилишганда уйғониб қолсан менга ҳам овқат едиришар, энди жилла бўлмаса дадангнинг савоби учун, менинг савобим учун бир кун рўза тут, деб ойим менга жаврагани-жавраган эди. Ҳақиқатан ҳам Сойипнинг гапида жон бор эди. Гулайга қўшни. Гулай унга ер тагидан бир олайиб қаради-да, яна бошини қўйи солиб жим ўтираверди. Менглимурот ака ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Овқатини ичганлар ичди, ичмаганларникини «мечкай» болалар аллақачон пок-покиза тушириб олишди.

— Болалар! — деди Менглимурод ака синфга киргандан кейин. Биз унинг бу хилда сўз бошлишидан дарсни ҳали-вери бошламаслигини фаҳмладик. Чунки у одатда бирдан қўлига бўр олиб, дарров ҳарфларни доскага ёзишга киришар эди. Ё бўлмаса бирорни ўрнидан турғизиб, уйга беришган вазифани сўрарди. Баъзан бир нарса ҳақида сўзлайдиган бўлса, дарсдан кейин синфда анча ҳаяллаб қолар эди. Бу сафар унинг овози нимагдир аввалгидай мулойим эшитилмади.

— Рўза тутиш,— деб у бир оз ҳаяллаб, жим турди-да, кейин рўза ҳақида сўзлай кетди. Унинг қандай келиб

чиққанини, дин киши соғлиғи учун зарап әканлигини сүзлаб бўлиши биланоқ, зўрға ўтирган Қунназар ўрнидан иргиб турди-да:

— Менинг ойим: «Тўққиз ёшимдан бошлаб ҳар йили рўза тутаман», дейдилар. Лекин ҳеч ерлари оғримаган. Тани-жоним оттадай соғ, деб мақтаниб ўтирадилар,— деди.

— Саломатлигининг яхши деганига ҳеч ишонмайман. Аnavи куни уйингга борганда, биласанми, қандай бўлганини,— деди Менглимурот ака унга. Шундан кейин рўза ҳақида кўп сўз бўлмади. Дарс тугагандан сўнг Менглимурот ака фақат қизларни олиб қолди. Уларга нималар ҳақида сўзлаганини била олмадим. Қизлардан сўрасак ҳеч қайсиси айтмади.

Эртаси куни Менглимурот аканинг Гулайларникидан келаётганлигини кўриб қолдим. Эҳтимол, кечаги рўза масаласида сўзлашгандир.

Орадан яна бир ҳафта вақт ўтди. Қизлар мириқиб овқат ейишадиган бўлди. Албатта, бунга Менглимурот аканинг қандай таъсир кўрсатганини билмаймиз, ўзича бу ҳақда бизларга бир оғиз ҳам гап айтмади.

Синфимиз борган сари яхшиланда борди. Деворлари чизиқсиз, қофоздай оппоқ. Скамейкалар ҳам етарли. Биттасида тизилиб ўтирасак, биттаси олдимизда туради. Китоб, дафтар, қаламларимизни шунга қўямиз. Менглимурот ака ўртада уёқдан-буёқга юриб, дафтарларимизни текширади. Лекин скамейкалар узун бўлганлиги учун, у бериги бошидан текшира бошласа, нариги бошидан бира тўла томомлаб чиқади. Шу ҳафтанинг ичида яна бир ўзгариш юз берди. Масалан: кунда тўрт соат ўқийдиган бўлсақ, энди яна бир соат тарбия дарси ҳам қўшилди. Қани кийиминг ифлос, қўлинг сиёҳ ё бўлмаса китобларинг йиртилиб, бир еринг кир бўлиб кўрсин-чи! Менглимурот ака кўпчиликнинг олдида хўп уялтиради.

Мана бугун ҳам тарбия дарси ўтказай деяпти. Менг-

лимурот ака бирданига дарс бошламади. Ҳаммамизни бирма-бир кўздан кечириб чиқди-да, илгариги одатича:

— Болалар! — деди бизларга қараб. — Қаерда темир интизом бўлса, шу ерда кучли коллектив бўлади. Мустаҳкам бирлик бўлса, ёв бардош беролмайди. «Олтловлон ола бўлса, оғзидағини олдирап, тўртовлан тугал бўлса, кўкдагини ундирап», деб ота-боболаримиз бекорга айтмаган. Аҳил бўлсанглар, яхши бўлади.

Менглимурот ака баъзан жуда мураккаб, қизиқ ҳикоя сўзлаб берар эди. Менглимурот ака бизларга бу ҳикояларни яхши эслаб қолишини, улардан ўrnак олишини, ўзимизча холоса чиқаришини ҳамиша маслаҳат қиласарди. Ўзи ҳам жуда қизиқ сўзлаб беради-да, оғзимизни очиб, қотиб қоламиз. Кейин дастлаб сўзлаб берган воқеасига боғлаб ё ўқишимиз, ёки тартиб-интизомимиз ҳақида гапиради. Бугун у, бизларнинг аҳил бўлишимиз ҳақида тўхталди.

— Сизларда тотувлик йўқ. Шунинг учун ҳам баъзиларингиз дарсдан қолоқ бўлсангиз, баъзиларингиз бепарво юрасизлар. Бир-бирингизнинг камчиликларингизни айтмайсизлар.

— Уни сизга айтамизми,— деди Турдибой. Мен Турдибойнинг бугунги ҳаракатидан анча ҳайрон бўлдим. Аввалги жаҳлидан бир оз тушибди. Ўқитувчи унга қарши бир нарса деса ҳам қочиб кетадиган турқи йўқ.

— Нуқул менга айтаверишнинг ҳожати йўқ,— деди Менглимурот ака.

— Бўлмаса кимга айтамиз?

— Сизлар ўз ораларингиздан синфком ва тозалик комиссия сайлаб олишингиз керак. Мана шуларга айтинг. Улар буни бажаришмаса кейин менга айтасиз.

Болалар орасида шивир-шивир гап бошланди. Яқиндагина синфком сайлаш ҳақида ўзаро келиша олмаган эдик.

Баъзилар Турдибойни, баъзиси Сойипни, баъзиси

бошқа бирорни кўрсатди. Менглимурот ака ўшанда бизни синамоқчи бўлдими, негадир индамади. Шундай қилиб сайлов бўлмай қолди. Бугун ҳам бизларни синаб ўтирган бўлса керак, деган хаёлга бориб:

— Ундан бўлса сайлайлик,— деб юборганимни сезмай қолдим. Менглимурот ака рухсат берди-ю, яна аввалгилик тортишув бошланиб кетди. Ўқитувчи индамай, сўзлаганларга қараб ўтиради. Ўзаро баҳлашилмиз. Биримизни биримиз ёқтирумаймиз. Ростини айтганда, ўзим ҳам синфком бўлишга ичимда жон-жон деб турган эдим.

— Бўлдингларми?— деди Менглимурот ака бир оздан сўнг.— Агар қаршилик кўрсатмасаларинг, кимни сайлашингиз ҳақида бир фикр берсан.

Ўқитувчига қарши туриб тентак бўлибмизми? Бироқ мени: ўқитувчининг биз билан ўйлашиб иш кўриши, рухсат сўраши ҳайрон қолдирган эди. Шу орада бирор худди шуни кутиб тургандек:

— Айтинг, Менглимурот ака,— деди бирдан. Бошқалар ҳам уни қувватлашди.

Менглимурот ака ўрнидан туриб, бир қўлини кўтарди. Биз жим бўлиб қолдик.

— Сизларнинг тортишувингиз жуда ўринли-ку...— деб кулди у,— бироқ ўзларингча ҳал қилолмаяпсиз. Менингча, тозалик комиссиянинг бошлиғи қилиб Гулайнин сайласак-а! Нима дейсизлар?

Болалар яначувиллашди.

— Гулай ким бўпти!

— Жим, жим!— деди Менглимурот ака.— Ҳалигина келишиб олган эдик-ку! Кимни кўрсатишни менинг ихтиёrimга қўйиб берган эдингиз. Иккинчидан, синфкомликка Турдимурот сайланса.

Менинг отимни айтганда севинганимдан ўрнимдан учуб кетаёздим-у, шундай бўлса ҳам ўзимни босдим. Ёнимда ўтирган Қунназар ҳам менинг синфком бўлишимга алами келдими, елкамдан ушлаб тортид:

— Намуича, вой-бў, ўтири!

Қунназардан бошқа ҳеч ким менга қаршилик кўрсатмагандек туюлди. Гулай ҳақида ҳам энди ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Менглимурот ака болаларга жавоб бериб юборгандан кейин Гулай икковимизни олиб қолди. Қиладиган ишларимизни, вазифаларимизни тушунтириди. Мен унинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб ўтирадим. Гулай бўлса уятчан: фақат бошини лиқиллатгани бўлмаса, унча кўп сўзлайвермайди. Амал текканига унча талтайди ҳам кетмайди. Лекин шу ишга лаёқати бордек сезилди менга.

— Энг аввал ўзларингиз интизомли бўлишни унуманг,— деб Менглимурот ака биз чиқиб кетаётганда яна бир марта огоҳлантириб қўйди.

---

7

---

Шу қунларда овулдаги одамлар колхозга кирамиз, деб мажлисларга боришар, баъзан мен ҳам ўша мажлисларга иштирок этиб турар эдим. Менглимурот ака фақат бизлар билан банд эканми десам, катта одамлар орасида ҳам чиқиб сўзлар, бойлар ҳақида кўп ҳикоялар айтар экан. Дадам ҳам кўп ҳикоялар айтарди-ю, Менглимурот ака унинг бу ҳикоясини жуда диққат билан тинглаб, маъқуллар эди. Дадамни яхши кўргани учун мени ҳам яхши кўрса керак деб ўйлайман. Чунки мана, синфком бўлдим. Ўйга келиб ойимга айтай десам, мақтанмаёқ қўяй деган андишага бордим.

Бир куни дадам ўйга хурсанд кириб келди. У мажлислардан келган эди.

— Дада!— дедим мен унинг бўйнидан қучоқлаб.— Мен синфком бўлдим.

— Синфком дегани нима? — деб сўради у пешонамдан ўшиб.

— Синф комитети, яъни ўзим билан бирга ўқийдиган болаларнинг бошлиғиман.

— Болам,— деди дадам бошимни силаб. Шундай деди-ю, мени даст кўтарди.—Илоҳим икковимизнинг ҳам баҳтили бўлганимиз чин бўлсин. Ўлдик-ку, етти пуштимиздан бери қўлимизга амал тегмай. Мен ҳам бугун ён кишига бошлиқ бўлиб сайландим.

Дадам мени ерга туширди. Тўрга чиқиб роҳатланиб ўтириди. Мен ҳам катта кишидай рўпарасига бориб ўтиредим. Ойим бўлса қозон-товоқ билан ўралашиб, дадамга чой қайнатиш билан овора эди. Икковимизнинг ҳам тўрга чиқиб ўтирганимиздан аччиғландими дейман (жилла бўлмаса мен бориб қарашворсам бўларди-ку!) шартта ёнимизга келди-да:

— Менга амал йўқмикин? — деб ўтириб олди. Ўт ёняпти. Унга ўтин ташлаб турадиган одам йўқ. Ўйлаб ўтирасам, учовимиздан иккитамиизда амал бор. Ойимга амал тегмаганига ачиндим. Лекин дадам ўжарлик қилиб ўтираверди. Ойим ҳам ўрнидан қўзғалиб елкасини қисдида, тескари қараб ўтириди.

— Кампир,— деди дадам ойимга қараб қувноқ товуш билан.— Ўтингни ёқсанг-чи! Амал сени бошига урсинми?

Ойим уйда дадам икковимизнинг таъзиримизни берар эди. Бир куни кийиминг кир дейди. Бир куни кийиминг йиртиқ дийди. Унинг шу одатларини эслаб ўтириб, бир нарса ёдимга тушиб кетди.

— Ойи,— дедим.— Сиз уйдаги тозалик комиссиясиз.

— Бу нима деганинг? — деб жекирди ойим.

— Ҳа, сиз ахир бизнинг тозалигимизни кўздан кечириб турасиз-ку. Агарда ўқишига борганингизда Гулайнинг ўрнига сиз тозалик комиссияси бўлар эдингиз.

Менинг бу сўзим ойимга қаттиқ тегди шекилли, дадамга қараб:

— Сен ғинғиллама,— деди.— Сен ўзинг амалга ми-  
нибсан. Энди ҳў ўша бойларга ўхшаб, менга оёғингни  
үқалатмоқчимисан? Мен ҳам колхозга кираман. Бориб  
анави оловни пуфла!

Дадам сарғиши соқолли, юмaloқ юзли, новча одам  
эди. Қишин-ёзин бошидаги сариқ қўй терисидан тикил-  
ган телпагини ташламасди. Дадам қалин қошларини  
кериб, қаддини ростлаб сўзламоқчи бўлиб оғиз жуфтла-  
ған эди, тутилиб, кенг пешонасига кафтини тираганча  
ғўлдиради-қолди. Шу ҳолда у узоқ вақт чурқ этмай ер-  
га қараб ўтири. Яқин-ўртада уйда жанжал бўлмаган  
эди. Бир зумда жанжал кўтарилди. Баъзан дадам:  
«Бизнинг уйга шайтон оралади», деб ғўнғиллаб, у-бу  
ишни қилаверар эди. Бугун ундан бўлмади: илгари ойим  
мажлисга бораман деганларида, дадам бир неча марта  
юбормай қўйганлар. Колхозга кираман деб бир-икки  
марта гап очган эдилар, ўдағайладилар. Тўғри-да, маж-  
лисга борганларида ойимга ҳам бир амал тегар эди.  
Менглимурот ака мажлисларда сўзлаганда, аёлларнинг  
колхозга кириши ҳақида кўп таъкидларди. Назаримда,  
ойимнинг гапи тўғри эди.

— Дада,— дедим унинг бўйнига осилиб.— Ойим  
колхозга кира қолсинлар.

Ойим ҳам, дадам ҳам қовоқ солишиб, чурқ этмай  
ўтиришибди. Ўчоқдаги олов ҳам ўчиб қолди. Мен бориб  
ўтни яна олдириб юбормоқчи бўлганимда, ойим камзу-  
лимнинг этагидан тортиб юбормади. У дадамга жаҳл  
қилиб ўтирас эди. Дадам ҳам қимирламади. Ойим оёқ-  
ларини чалишириб ўтираверди. Учовимиз ҳам индамай  
ўтирибмиз. Дадам ўйга чўмган. Энди гапирсам яна  
уришиб кетмасин, деб индамай ўтирибман. Алламаҳал-  
дан кейин дадам бир хўрсишиб қўйдилар. Чап қўлла-  
рини кўтариб бошимни силадилар-да:

— Майли Турдимуротнинг айтганича бўлсин,— деб  
ўчиб қолган ўчоққа яқинроқ бордилар. Ойим ҳам кўп  
ўтиромай чироқ ёқиши учун ўрнидан қўзгалди.

Бир куни мактабга болалар: «Сарсенбой келибди», деган хабар олиб келишди. Унинг соғ-саломатлигини ора-чорада отасидан суриштирганимизда ҳеч нарса айтмаган эди. Бугунги хабар ҳаммамизни севинтирди. Бу ҳақда Менглимурот акага ҳам айтган эдик, у дарс тугандан кейин бизларни тўплаб:

— Сарсенбойникига борайлик,— деди. Мен ҳайрон бўлдим. Узи ўқитувчи бўлса-ю, яна бетоб бўлиб қолган боланинг уйиға бориб, соғлиғини билса! Қизиқ!.. Нима ҳам дея олардик. Менглимурот ака бош бўлиб, ҳаммамиз Сарсенбойникига келдик. Сарсенбойлар мен эсимни танигандан бери, ўтови бор бўлса ҳам, бошқа уйлардан нарида, алоҳида жойда ўтиришарди. Ўтовнинг кигизтунилиги қават-қават бўлгандан кейин ичкарига ҳеч ҳам совуқ кира олмайди. У ҳозир ҳам шу ўтовида ўтирган экан. Биз ташқарида қолдик-да, Менглимурот ака ичкарига кириб кетди. Сарсенбой ўтовда йўқ экан. Уни ўқитувчининг товушидан фаҳмлаб турибмиз. Ўтовда гап колхоз ҳақида борарди.

— Чироғим, кексайгандага колхозга кимни бераман,— дейди Дуйсен домла. Сарсенбойнинг ўқиши кераклиги ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлмади. Биз ҳайратда қолган эдик. Бир маҳал уйнинг орқа томонидан Сарсенбой келиб қолди. Югуришиб бордик-да, бирин-кетин қучоқлашиб кўриша бошладик. Муаллимнинг Дуйсен домла билан сўзлашашётганига қулоқ солишини ҳам унугиб юбордик. Сарсенбой касалхонада ётганида бизлар ўзаро гаплашиб: афт-ангари заъфарон бўлиб сарғайиб кетгандир, деб тахмин қиласар эдик. Йўқ, ундоқ бўлмапти. Бу кўриб турганимиз бир вақтлардаги қораҷадан келган, қотмагина Сарсенбой эмас, икки юзи анордек қизариб семирибди. Ү ҳеч нарса билмагандек:

— Нима қилиб юрибсизлар?— деди.

— Муаллим билан бирга сени күргани келган эдик,  
— дедим мен.

— Кече келган вақтимдаёқ ўқишига бормоқчи эдим,  
— деди Сарсенбой,— дадам юбормадилар.

Унинг гапидан бизлар ҳам хафа бўлдик. Чунки отаси ростдан ҳам шундай жоҳил одам-да!

— Сарсенбойни топдиларингизми?

Товуш чиққан томонга бурилиб, ялт этиб қарадик. Менглимурот ака уйдан чиқиб келаётган экан. Муаллим бирдан уни кўриб анграйиб қолди, бир зумдаёқ қиёфаси ўзгарди. Сарсенбой югуриб келиб Менглимурот ака билан саломлашди. У Сарсенбойни бошдан-оёқ қараб чиқди. Сарсенбой илгарилари товоналари қоп-қора, тирсаклари кир-чир бўлиб юрар эди. Қасалхонадан кечагина келганиданми, уст-боши жуда озода.

— Сарсенбой, қасалхона қандай экан? Врачлар яхши қарадими?— деди Менглимурот ака меҳрибонлик билан. Сарсенбой қасалхонада қандай ётганлигини, докторларнинг қандай ғамхўрлик қилганликларини бир зумдаёқ бидиллаб сўзлаб берди.

— Ўқишига борасанми?— деб сўради Менглимурот ака.

— Бораман,— деб жавоб берган эди, Дуйсен домла уйидан югуриб чиқди.

— Қани, ўғлим, уйга кир!

Сарсенбой орамиздан сирғилиб чиқиб, уйига кириб кетди.

— Менглимурот ака, унинг отаси жуда ёмон,— деб шивирладим мен.— Ўзингиз гаплашмасангиз отаси уради.

— Менглимурот акага гап ўргатмоқчимисан?— деди Сойип бидиллаб.

Ўзим синфком бўла туриб, болалардан гап эшитишм яхши эмас-да. Қўзимни олайтириб Сойипга бир тикилган эдим, Менглимурот акам «қўй» дегандай ишора қилди:

— Турдимурот түғри айтаяпти. Отаси билан ўзим гаплашаман.

Шундан кейин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Менглимурут ака бизларга кетишга рухсат берип, ўзи Сарсенбой билан бирга уйга кирди...

\* \* \*

Сарсенбой мактабга уч кундан кейин келди. Шу уч кун ичидә у анчагина рангини олдириб қўйибди. Бу ҳол ҳамма болаларни ажаблантириди.

— Нега озиб кетдинг, ўртоқжон? — дедим мен бошқалардан аввал. Шундай қилмаса бўлмайди-да. Синфком бўлгандан кейин менга ҳамма бола бирдай эмасми? Бироқ Сарсенбой индамади. У негадир хафа кўринарди. Бизлар Сарсенбойни қуршаб ўтирганимиз устига Менглимурут ака келиб: «Сарсенбойни тинч қўйинглар», деб қолди, бўлмаса, бўлган воқеани гапириб бер, деб қистаётган эдик. Хуллас нима учун хафа бўлганини биломадик.

Дарс аллақачон бошланган. Бугун «S» ҳарфни ўтилмиз. Менинг хаёлим ҳарфда эмас, уч кундан бери Сарсенбойнинг нимага келмаганида. Муаллимнинг «тинч қўйинглар» дегани нимаси? Шуни ўйлаб ўтирганимда, аксига Менглимурут ака мендан ўтилган дарсни сўраб қолса бўладими? Ўрнимдан туриб досканинг ёнига бордим. Доскага чақирилганим йўқмиди билмадим, болалар бирдан кулиб юборишли. Хижолат бўлганимдан йиғлаб юбораёздим. Афтим буришиб бораётгандек тујолди. Кейин мен кулаётганларга, айниқса, кўпроқ кулаётган Гулайга шубҳа билан қарай бошладим. Шунда у:

— Синфкомнинг қўли кир,— деди менга тикилиб. Эй, шунга кулишган экан-да, деб қўлимга қарасам кир эмас, бугун сиёҳдон олиб келган эдим, шундан сиёҳ юқсан экан.

— Бу кир эмас, сиёҳ! — дедим мен довдираб. Болалар

яна кулиб юбориши. Менглимурот ака менинг довдираганимни сезмадими, гоҳо болаларга, гоҳо менга қараб чурқ этмай тураверди.

— Нега куласан? — дедим Сойипга.

— Жим! — деб қўйди Менглимурот ака менга вазминлик билан. — Қани, бугун қайси ҳарфни ўтдик?

Бу саволнинг жавоби дарс бошланган вақтда эсимда бор эди. Бирдан ёдимдан кўтарилибди. Орқамга қарай десам, болалардан уялдим. Таваккал қилиб: «Сарсенбой», деб юборибман.

— Тўгри, — деди Менглимурот ака менинг жавобими ни маъқуллаб. — Сарсенбой деганда ҳам «S» ҳарфи келади.

Севиниб кетдим. Энди эсимга тушди. Шундай қилиб, доскага қараб ёзилган сўзларнинг ҳаммасини ўқий бошладим. Ҳаммаси «S» ҳарфи билан бошланган эди. Мен ҳам охирига Сарсенбой деб қўшиб ёздим.

\* \* \*

Мактабдан чиққанда изғирин шамол эсиб туради. Баъзиларимизнинг устимиз юпун эди. Фақат яланг камзул кийиб келганмиз. Сарсенбойнинг эгнидаги анов кунги калта камзули эмас, буниси эски, жулдур-жулдур камзул. Мен отасининг зиқналигидан ҳайратда қолдим. Кейин мен Сарсенбойни таъқиб эта бошладим. Ҳуллас, анча вақт ўтгач, у ҳамма бўлган воқеани тортинмай айтиб берди.

— Сизлар кетган куни, — деди уғамгин сўз бошлаб. — Ўқишга бораман десам, дадам уйдан чиқармади-қўйди. Бунга жаҳлим чиқиб кетаман десам, устимдан қулфлаб, ўзи бир ёқقا жўнаб қолди. Ноилож ётавердим. Бақирсам ҳам яқин-атрофда қўни-қўшни бўлмагандан кейин, ҳеч ким эшифтади. Бир вақт эшик олдига бирор келиб-кетиб тургандай бўлди. Назаримда эшик қулфлоглик бўлгани учун кирмай кетаётгандир деб ўйладим. «Ким экан бу?» — деб бақирган эдим, Менглимурот ака экан. Куни билан йиғлай-йиғлай ҳолдан кетиб қолган

эканман. Унга бир оғиз сўз айта олмадим, кўнглим бузилиб йиғлаб юбордим. Менглимурот ака бир илож қилиб эшикни очишга урина бошлади. Назаримда дадам келиб қолди шекилли, «уйингизда ким бор?» деб сўради ўқитувчи. Дадамнинг «ҳеч ким», деган товушини эшитиб қолдим.

— Сарсенбой ётибди-ку,— деди муаллим.

— Айтгандай, Сарсенбой аzonда оғриб қолган эди, — деб дадам важ топган бўлди. Бироқ унинг фирт ёлғон гапирганига жаҳлим чиқиб: «Оғриганим йўқ», деб бақириб юбордим. Шундан сўнг дадам чурқ этолмай қолди. Эшик очилди. Мен ўқитувчининг юзига қаролмай эшикдан чиқиб кета бошладим. Суякларим синиб бораётгандек зирқираб оғрирди. Лекин узоққа боролмай судравла-судравла ахийри йиқилиб тушдим. «Қаеринг оғрияпти?» деб муаллим бошимдан силади. Менинг мақсадим: дадам ҳақида оқсоқолга арз қилиб бориш эди.

— Оқсоқолга нима демоқчи эдинг?— дедим мен у гапини тугатгунча шошилиб.

— Биласанми, менинг дадам қандай жоҳил киши. Доимо ўқитувчини ёмонлагани-ёмонлаган. У ўзи домла бўла туриб, ўғирликни яхши кўради. Тунов куни қовун ўғирликка бориб, айрига илиниб қолганлигим ўз нафсим учун дейсанми? Мен-ку, ҳали ҳеч кимга айтмаган эдим. Бироқ нотўғри иш қилган эканман. Энди тузалган бўлса керак десам, тузалмабди. Мен ўша пайтда қовун ўғирликка қандай борганимни айтмоқчи эдим. Ўзимизнинг қовун полизимиз бўла туриб, сариқ шакарпораларни ўғирлаб кел, деб қистар эди. Мен унинг калтагидан қўрқиб, ҳар куни иккита шакарпора қовун топмай қўймас эдим. Шунда нима қиларди десангиз-чи! Ҳар куни еганидан ортганини тилимлаб қовун қоқи қиларди. Ушанда ҳам унинг бетига тик қараган эмасман,— деб Сарсенбой кўзига ёш олди, унинг аҳволига ачиниб кетдик.

— Ахир отангнинг шу ишларини маълум қилмадингми?— деб сўради бир бола.

— Ҳа, айтдим. Дадамни чақириб олиб оқсоқол бир оз койиди. Шундай қилиб, агарда мени ўқишга юбормайдиган бўлса, унга қаттиқ чора кўришлигини таъкидлади. Мана шундан кейин мен ўқишга келдим. Энди дадам уришмайди-ю, бироқ мен билан илгариgidек очиқ чеҳра билан гаплашмайдиган бўлди. Мени кўрса қоворини солади. Шунда ҳам ўқишдан қолмайман. Бир кун бўлмаса, бир кун яхши кўриб қолар...

Сарсенбой йиғламсиради. Кейин бизларнинг хафа бўлганимизни кўриб қаддини ростлади-да, қани овулга кетдик, деди.

## 9

Ўқиши ҳам, ёзиши ҳам аста-секин ўргана бошладик. Қечагина «Қиши» деган темада дарс ўтдик. Айтган дай, мана ҳадемай қиши ҳам кириб қолди. Муаллим худди аввалдан билиб қўйгандай «Қиши» деган темада дарс ўтган эди, кечга бориб ҳаво айниди-қолди. Аввал, қора совуқ бўлиб, кейин булутлар тарқалиб кечга яқин ҳаво илиди. Ётар пайтда паға-паға қор ёға бошлади. Мен муаллимнинг топшириғига кўра ҳавонинг бу ўзгаришларини эртага сўзлаб бериш учун бирпаст далада айланиб юриб, уйга кечроқ келдим. Эртасига барвақт турдим. Уй ичи ҳали нимқоронги эди. Дадам йўқ. Қалин қор ёқкудай бўлса, дадам азонда туриб, уй атрофини куар эдилар. Мен дарров муаллимимизнинг ота-оналарингизга ёрдам беринглар деган сўзи эсимга тушиб далага чиксам, дадам йўқ. Қайтиб уйга кириб, ойимдан сўрадим:

— Дадам қаердалар?

— Омборга кетди,— деб жавоб берди ойим.

Ҳайрон бўлдим. Бундай пайтда омборга бориб нима қиласар эканлар?

— Қачон кетдилар, нега кетдилар?— дедим мен ҳеч нарсага тушунолмай. Сўнгги кунларда ойим ҳам колхозга кирган. Сал гап бўлса ҳам дадам билан жанжал-

лашиб қолар әдилар. Назаримда дадамдан күра ойим колхоз мулкига күпроқ ғамхўрлик қиласарди.

— Омборга ўғри тушибди,— дедилар ойим хафа бўлиб.

Юракларим орқамга тортиб кетди. Менглимурот ака худди бундан хабардордек бизларга: ҳали орамизда ярамас душманлар бор. Улар колхоз тузумига ҳам, сизларнинг ўқишиларингизга ҳам халақит беришга тайёр, деб доим огоҳлантиради. Қўшни колхозларда бўлган ҳодисалар, омборларга ўт қўйиб кетган одамлар ҳақида гапириб: «Сизлар ҳам ҳушёр бўлинг», дер эди. Яқиндагина районда бир колхознинг омборига ўт қўяй деб турган одамни менга ўхшаш бир ўқувчи бола кўриб қолибди-да, раисга айтибди. Шу эсимга тушиб: «Биз нега оғзимиз очилиб, ўғриларнинг орқасидан пойлаб, раисга хабар қилмадик-а? Энди қандай жавоб қиласиз!» деган фикр хаёлимдан лип этиб ўтди. Юрганимча омборга кетдим. Борсам, одамлар тўпланишиб туришган экан. Омбор атрофи тақир ер эди. Омборнинг бир томони ўрага ўхшаб ўпирилиб қолибди. Колхоз раиси, Менглимурот ака ҳамда бошқа одамлар ўрага ўхшаган ерга яқинроқ келиб, нима ҳақдадир гаплашиб туришибди. Баъзилар омбор атрофидан айланиб из қарашиб юришибди. Қоровул Есемурот бобо эди. У худди совуқдан жунжикиб турган кишидек одамлар орасида серрайганча турар эди. Колхоз раиси уни ҳадеб койирди. Мен ҳам Есемурот бобо нима деяр экан, деб яқинроқ бориб қулоқ сола бошладим.

— Қор ёғаётган маҳалда ташқарида тура олмай уйга кириб кетган эдим. Бир оз мизғиб кетибман,— деди у оҳистагина.

— Ахир, эл-юрт сизни ишониб қоровул қилиб қўйган эди-ку?— деб раиснинг жигиби йрони чиқди.

— Ким ўйлабди бундай бўлишини,— деди чол ялингансимон. Есемурот бобога раҳмим келиб кетди. Бироқ шунча нарсани ўғирлатиб, ухлаб қолганлигига ранжи-

дим ҳам. Одамлар у ер-бу ерларни синчиклаб қараб юришибди.

— Есемурот отанинг ўзидан бошқа киши ўғирлаган эмас,— деди дадам.— Қор ёқсан куни ўғрининг изики топиш қийин бўлади. Қара, унинг топган ҳийласини!

— Ҳа, рост,— деди Гулайнинг отаси Серали.— Ўзи ўғирлаган, бу ерга бошқа ҳеч ким келмайди. Шунча нарса олиб кетгунча донг қотиб ётаверадими, ахир!

Колхоз раиси билан Менглимурот ака чурқ этишмади. Ранглари ўчган, Раис узоқ чидаб турмади.

— Қўлларини орқасига боғланг,— деди у кўпчиликка қараб. Икки одам борди-да, Есемурот отанинг қўлларини орқасига қайириб боғлади. Чол ғинг деёлмай, бошини эгиг жим тураверди.

Одамлар тарқалишиб кетишича ҳам кетгим келмади. Ўпирлган жойни кўргим келиб, шунча ҳаракат қилдим-у, барибир одамлар орасидан киролмадим. Қандай қилиб бўлса-да, горнинг оғзини ўз кўзим билан кўрай шундай қилиб, синфдаги болаларга сўзлаб берай, деб шу ерда ўралашиб қолдим. Одамлар тарқалишгач, омборнинг тешилган жойига энгашиб қарадим. Бир одам тугул икки одам бирданига сифадиган қилиб ўйилибди. Мен ҳайрон бўлиб аста орқага чекина бошлаган эдим, қор тагидан бир латтанинг учи кўриниб қолди. Латта эрталаб келган одамларнинг оёғи тагида қолиб кетибди. Уни тортиб кўрдим. Бундай қарасам, тўрт бурчакли оппоқ чит экан. «Бирорвнинг дастрўмоли тушиб қолган бўлса керак, эгасига берай», деб чўнтағимга солиб қўйдим. Шу ерда кимники деб бақирмоқчи ҳам бўлдим-у, бироқ атрофимда ҳеч ким йўқ эди.

## 10

Илгари биз дастрўмол деган нарсани ҳам билмас эдик. Менглимурот ака дастрўмол тутиб юришни биринчи марта ўргатди. Бир куни ўзи дўконга эргаштириб бо-

риб, ҳар қайсизизга биттадан дастрўмол олиб берди. Ана шундан бери ҳар бир ўқувчидаги дастрўмол бор. Бу жуда яхши бўлар экан. Бир еримизга сиёҳ томса дастрўмолни хўллаб артсан, топ-тоза бўлади-қолади. Гулай ҳам бизлардан нуқсон тополмайдиган бўлиб қолди.

Мактабга келганимиздан кейин Менглимурот ака бугун бўлиб ўтган воқеаларни гапириб, колхоз душманларини фош қилиш кераклигини уқтириди.

— Баъзи одамлар,— деди у,— ўзини софдил кўрсатиб, колхозга чин кўнгилдан берилган бўлади-да, зимдан душманлик қиласверади.

Менглимурот ака Есемурот отанинг қилган ишларини қаттиқ қоралаб гапирди. Бизларнинг бу гаплардан огоҳ бўломмаганигимизни айтиб уялтириди.

Танаффусга чиққунча Гулай зўрға чидаб ўтирган экан. Ҳаммамизнинг ёқаларимизни, қўлларимизни кўриб чиқди.

— Ўртоқ синфком,— деди менинг ёнимга яқин келиб, — дастрўмолингни чўнтағингга солиб қўй!

Унинг бу танбеҳи менга жуда қаттиқ тегди. Бундай чўнтағимга қарасам, ҳалиги топиб олган дастрўмолимнинг бир учи чиқиб турган экан. Ростини айтсам, Гулайдан хафа бўлдим. Сал четроққа олиб чиқиб огоҳлантирса ҳам бўларди-ку!

Иккинчи дарс вақтида мен ҳалиги дастрўмол ҳақида ўйлай бошладим. Кимнинг чўнтағидан тушган, нега у қор тагида ётибди? Нега ташлаб кетди экан? Одамларнинг айтишича, ўғри қор ёғмасдан аввал келган. Шунинг учун босган изи билинмай қолган. Балки бу дастрўмол ўғрилардан тушиб қолган бўлса-чи? Ўғрилар тушириб бўпти! Балки Есемурот бобоникидир?.. Шундай ўйлар миямда айлана бошлади. Бахтимга бугун ўқитувчи дарсни сўрамади. Агарда сўраб қолгудай бўлсами... Хуллас, дарслар тугади. Бутун дарс давомида

дастрўмол ҳақида ўйлаб ўтиредим. Қўйинг-чи, маълум бир хулосага кела олмадим.

Мана ҳозир ҳам хаёл суриб қайтиб келяпман. Орқамдан Гулай етиб олиб, мени тўхтатди.

— Турдимурот, нега мунча шалпайиб келяпсан?

Гулайнинг бу сўзи менга ёқмади. Бироқ у ёнимга келди-да, енгимдан тортиб, йўлнинг чеккароғига олиб чиқди. Нима иши бор экан менда, бир гапи бордир-да, деб ўйлаб унга эргашдим. Бошқа болалар ҳам бизларнинг орқамиздан эргашди.

— Сенга нима бор,— деди Гулай уларга. Бироқ Сарсенбой кетмай тураверди.

— Турдимурот!— деди Гулай шивирлаб,— ҳалиги дастрўмолни бир кўрсатгин?

Мен қўрқиб кетдим. Бировникини ўғирлаб олибсан, деб даъво қилиб қолса нима қиласман? Сарсенбой, биз томонга қараб кела бошлади. Гулай индамасдан яна мени четроққа тортди.

— Нега яширинча гаплашасанлар?— деди Сарсенбой бақириб,— бари бир яширсанглар ҳам яширмасанглар ҳаммасини биламан,— деди-да, орқа-олдига қарамай жаҳл қилиб кетиб қолди. Лекин Гулай бунга эътибор ҳам бермади.

— Қани, дастрўмолни ол,— деб буйруқ қилди у. Мен чўнтағимдан ўзимнинг рўмолнамни олиб узатдим. Буни дадам яқиндагина шаҳарга борганларида олиб келган эдилар. Четларида гуллари бор чиройли дастрўмол эди. Рўмолнанинг чиройлилигини кўз-кўз қилиб, Гулайнинг олдида сал қеккайиб турган эдим.

— Бу эмас!— деди у жеркиб. Ҷаҳлим чиқиб кетди. Шундай бўлса ҳам ўзимни босдим, ўзи чўнтағимга қўлини солиб, ўша рўмолнани олди. Мен ноилож чурқ этмай туравердим.

— Хўш, буни қаёқдан олдинг?— деб сўради у, рўмолнанинг ўёқ-буёғини кўздан кечириб. Мен ҳеч парво қилмай жавоб бердим:

— Үзимники.

— Иккита дастрўмолни нима қиласан? — деди Гулай кулиб.

— Биттаси кир бўлса, иккинчиси билан бет-қўлимни артаман,— дедим.

— Бу рўмолча сеники эмас,— деди у жиддий.— Хечам сеники эмас.

Гулайнинг сўzlари менга қаттиқ тега бошлаган бўлса ҳам сўзимда қаттиқ туриб олдим.

— Бу Дуйсен домланики,— деди Гулай шартта.

Энди тушундим. Бу қиз бари бир менга ишонмайди. Тўғрисини айтиб қўя қолдим:

— Мен буни топиб олган эдим.

— Боядан бери шуни айтсанг бўлмасмиди? — деди у бир оз юмшаб.— Қаёқдан топиб олган эдинг?

Мен қаердан топиб олганимни, қандай топиб олганимни оқизмай-томизмай айтиб бердим.

— Яхши,— деди у, бир нарсани фаҳмлагандек.— Мен бу дастрўмолни Дуйсен домланинг қўлида кўрган эдим. Бизнида шу рўмолча билан артиниб ўтирган эди.

Мен ичимда: «Дуйсен домла бизниги ҳам келган эди. Шунда нега сезмадим? Бу қизнинг сезгирлигини қаранг», дедим.

— Қандай исбот қиласан?

— Сен ҳозирча бу ҳақда индама. Мен бугун Дуйсен домланинг рўмолчаси бор-йўқлигини синаб кўрай. Да-дам эрталаб ишга кетадиган пайтларида ойимга: Дуй-секанг билан бирга келаман деган эдилар. Эҳтимол тушгача келиб қолишар. Шунда билиб бераман.

— Қандай қилиб биласан? — дедим хавотир олиб.

— Ойим менга чой қўйдиради. Ўйни роса иситиб чойни аччиқ қилиб дамлайман. У кишининг ўзи жуда кўп терлайдиган одам, чой ичгандан сўнг албатта терлайди, шундан биламан.

Мен Гулайнинг бу ҳийласидан ҳайрон қолдим. Ҳозирча ҳеч кимга ҳеч нима демай туришга ваъда бердим.

Колхозчилар келгуси йил учун ер шудгор қилаётган маҳал. Кун анча кечкириб қолган. Ойим ҳам, дадам ҳам ишда. Уй ичи сув сепгандек жимжит. Қозондаги совиб қолган овқатимни ичдим-да, уйга берилган вазифани тайёрлаш учун ўтиридим. Қанча вақт ўтганини билмайман. Бир маҳал шошилганча Гулай кириб келди.

— Турдимурот, нима қиляпсан? — деди у энтикиб. Мен ўрнимдан учеб турдим.

— Ҳўш нима бўлди?

— Дадам билан Дуйсен домла уйга келиб чойичишиди.

— Ҳўш, шундан кейин? — дедим мен Гулай сўзини охирига етказгунча сабрим чидамай. Уйда икковимиздан бошқа одам йўқ бўлса ҳам Гулай шивирлаб сўзларди:

— Чой ичди-ю, терлади. Жуда терлаган маҳалда чўнтагини кавлаб-кавлаб дастрўмолини топа олмади. Нақ ойим рўмолча бермагандা тери косага томарди.

— Қизиқ, бу дастрўмол қор тагида қандай қолган экан-а?

Омборга ўғрликка тушган шулармикин, деб ўйладим. Бўлмаса рўмолчаси қор тагида қолармиди? Қопни орқалаб келаётсиб, юзини артганда тушириб қўйган бўлса керак.

— Биз катталардан ақллимизми? — дедим Гулайга.

— Есемурот бобони ўғри деб қаматиб қўйишди-ку.

Икковимиз ҳам ўтириб, ўйлай бошладик. У ҳам нима дейишини билмади, мен ҳам, Гулай бармоғини чаккасига тираб, ўйланиб ўтирди. Бир маҳал ўрнидан турди:

— Нима бўлса ҳам суриштириб кўрайлик.

— Борди-ю, Менглимурот акагами ё раисгами айтсак қандай бўлар экан, — деган эдим у сўзимга кирмади.

— Қани аввал билайлик-чи, беҳудага ҳовлиқиб ишнинг пачавасини чиқариб қўймайлик тағин.

— Бўлмаса нима қиласиз?— дедим мен яна.

— Сен шу дастрўмолни Дуйсен домланинг уйига олиб борасан. Одамларга кўринмайсан. Уйнинг ёнгинасидаги пичанхонасининг остонасига ташлайсан. Балки кўриб ердан олар. Шундан кейин маълум бўлади-қўяди.

— Олмаса нима қиласиз?— дедим ишонмай.

— Сен қўрқма. Агарда биронники бўлса олмайди. Узиники бўлса-чи, олмасдан кетмайди.

— Ҳамма одамлар Дуйсен домлани молпараст, молга ҳирс қўйган киши дейишар эди. Шундай бўлгандан кейин биронники бўлса ҳам у олади,— деган эдим, Гулай ҳадеб:

— Сен хаёл сурма. Узиники бўлса албатта олади. Бироннинг кир дастрўмолини бирон оларми?— деб ўз гапини маъқуллади. Мен унинг бу маслаҳатига зўрга кўндим.

— Ҳўп, ҳозир олиб бораман,— деб тараддуд кўра бошладим.

— Йўқ, ҳозир олиб борма. Яқингинада бизнинг уйдан чиқиб уйига кетди. Бирор ёққа кетсин, кейин олиб борасан. Сарсенбойга ишонма, кўзига ҳеч кўринма,— деб у огоҳлантириди мени. Гулайнинг маслаҳатига кўндим. Бироқ у кетгандан кейин ўтириб ўйлай бошладим: «Есемурот бобо ростдан ҳам шунаقا одамми? Энди у қандай қилиб қутулиб чиқади...» Гулай кетгандан кейин уйда кўп ўтира олмай ташқарига чиқдим. Дуйсен домланинг уйи бизнинг уйдан нарироқда, яққол кўриниб туарди. Мен анчагача ўша томонга қараб хаёл сурисиб туриб қолдим.

Теварак-атрофда қимир этган жон кўринмайди. Жимжитлик. Ҳозир қулай пайт экан дедим-да, ўша ёққа қараб жадал кетдим. Яrim йўлга борганимда қопофон ит бор эканлиги эсимга тушиб қолди. Домланинг шундай бир катта сариқ-ола кўппаги бор эдик, асти қўяверинг. Мен тенги болалар буёқда турсин, катта одамларни ҳам уйининг атрофига йўлатмас эди. Агар одам йўқлигига уйига борсам ити талаб, тилка-пора

қилиб ташлайди-ку, деб, бошқа бир чора излай бошладим, уйга қайтиб келдим-да, ит чиқиб қолгудай бўлса олдига ташлайман деб дастурхондан иккита нон олдим. Энди дадил бўлиб, нонни қўлтиғимга қисиб келяпман. Мана Дуйсен домланинг уйига ҳам яқинлашдим. Лекин юрагим дов бермай турибман. Икки қўзим уй томонда, икки қулоғим тиқ этган товушда. Қўра олдига яқинлашмай четдан авайлаб қарайман. Гулай айтган пичанхонанинг дарвозаси жуда ичкарида экан. Дастрўмолни улоқтирай десам, етмасдан йўлга тушиб қолиши мумкин. Борай десам, итидан қўрқиб юрагим бетламади. Энди дастрўмолнинг ичига кесак солиб улоқтироқчи бўлиб турибман. Борди-ю, кесагим ерга тушгандан кейин уваланиб кетса яхши бўлмас, ичига кесак солинган дастрўмолдан шубҳаланаар, деб ўйлаб турган эдим, орқамдан бирор келиб қолди.

— Ҳой бола, нима қилиб турибсан?

Ялт этиб қарасам, Дуйсен домланинг ўзи... Довдираб қолганимдан қўлтиғимдаги нонни ерга тушириб юбораёздим. Ити нарироқда изма-из келяпти. Қандай баҳона топишими билмай, қочай десам ити қувиб етиб тилка-порамни чиқарар, деб ҳайиқдим.

— Ойинг бугун ҳам чўчиб чиқдими?— деб сўради домла менга яқинроқ келиб. Домланинг бу гапи менга осонгина баҳона топиб берди. Яқиндагина ойим тушида чўчиб, шу кишига иккита нон садақа бергандари эсимда эди. Қўлтиғимда иккита ноним бор. Бу киш ҳам шу нонларни кўриб, сўраб турибди... Жуда яхши баҳона топилди.

— Ҳа, ота,— дедим-да, қўлтиғимдаги нонларни олдим.— Манави нонларни сизга олиб бориб бер, деган эдилар.

— Қани, уйга юр,— деди у, нонларни олиб. Уйига бирга бордим.

— Атиги шуми?— деб сўради уйга киргандан кейин.  
— Ойинг чой, қанд бериб юбормадими?

Довдираб қолдим. Лекин оғзимдан нима сўз чиққанини билмайман.

— Уйда чой тугаб қолган экан, ота,— дедим нима дейишими билмай.

— Майли, сенга рухсат,— деди-да, икки қўлини юзига олиб бориб фотиҳа қилди. Энди чиқиб кетишим қийин бўлди. Ит вовиллаб чиққудай бўлса, ташлайдиган ноним йўқ. Домлага «кузатиб қўйинг», десам дастрўмолни ташлаб кета олмайман. Бир амаллаб чиқиб олай деб аста ташқарига чиқа бошладим, ит кўринмайди. Эшиги қўранинг дарвозасига қараган кичкина бузоқхона турибди. Уша ерга ташласаммикин, деб ўйладим. Ахир бу бузоқхона-ку, эҳтимол унинг ичига кирмас. Гулайнинг айтганларини қиласай дедим-да, пичанхонага қараб юрдим. Худди пичанхонанинг дарвозаси ёнида бошини икки оёғи орасига суқиб, ит ётибди. Юрагим шув этиб кетди. Уйнинг ўнг томонига бурилдим. Бу ерда ҳам қулайроқ жой йўқ. Чиқиб кетаверай десам, ит кўриб қолади. Қандай бўлмасин орқамга қайтиб, дастрўмолни уйига ташлай,— дедим-да, ичкарига кирдим.

— Эй, зангар, нимага кетмай юрибсан?— деди домла жеркиб.

— Итдан қўрқиб турибман, ота,— деб йифламсирадим. Домла дарров ўрнидан туриб, мени итдан ўзи ўтказиб қўймоқчи бўлди. Орқасидан эргашдим. Лекин у итни ушлаб турмади. Қўлига бир чивиқ олди-да, ҳайдаб юборди. Ўзи ҳам итнинг изидан юриб, қўранинг дарвозаси ёнига чиқди. Мен эҳтиёт бўлиб, аста-секин келяпман. Бир вақт у ердан бир нарсани олаётганда, дастрўмолни юмалоқлаб туриб қўранинг дарвозасига қараб улоқтиридим. Худди мўлжаллаган еримга бориб тушди. Домла мени итидан ўтказиб юборди. Орқамга қайрилиб қарамасдан физиллаганча уйга кетдим.

Гулайнинг отаси Серали қирқ ёшларга бориб қолган одам эди. Соқолига битта-яримта оқ оралаган. Бироқ менинг дадамга қараганда ёш бўлса керак. Уйга келиб қолса ойимни доим кенжа келин деб ҳазиллашарди. Бизнига кўп келишига қараганда мени ҳам ёмон кўрмаса керак, деб тахмин қиласман. Кечқурун Гулай билан маслаҳатлашай деб борсам, Серали ота билан Дуйсен домла яна чой ичишиб ўтиришган экан. Билмадим икковининг қандай дўст бўлиб кетишганини, илгари бунчалик тотув эмас эди. Бир вақтлар икковининг уришиб қолганини ҳам кўрган эдим. Ёз куни, сув бўйида бўлса керак. Эсимда йўқ. Шунда дадам ажратиб қўйган эди. Дуйсен домлани кўриб қўрқиб кетдим. Бироқ сирни бой бергим келмади.

— Ҳа, укам, нега келдинг? — деди Серали. Бу киши мени ҳамиша укам деб чақирар эди. Баъзан унинг яхши кўришини ҳам, ёмон кўришини ҳам тушунолмай қоласман. Мени кўрди дегунча тили қичийдими, дарров сўка бошлайди. Бу сафар сўкмас деб турган эдим, ранги ўчган, даргазаброқ кўринди.

— Гулай керак эди, — дедим мен.

Домла Сералига, Серали домлага қараб қўйди. Шу орада терлаб ўтирган домла юзини артди. Қарасам мен ташлаган дастрўмол. «Ҳа!» деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бундан домла чўчиб кетди.

— Үтакамни ёрдинг-ку, зангар! — деди домла, ётган ўрнидан иргиб туриб. Мен яна ҳийла топдим.

— Ота, кечадан бери тумовланиб, шамоллаб юрибман, — деб бир биқинимни ушладим.

— Тумов бўлган бўлсанг нега уйингда ётмайсан? — деди Серали овозини баланд чиқариб. Мен Гулай билан уйга берилган вазифани тайёрлаш учун келганлигимни айтдим. Шундан кейин улар менга эътибор беришмади. Ўзаро сўзлашишга киришди.

— Үзимизнинг ўқишига болалар ҳозиргидек ихлос қўйишганда, манаман деган эшон бўлишарди,— деди Серали қўлидаги косасини ерга қўйиб. Мен эшитиб турибман, уларнинг мен билан иши йўқ. Лекин Дўйсен домла Сералининг сўзига жавоб қилмади.

Шу пайт Гулай кириб келди.

— Ҳалиги китобингни бериб тур,— дедим унга, кўришим биланоқ. Гулай менинг баҳонамни дарров фаҳмлаб:

— Үзимга керак,— деди, мени ёқтирамаган киши бўлиб.

— Бўлмаса бирга тайёрлайлик.

— Дадам юборармикинлар?— деб Гулай дадасига қаради. Дадаси ўзини эшитмаганга олиб ўтирган эди. Дўйсен домла:

— Қизинг кетаверсинми?— деди унга. Серали бошини силкиб рухсат берди. Дадаси рухсат бергандан кейин Гулай икковимиз чопиб чиқиб кетдик.

Бугун ҳам ойсиз кеча. Атроф қоп-қоронғи. Лекин қор севалаб ёғиб, теварак оқиш тортиб турибди. Гулайларнинг уйидан анча узоқлашиб қолдик. Дастлаб бизникига қараб йўл олсак ҳам, нарироқ бориб айнадик.

— Турдимурот,— деди Гулай шивирлаб.— кўрдингми, рўмолчасини олибди.

— Кўрдим, сен тўғри айтган экансан,— дедим унга хушомад қилиб.

— Бўлмаса қани пойлайлик,— деди Гулай.

— Қандай қилиб пойлаймиз?

— Эҳтимол бугун кечаси бизникидан чиқиб бирор ёққа борар.— Мен унинг маслаҳатига кўндиш.

— Сойипникига борайлик, ташқарида кўп ўтиравериш ярамайди. Кун совуқ.

— Майли,— деди Гулай. Шундай қилиб, Сойипларникига келяпмиз. Эсимга бир гап тушиб қолди.

«Қизиқ, пойлаймиз деймиз-у, яна бошқа уйга кетиб бораётганимиз нимаси? Ҳозир чиқиб кетса, қаёққа кетганини қандай биламиш?!»

— Тўхтаб тур,— дедим Гулайни тўхтатиб.— Ҳеч қаёққа бормаймиз. Даданг ҳойнаҳой сени бизнинг уйда ўтириби, деб ўйлайди. Итинг сенга индамайди. Ертўла-ларинг ёнига бориб ўтирайлик. Қани, Дуйсен домла қаёққа борар экан?

Менинг маслаҳатим Гулайга маъқул бўлди. Бизлар дарҳол орқамизга қайтдик. Қор севалаб турарди. Ертўланинг ёнгинасига келдик-да, чурқ этмасдан ўтиравердик. Ичкаридан чиқсан ёки ташқаридан келган одам бизларни кўрмасди. Ёлғиз ўзимиз ўтирибмиз. Аксига олиб овул одамлари ҳам бугун эртароқ ётмаётгандай. Деразалардан чироқ шуълалари тушиб турибди. Вақт ҳечам ўтмас эди. Алламаҳалда шақиллаб эшик очилди. Секингина қарасак домла экан. Бир-биримизга суюниб ўтирибмиз. У ташқарига чиқиб, қўрани бир марта айланди-да, яна қайтиб ичкарига кириб кетди. Биз уни энди кетса керак, деб ўйлаган эдик. Қайтиб кириб кетганини кўриб ҳайрон бўлдик.

— Нега кетмайди, ахир?— деб шивирлади Гулай.

— Ётиб қолмоқчи бўлса керак,— дедим мен ҳам пи-чирлаб. Икковимизнинг гаплашганимизни ташқаридан келган одам ҳеч эшитолмас эди. Гаплашсак биримизнинг қулоғимизга биримиз оғзимизни тутиб, секин гаплашардик.

— Кўкнори ичадиган банди одам қўрқоқ бўлади, дейишади. Қўрқаётгандир,— деди Гулай.

У киши кўкнорига тўйиб олса, қумурсқадан қўрқиб ерда ётмас экан. Эҳтимол Серали отани эргаштириб кетмоқчидир, деб ўйладим. Шу маҳал тўсатдан бирор орқамдан келиб кўзимни бекитди. Юрагим тарс ёрилиб кетай деди. Гулай ўрнидан иргиб туриб қочиб қолди.

— Тўхта, Гулай,— деди кўзимни бекитган одам. Қарасам, Сарсенбой экан. Бироқ қўрққанлигимни билди-масликка ҳаракат қилдим.

— Қаёқдан келдинг?— деб сўрадим мен Сарсенбой-га шивирлаб.

— Ертүлладан,— деб жавоб берди у қисқагина қилиб. Гулай ҳам қайтиб келди.

— Айтмасаларинг айтмай қўя қолинглар, мен ҳам биламан,— деди Сарсенбой,— ҳозир сенларни дадамга тутиб берайми?

Мен жон ҳолатда Сарсенбойни маҳкам қулоқладим. Гулай ҳам келиб осилди. Бизлар қочиб қолмоқчи бўлдик.

— Тўхтанглар,— деди Сарсенбой кулиб.— Нима учун келганингларни биламан. Куни билан пойлаб ўтирибман. Мен сизлардан бурун келган эдим... Учовимиз бирга пойлайлик.

Сарсенбой ҳали Гулай икковимиз дастрўмол ҳақида гаплашганимизда бир нарса айтмоқчи бўлиб келганлигини, кейин бизлардан хафа бўлиб кетганлигини шивирлаб сўзлаб берди. Шундан кейин учовимиз жим ўтиридик. Орадан кўп вақт ўтмасданоқ Дуйсен домла чиқди.

— Энди қайтиб кетар,— деди Гулай қулоғимга оғзи ни тутиб. Сарсенбой «индама» дегандек икковимизнинг ҳам елкамиздан босиб қўйди. Бизлар кўриб ўтирибмиз. Дуйсен домла ташқарига чиқиб теварак-атрофига қаради, икки қўлини ёзиб керишди. Оғзига қўлини босиб секин-аста йўталди. Орқама-орқа Серали ота ҳам чиқди.

— Ҳозир жуда пайти экан,— деди домла, Серали чурқ этмади. Йккови уй атрофини гир айланиб кўздан кечириб бўлиб, бир оз туришди. Теварак-атрофга қулоқ соилишди. Кейин Дуйсен домланикига қараб жўнашди. Улар анчагина ерга борганларидан кейин бизлар ҳам ўрнимиздан қўзгалдик. Улар қўлларига белкурак олиб олишди. Овулнинг орқа томони тўқайзор. Тун қоронғилигида шитирлаб турибди. Шу ёқда одамлар ўтин олиб келадиган кичкина сўқмоқ йўл бор эди. Улар сўқмоқсиз четда ёнма-ён кетишяпти. Бизлар ҳам олисроқдан, уларнинг изи билан кетардик. Қоралари кўзга зўрга чали-

нарди. Улар гоҳо тўхтаб, теварак-атрофлариға бир оз қараб туришарди-да, кейин яна тез-тез одим ташлаб йўлда давом этишарди. Овулдан икки чақиримча узоқлашиб кетишиди. Қалин тўқайга киришди. Бизлар энди адашиб қолмаслик учун қадамимизни тезлатдик. Бир вақт улар қалин тўранғил олдига бориб тўхташди. Домла тўранғилдан ғарб томонга бир оз юриб, биқиниб бир ерга кирди. Бир зумдаёқ уларнинг иккови ер қазий бошлиди.

— Кўрдингларми? — деди Сарсенбой.— Омборга тушган ўшалар. Сал гумон қилган эдим. Ўғирланған куни кечаси Серали бизнинг уйда алламаҳалгача ўтирган эди. Қаранглар, кўмишяпти.

Шу пайтда Гулайга: «Сенинг даданг ҳам ўғри экан», демоқчи бўлдим-у, лекин хафа бўлиб йиғлаб юборар деб қўрқдим. Шу пайтда Гулай чиндан ҳам қаттиқ жаҳл устида экан. Кўп тура олмади. Бирдан дадасининг олдига бормоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди. Агарда Сарсенбой икковимиз оғзини босиб қолмаганимизда, ўзимизни билдириб қўйишимиз турган гап эди. Бизлар Гулайнин судраганимизча панароқ ерга чиқдик. У бўй бермай оёқларини типирчилатиб келяпти. Бизлар оғзини маҳкам босиб келяпмиз. Гулай ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Муттаҳам домла сенинг дадангни ҳам йўлдан оздирган экан-да,— демоқчи бўлган эдим, Сарсенбой ҳафа бўлмасин дедим. Лекин Сарсенбой ўзига маҳкам эди. Гулай ҳали ҳам йиғлаб келяпти. Икковлашиб уни қанча тинчлантироқчи бўламиз, у йиғлагани-йиғлаган.

— Менинг дадам... — деди у зор-зор йиғлаб, охирини айта олмади. Ҳеч овута олмадик.

Бизнинг уйга келсак, ойим уйғоқ эканлар.

— Турдимуротмиән? — деди у,— шу маҳалгача нима қилиб юрибсанлар. Йиғлаёттан Гулайми?

Сарсенбой ҳам, мен ҳам индамадик. Менга ўрин солиб қўйған экан. Ўрнимга Гулайнин ётқизиб, Сарсенбой-

га овутиб тур дедим-да, юрганимча чиқиб кетдим. Мақсадим — Менглимурот аканинг олдига тезроқ етиб бориш. Қор ҳали ҳам ёғиб турибди. Теварак-атроф сув сепгандек жимжит. Бундай қарасам, бизниги бирор келяпти. Тағин изимииздан пойлаб келаётган бўлмасин, деб қўрани гир айланиб, Менглимурот аканинг уйига қараб тасир-тусир қилиб чопиб кетдим. Борсам, ҳали ҳам чироғи ўчмаган, уйғоқ экан. Деразадан ичкарига қараган эдим, ҳеч ким кўринмади. Дарров деразани тақиллатдим. Ҳеч ким товуш бермади. Орқамга қарасам ҳалиги одам яна кўринди. Жон-поним чиқиб кетди. Тўсатдан Менглимурот аканинг деразасини қаттиқ ура бошладим.

— Кимсан? — деди ичкаридан бирор. Менглимурот аканинг товушини танидим. Бироқ у ечиниб ўтирган бўлса керак, ҳадеганда чиқа қолмади. Жоним ҳалқумимга келиб турибман. Бир маҳал бир катта панжа келиб елкамни қисди. Бақирай десам катта қўл оғзимни босди. Мен ҳалиги кучли қўл оғушида типирчилаганча кетавердим. Юзига қарай десам ҳеч қимирлай оладиган эмасман.

— Оғзингдан чиқарасанми? — дейди у белимни маҳкам қисиб. Финг дея олиш қаёқда! Сал имконим бўлса «Менглимурот ака!» деб бақирмоқчиман. Бир вақт у тишини рижирлатиб туриб, алланималарни гапира бошлиди. Овозидан Дуйсен домла эканлигини пайқадим. Менглимурот аканинг уйидан қанча узоққа кетганимни билмайман. Бошим пастга шилқ тушди. Бўйин умуртқам узилиб кетгандек бўлди. Тикланиб қаддимни ростлаб олай десам, гавдамни кўтара олмадим. Гандираклаб бориб йиқилдим.

— Турдимуротмисан? — деди бирор... Қарасам Менглимурот акам. Ўрнимдан туролмадим. У бир қўлимни бўйнига ташлаб қучоқлаб кўтариб олди. Тушимми-ўнгимми эканлигини ҳам билолмай қолдим.

— Ҳалиги ким эди? — деб сўради у.

Дуйсен домла Менглимурот акани кўриб қочиб кетган экан.

— Домла,— дедим мен. Бошқа сўзга тилим келмади. Шу орада қаёқдандир Сарсенбой ҳам етиб келди.

— Нима қилиб юрибсизлар?— деб сўради Менглимурот ака. Биз унга бўлиб ўтган бутун воқеани тез-тез айтиб бердик.

— Бўлмаса сизларнинг пойлаганлигингизни билган экан-да. Эҳтимол манови қордаги изингиздан фаҳмлағандир,— деди-да, Менглимурот ака олдимиизга тушди. Гулайни тинчлантириб Сарсенбой ҳам изимдан етиб олган экан.

— Мен тураман дегунча сени қанча ерга кўтариб кетган-а?— деди Менглимурот ака. Шундай деди-ю, раиснинг уйига қараб йўл олди.

Белим қақшаб оғриётса ҳам улардан қолиб кетгим келмади. Дастрлаб раисникига бордик. Ундан кейин учтўрт одамни уйғотдик. Беш-олти одам тўплангандан кейин, вақт ярим кечадан ошганда улар тўқайга қараб жўнашди. Мен юра олмай қолиб кетдим. Уларни Сарсенбой бошлаб кетди.

## 13

Икки-уч кундан бери кечаси билан қор ёғса ҳам бугун ҳаво очиқ эди... Оппоқ қор офтобда ярқираб кўзингни жимиirlаштиради. Мана энг сўнгги дарсни ўтяпмиз. Бу — бадантарбия дарси эди.

Илгари бадантарбия нима эканлигини билибмизми? Менглимурот аканинг биз билан катта бошини кичик қилиб, худди болалардек аралашиб ўйнаганлигига, ўйнимизга бошлилик қилганига бошимиз кўкка етгандек қувондик. Домла бўлса болалар билан аралашиб ўйнаш ўёқда турсин, нуқул: «Ўйнаманглар, сувга чўмилманглар!» деб бақиргани-бақирган эди.

Менглимурот ака келгандан кейин тани чиниқтириш — севган дарсларимиздан бири бўлиб қолди. У дастлаб шу дарсни бошлашдан олдин: «Тан-соғлиғингиз учун фойдали» деган сўзни қайта-қайта такрорлаган эди. Бу сўзни эшитганимда ўша домлага қатнаб юрган вақтларимда эшитган гапларим дарров ёдимга тушди. Қўпинча шундай бўларди, домла ҳар сафар дарсини ўқитиб бўлиши биланоқ, агарда хуши келса: «Бугунча кетаверинглар, эсончилик бўлса эртага кўришармиз», деб қўярди. Борди-ю, овулда бирор вафот этса, қассобдай жилпанглаб, энг аввал ўзи жўнаб қолар эди. У ўлик тепасида пешона томирлари бўртиб, қадди букилиб маъюс ўтиради. «Куни битган экан, иложимиз йўқ», деб бошини чайқаб қўярди.

Баъзан дарс ўқитиб турганда ҳам бирор жанозага айтиб кетади. Домланинг бундан хафа бўлганини ҳам, севинганини ҳам тушуна олмайсан. Ғўлдир-ғўлдир қилиб ўрнидан тез сакраб туради. Ёнидаги кавишига оёғини чала-чулпа суқиб, бизларни ҳам эсидан чиқариб юборади. Эшикдан чиқиб бораётганида: «Куни битган эканда», деганини эшитамиз холос. Худди эчкиникидай чўқайган соқолини қўли билан бир-икки сийпалаб, пилдираб кетганинигина аранг кўриб қоламиз.

Домла доимо: «Одамнинг куни саноқли бўлади, куни битса ўлади», деб қулоғимизга қуйгани-қуйган эди. Мен ҳам: «Рост бўлса керак, куним битиб қолмасин», деб кўп ўйлардим. Қани ўйламай кўр-чи! Ўлимни ким яхши кўярди?! Кечқурун ётганимда шу сўз эсимга тушса тез-тез нафас олиб, дамимни тамомлаб қўймай куним битиб қолмасин, деб секин-секин нафас олардим. Кўзим уйқуга кетгунча эринмасдан неча марта нафас олганимни санаб ётардим.

Аммо Менглимурот ака дастлабки кунлардаёқ мен ўйлаган фикрларни ҳаммасини пучакка чиқарди. Шундай бўлса ҳам қайси бирига ишонишни билмасдим.

Бадантарбия дарсида югур деса (фақат мен эмас, бошқалар ҳам) елкамдан оғир тош босгандай зўрға чопар эдим. Чунки югуриб бўлгандан кейин юрагинг дукиллаб, уст-устига қанча нафас оласан! Агарда шундай қилиб юриб, нафасинг бирдан тугаса, вассалом!.. Шу ўйлардан мени Менглимурот ака қутқазди-да!

Илгари ҳарсиллаб юра олмайдиган бўшанг болалар ҳам кейинчалик эпчил бўлиб кетиши. Ҳаммаси ҳам югуришга ўрганганди. Қайтага бадантарбия дарси бошланса аввалгидан ҳам қувончли, катта вақтиофлик бўларди. Ўйин бошланиши олдидан Менглимурот ака бизларни икки группага ажратиб, ўртада ўзи қизил байроқ ушлаб турарди. Бу «Қизил байроқ ўйини» деб аталарди. Ўйиннинг қоидаси бўйича, сафга тизилган барча болалар икки группага бўлинади. Ўқитувчи ўртада — икки томонга баравар масофада туриб ўйинни ўзи бошлайди. «Бир, икки, уч» деб санаса бўлди, ҳар тарафдан бир бола ўқитувчи турган ерга югуриб келиб, унинг қўлидаги қизил байроқни олади. Ўзларининг рўпарасида турган сафни гир айланиб ўтиб, навбати келиб, шайланиб турган болага байроқни олиб келиб беради. Иккинчи бола ҳам, биринчи бола сингари, рўпарада турган болаларнинг сафини бир айланиб, байроқни болага олиб келиб беради... Шундан тўртинчи болага олиб келиб беради. Энг охирги бола қизил байроқни ўқитувчининг ўзига тутқазиши керак. Қайси тарафдан энг кейин юргурган бола ўқитувчига аввал байроқни тутқазса, ўша томон ютган ҳисобланади!

Қандай қизиқ ўйин-а! Ҳатто чарчаганингни ҳам сезмайсан! Жанжал ҳам шовқин ҳам кўтарилилмайди.

Илгари мен икки тиззаси шилиниб кетгунча ошиқ ўйнайдиганлардан бири эдим. Энди ошиқ ўйнаш уёқда турсин, тўп ҳам ўйнамаймиз. Ошиқ ўйнайдиган болаларни ёмон кўрадиган бўлдик. Илгари одамлар: «Ошиқ ўйнаган озар, тўп ўйнаган тўзар», деса ёмон кўрар эдик, энди шу сўзни дарсдан қочиб юрган болаларга, ёмон

ўқийдиган болаларга ўзимиз айтадиган бўлдик. Мана, бугунги ўйин ҳам қизиб кетди. Кун қаттиқ совуғ-у, бироқ ҳеч ким совқотмади.

Ўйинга берилиб кетиб, ҳозиргина ўртада турган Менглимурот аканинг бир зумда қаёқса гойиб бўлганлигини сезмай қолибмиз. Бир группани мен, иккинчи группани Сарсенбой бошқаарар, бизнинг группамиз Сарсенбойнидан ўзиб кетай деб қолган эди. Менглимурот аканинг овози жимликни бузди.

— Тарқал!

Бундай команда фақатгина дарс тугаган пайтда берилар эди. Ўйин билан бўлиб дарс тугаганини ҳам пайқамай қолибмизда, деб югура-югура синфга кирдик. Кирсак, синфда оқсоқол, раис, яна бир киши ўтирган экан. Бу йигитни илгари бир марта кўрган эдик, Дастлаб бўйнимизга қизил галстук тақиб кетган ҳам шу йигит эди. Мен яна бир гап бўлса керак, деб ўрнимга бориб ўтирдим.

Югуришиб келган болалар ўрни-ўрнига жим ўтириши. Раислар бўлса, ўқитувчи ўтирадиган жойда... Тўртбурчакли столнинг устига оқ мато ёниб қўйилган.

— Болалар,— деди Менглимурот ака бизларга қараб, — овлу советининг раиси сизлар билан сўзлашмоқчи.

Мен бир марта дадам билан колхоз йигилишига борганимда шу кишининг сўзлаганини кўрган эдим. У жуда тез, бақириб сўзладиган одам эди. Агар у, бизнинг синфимиз ичиде худди ўшандай бақириб сўзладидиган бўлса, жаранглатиб юборса керак, деб ўйладим. Йўқ, бу бундай қилмади. Ўриндан қўзғалди-да, томоғини бир қириб олиб, ўсиқ мўйловини силади. Бизлар эса у нима экан деб ҳанг-манг бўлиб ўтирибмиз.

— Сизларнинг зийраклигингиз,— деб сўз бошлади у баланд овоз билан,— аввало раҳмат айтаман. Сиз бизларнинг нуқсонимизни топдингиз. Есемурот бобода айб ўйқ экан. Уни туҳматдан қутқаздингиз. Чинакам ўғриларни топишга ёрдам берганингиз учун кўп-кўп раҳмат.

Мана мен сизларга бутун дунё пролетарларининг доҳийси Лениннинг портретини олиб келдим. Лениндан бўлиб ўсинглар,— деб ёнида турган, устига оқ мато ёпилган портретни очиб юборди. Бирдан Ленин бобо бизга тик қараб, очиқ чеҳра билан ҳаммамизни қутлагандек бўлди. Менглимурот ака билан овул советининг раиси қўй қисиши. Раис билан ёнма-ён турган йигит чапак чалиб юборди. Биз ҳам чапак чалдик.

Шундан сўнг ҳалиги йигит гапирди. У узоқ сўзлади. Гоҳо Лениннинг портретига, гоҳо бизларга қараб, Лениннинг содиқ фарзандлари бўлиб ўсиб-улғайнингиз, деган тилакни билдириди.

Раис ҳам раҳмат айтди.

Бир вақт менга сўз берди. Дастлаб нима дейишимни билмай турган эдим. Бирдан бошимга ғалати бир фикр келиб қолди.

— Бултур ёзда...

Агарда Менглимурот ака келиб бизга ҳеч нарса ўргатмаганда ошиқ ўйнашдан тиззамиз тешилар эди. Е бўлмаса қовун ўғирликда юриб, айри уёқда турсин, тўнғиз ўқига ҳам дуч бўлар эдик. Дуйсен домла билим бериш тугул, бизларни ўғриликка ўргатарди. Менглимурот ака бўлса бизларни тўғри йўлга солди. Шуларнинг ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим.

Гапни кўп чўзиб ўтирамай дедим-да:

— Ҳаммаси учун Менглимурот акамизга катта раҳмат,— дедим баланд овоз билан.

Ҳамма болалар бирдан чувиллашиб, менинг гапимни қувватлашиди.

— Раҳмат, муаллим!

Оқсоқол ҳам, раис ҳам, ҳалиги йигит ҳам болаларга жўр бўлишиб, очиқ чеҳра билан чапак чалишганда, синф ичи аввалгидан ҳам қаттиқроқ янграб кетди. Оқсоқол ўрнидан туриб, Менглимурот акани қучоқлаб ўпиб олганида, ҳаммамиз ўрнимиздан туриб яна қаттиқ чапак чалиб муаллимимизни чин дилдан қутладик...

# СЕКРЕТАРЬ

## 1

1942 йил.

Қаҳратон қиши.

Туни билан тинмай паға-паға ёғиб чиққан лайлак қор аzonга яқын тұхтаб, ҳаво очила бошлади. Теварак-атрофни қоплаб ётган оппоқ қор ҳозиргина булутлар орасидан чиққан қуёш нурларыда жилваланиб, күзларни қамаштиради.

Аммо ҳаво совуқ. Кунботар ёқдан эсаёттан изғириң шамол юз-күзларни ялади. Почангдан кириб, енг-оेқ-ларингдан чиқмоқчи бўлади. Бадан-баданларингга игна санчиб, қунишиб-қимтитиради, бўйнингни ичга тортишга мажбур қиласди.

Эрта саҳар шаҳардан йўлга чиққан уч бола совуқнинг зўридан дам олишга ҳам илож топмай, эшакларини олдинга солиб ҳайдаганларича дилдираб келишяпти. Гоҳо сал тұхтаб, депсиниб олишади.

Сиртдан қараганда учаласининг ҳам бўй-басти баб-баравардай, қулоқчинларининг қулоғини тушириб, боғичларини боғлаб олишган. Учови ҳам бошларини қуий эгиб, эшакларини хих-хихлаб бормоқда.

Олдинда бораётган бир оз ўқтамроқ ва савлатлироқ кўринган Отамуроднинг икки бети қалампирдай қип-қизариб кетган, худди теллаги бошидан тушиб кетаётгандай у оқ қўлкапли ўнг қўли билан уни босиб-

босиб қўяди. Унинг кейинидаги ўрта бўйли, чўпдай ориқ Аметнинг бир қўли қўйнида, иккинчи қўлидаги халачўп билан эшагини нуқиб ер сузган куйи дейди.

— Отамурод, агар битта қўлқопингни менга бермабер ганингда, қўлим тарашадай қотиб қолар экан.

Аметнинг кайфиятидан унинг унча қайтурмаётганлиги сезилиб турар эди. Унинг бу гапларига ғаши келдими ёки бўлмаса, армияга йўллаган отаси ва ўзининг бундан кейинги ҳаёти тўғрисидан чуқур ўйга чўмиб келётганлигиданми, ҳайтовур, гарчи шаҳардан чиқаётган пайтда «тўнғиб қолма тағин» деб қўлқопининг бирини берган бўлса ҳам Отамурод унинг сўзларини хушкўрмади. Жавоб бермади.

Амет «ҳойнаҳой сўзим унга маъқул тушмади-ку», деган ўй билан Отамуроднинг юзларига разм солди. Аммо уни қаҳрли кўрди.

— Совуққа чидамай кўзларингдан ёш чиқиб кетиптику, дўстим,— деди ва йўл четига бурилиб бораётган эшагини изга солди.

Уларнинг учинчиси думалоқ юзли Сержон бўлиб, у бу икковини ҳам унча ёқтиромай, ўз хаёллари билан банд эди. Қийик кўзлари билан Амет томонга бир қараб қўйди-да: «Эсини еганми у? Кимсан отаси келса-да, парвойига келтирмаса?!»— деди ичида ва қаттиқ бир йўталиб, эшагига устма-уст халачўп урди, илгарилаб олдинга ўтиб кетди.

Йўл торайгач, учаласи яна олдинма-кетин тизилишиди.

— Эсдан чиқариб қўймадингми?— деди Сержон изидан келётган Отамуродга. Отамурод унинг нима тўғрисида сўраётганини тушунмади.

— Нимани?

— Аскарларимизнинг бир қанча қишлоқлар билан бирга Боровен шаҳрини душмандан озод қилганинида?!— деди Сержон.

— Шаҳардан овулга олиб борадиган бундай қувонч-

ли хабарни эсдан чиқариб бўладими? Душманинг ўн тўққиз самолёти яксон қилингани-да. Буни эшитса, ким хурсанд бўлмайди.

— Биздан ҳам бешта самолёт мажақ бўлган-ку,— деб гапга аралашди Амет.

— Эҳ, аҳмоқ,— деди Сержон. Бошқа сўз айтмади. Отамурод қайрилиб ўткир кўзлари билан унга бир қараб қўйди-да, яна йўлида давом этди. Шундан кейин ўртага совуқчилик тушиб, бошқа сўзлашишмади.

Кунботар ёқдан яна кўтарила бошлаган оқиш булат осмони фалакни қайтадан қоплаб, қуёш юзини яна тўсиб олди.

Болалар эшакларини шитоб ҳайдаб, овулга барвақт-роқ етиб олишга шошилишди.

Овулга кираверишдаги йўлнинг икки томони бошдан-оёқ қатор терак эди. Уларнинг баргисиз шох-шаббалири шамолда чайқалиб гувиллар, бу гувиллаш болалар қалбида уйғонган гитлерчи босқинчиларга қарши қаҳр-ғазабини орттириб, улар руҳига ҳамоҳанг бўлган каби аламли инграрди. Тик тепага бостириб келган гунгурт булат кузги оқбош гулларидаи тўзғоқланиб, қорга айлана бошлади. Худди шу пайт болалар ҳам овулга етиб келиб, уй-йиларига тарқалишди.

Ўразгул янга фронтга жўнаб кетаётган отасини шаҳаргача кузатиб борган Отамуроддан хавотирда. «Ишқилиб ўғлим боёқиши совуқда тўнглаб қолмаса гўрга эди» деб, тез-тез ташқари чиқар, йўл қараб, жон қўйгани жой тополмас эди. Ниҳоят, уни кўрди-ю, кўнгли таскин топди. Эшагини нари-бери оғилхонага ҳайдаб, ўзини апил-тапил ичкари олиб кирди. Отамурод йўл-йўлакай, ойим менинг ёлғиз кириб келаётганимни кўрган ҳамоно ув тортиб йиглаб юборса керак, деб ўйлаган эди. Аммо ундан бўлмади. Ойиси унинг болалик ўйларини чиппакка чиқарди. Йиглаш ўёқда турсин ҳатто ундан ҳеч нарса сўрамади ҳам. Кийим-бошларини ечишга кўмаклашди. Унинг муз қотган юзларини ўзининг

ажин туша бошлаган иссиқ бетларига босиб қиздирди. Ингичка бармоқларини кафтларининг орасига олиб, қайта-қайта куҳ-куҳлади.

Отамурод бир оз илиб, тили калимага кела бошлагандан кейингина гапирди:

— Отамлар бугун тоңтга яқин соат бешларда машинага чиқди. Машинага чиқиш олдидан юзларимдан, пешнамдан суйиб-суйиб ўпди. «Ўғлим», комсомол ёшига етдинг, хурсандман. Ортимда сендай бўй етган, ақлли фарзандим қолаётгани учун ҳам кўнглим тўқ», деди. Бошқа ҳеч нарса дегани йўқ. Мен бир талай гаплар айтса керак, деб ўйлаган эдим. Озиқ-овқат солинган қопчигини олиб, машинага ўтиргандан кейин мен томон бурилиб, қайта-қайта қўл силтади... Шундан сўнг кўринмай кетди.

Ўразгул янга киприкларига қалқиб чиққан кўз ёшлини Отамуродга билдирамаслик учун бошидаги рўмол учи билан юзларини сийпалаб «шилқ» этиб бурнини тортиб қўйди.

— Бир ўзинг келдингми, болам?

— Йўқ,— товушлари бошқача эшитила бошлаган онасининг юзларига тикилиб деди Отамурод.— Амст, Сержон, мен — учовимиз қайтдик.

Она яна алланарсаларни сўрамоқчи бўлиб тараддуудланди-ю, бироқ сўз қотишга журъат этмади. Иккиланиб ўйлаб қолди. Индамай келиб беланчакда ётган кичкина ўғли Ўринбекни қўлига олди-да, аста бағрига босди.

Қор яна туни билан тинмай ёғиб чиқди. Отамурод бугун нима учундир ҳар кунгидан кўра барвақтроқ ўйфонди.

Уйғонған ҳамоно юз-күзларини ювишдан олдин құрага чиқиб, сигир-бузоқларининг остини тозалади. Қор остидан ўтинг сугириб олиб, майдалади. Сүнг бир дастасини құлтиқлаб кириб, печкага ўт қалади. Қечагина ҳеч нарсаниң ташвишини құлмайдиган бегам-бепарво бўзбала бир кундаёқ худди катта одамлардай ўзидан-ўзи уй ишларига аралаша бошлаганини қўриб, онаси дилдан хурсанд бўлди, аммо ҳеч нарса билмагандай ўз юмушларига берилди. Сигирни соғиб келиб, сут лишириди. Қечқурунгидан қолган шовлани иситди. Ўн бир яшар қизи бижилдоқ Ойшагулнинг йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетган эди, у ҳам ташқари чиқиб, бет-қўлларини қорга ювиб келиб сир билдиринасликка тиришди. Лекин ҳар кунгидай кўп сўзламади. Онасига эрка-тантиқлик ҳам құлмади. Жимгина бориб каравотда ухлаб ётган укаси Ўринбекни уйғотмоқчи бўлди. Бироқ унинг кулиб турган юзларига кўзи тушгач, оромини бузгиси келмай, бир лаҳза иккиланиб турди. Аммо уйдагиларнинг ҳаммаси ишга шошилаётганлигини ўйлаб, уйғотишга мажбур бўлди.

— Ойим қайда? — деди Ўринбек күзларини очар-очмай.

Худди шу пайт ташқаридан Ўразгул кириб келди. Ўринбек ойисига кўзи тушиши билан онаси буёқда қолиб, унга талпиниб қучоқ очди.

— Ойи, ой-йи, отам қанилар, ҳалиям келмадиларми?

Муштдай ўғлининг саволига нима деб жавоб беринини билмай шошиб қолган она:

— Отанг армияга кетди, — деб юборганини сезмай қолди.

Бу гапга Ўринбек тушуммаган эса-да, саволга жавоб олганидан хурсанд бўлиб чапак чалиб юборди.

Нонушта Жумамурод бор пайтдагидай файзли бўлмади.

Жумамурод колхознинг илғор тракторчиси бўлиб, ҳар куни эрта тонгда уйғонар, хотинига ёрдамлашиб, овқат пиширас, нонушта маҳал эса Ўринбекни тиззасига ўтқазиб, Ойшагулдай эркалаторди, ҳаммалари қувнаб-яйрашиб овқатланишар эди. Мана, унинг ҳар кунги ўрни бўм-бўш, йўқлиги ҳувиллаб билиниб турибди. Ҳеч ким бурунгидай иштаҳа билан овқат емади. Фақат Ўринбеккина олдига қўйилган косадаги шавлани шошапиша еяпти, холос. Ўразгул янга ҳарчанд «енглар» деб қистаса ҳам болаларига таъсир қилмади.

Аксинча, Отамурод билан Ойшагулни ўзлари ойисини қистарди. Унинг ҳеч нарса емай қуруқ қўлини шунчаки оғзига олиб тамшаниб қўяётганини пайқаб, бараварига чувиллашди:

— Ойи, ўзингиз ҳам енг-да, бўмаса толиқиб қоласизку!

Ўразгул янга сир бой бермасликка ҳаракат қилса ҳам бунинг иложи бўлмади. Фарзандларининг сезиб қолганини билди, оғзига овқат солди. Бироқ юта олмай, алламаҳалгача қийналиб, чайналиб ўтириди.

Мактаб маҳал бўлиб қолган эди. Отамурод билан Ойшагул ўринларидан туришди. Идиш-товоқларни йиғишириб, Ўразгул ҳам ишга отланди.

— Ойи,—деди Отамурод укасини кийинтириб бўларкан,—Ўринбекни боғчага йўл-йўлакай ўзим ташлаб ўтарман.

Ҳар сафар Ўразгул эри Жумамурод билан эрта—азонда ишга кетаётиб, иккалалари Ўринбекнинг икки қўлидан ушлаб, биргаликда етаклаб боғчага олиб боришар эди. Бунга ўрганиб қолган гўдак кийиниб бўлиши билан бир қўлини кўтариб:

— Манов қўлимдан ким ушлайди?— деди ойисига.

— Ўзим, чироғим, ўзим ушлайман. Отанг қайтиб келгунларича сени аканг икковимиз олиб борамиз.

Отамурод папкасини бўйнига осиб, укасининг қўлчисидан тутди. Жажжи Ўринбек жилмайиб турган ака-

сининг меҳрибон чеҳрасига бир қараб олди-да, кейин алпанг-талпанг йўлга тушди.

Ойиси билан Ойшагул апил-тапил дастурхонни йиғиб, уй ичларини саранжом-саришта қилди.

Улар эшикни қулфлаб, ҳовлидан чиққанларида яна ҳаво очилиб кетган, қуёш ҳам оламни алвонрангга бўяб, аста уфқдан бош кўтара бошлаган эди.

### 3

---

Қор уч кундан бери тунлатиб ёғади.

Колхоз овулининг ҳаммаёғи оппоқ пахта ғарамлари-га қоплангандай, ўзгача манзара кашф этади. Тутуни бурқисб чиқаётган мўриларнинг оғизларигина бу ғарамлар устидан қорайиб кўринади.

Шунга қарамай, кўчалар гавжум. Қари-қартанглар, аёлу болалар қўлларида курак, супурги. Дарвоза оғизларини, молхона ва уй томларини кураш билан банд. Кўпчилиги эрталабки аёздан ўзини эҳтиёт қилиб, оғизбурунларини танғиб олишган.

Кўча бўйлаб бир қўли йўқ почтальон от йўрттириб келмоқда. У ҳар қадамда бир тўхтайди. Бир уй эгаси билан сўзлашиб бўлиб, иккинчисининг олдига келиб от жиловини тортади. Почтальоннинг тезроқ етиб келишини сабрсизлик билан кутаётганлар ўша томон бурилишиб куракларига таянишади.

Ана, Амет билан Сержонларнинг уйлари ёнидан ўтадиган ариқ бўйида Темирхон ота пайдо бўлди. У почтальонни кўрди-ю, «яна қандай хабар бор экан?» деган ўй билан узоқдан унга товуш қилди:

— Қалай, почтачи ўғлим, омонликми?

Почтачи қуён тери қулоқчинининг қулоқларини тушириб томоғи остидан танғиб олган эди. Темирхон ота-

нинг сўзини эшитмай, унинг олдига етиб келиб салом берди-ю:

— Бугун мактаб клубида колхознинг умумий мажлиси бўлади,— деди.

— Қай вақтда?

— Тушда.

Мўйловлари қирор боғлаган почтальоннинг тўппатуғри ўз уйлари томон кетаётганини деразадан кўриб турган ўрта бўй, от жағ, қотма юз, япасқи бурун бола югуриб ташқари чиқди.

— Ассалому алайкум, почтачи оға. Бизнинг оғамиздан хат олиб келдингизми?

— Йўқ, қароғим ҳали, улар билан кетган йигитлардан ҳеч қайси биридан хат келгани йўқ. Улар ҳали Чоржўйдан жўнаб кетишолмаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бола бўшашиб изига қайтди. Бу анов куни Отамурод билан бирга шаҳарга бориб отасини фронтга жўнатиб келган Амет эди. Ким билсин, балки у ўша куни отам кечга яқин уйга қайтиб боради, деб ўйлагандир? «Дарров соғинипти боёқиши?». Почтальоннинг кўнглига шу фикир келди. Бироқ ҳамманинг эрта-азондан туриб ҳаракатга тушганини, қария ҳам, ёш бола ҳам, кампирлар ҳам ғимирсилаб, қор кураш, ҳовли супуриш билан банд бўлганлари ҳолда Аметларнинг хонадонидан ҳалигача ҳеч ким чиқмаганини кўриб ажабланди.

— Ойинг қаёқда?— деди почтальон отининг жиловини тортиб.

— Уйда,— деди Амет орқасига бир қараб оларкан бўйнини қисиб.

— Нима қиляпти?

— Етибди.

— Ойингга айтиб қўй, бугун тушда мактабда умумий мажлис бўлади. Амет ўзини эшитмаганга солиб индамай кетаётган эди, почтальоннинг жаҳли чиқиб кетди. Унинг орқасидан бақирди:

— Ҳой, сен қанақа боласан! Нега индамайсан?

— Индаяпман-ку! — деди Амет истар-истамас.

— Ҳей, ғафлат босиб ётавермасдан сенлар ҳам уй атрофларингни кураб, тозаласаларинг-чи!

Амет «ўргатаверманг», демоқчи бўлиб, почтальонга ўқрайиб бир қараб қўйди-ю, лекин индамади. Шўппайиб ичкари кириб кетди.

Аметнинг отаси шу — «7-ноябрь» колхозида ферма мудири бўлиб ишлар эди. Ўзи аксар ферма томонда бўлса ҳам, хўжалиги овулда турарди. Оиласини фермага кўчириб олиб боролмаслигининг сабаби хотини Гулим Аметдан кейин туғмади. Отахон шундан кўнгли ириб, ўзича аразлаб юргучи, эди. Гулим эса уни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Шу туфайли, унинг нималар қилиб юргани билан иши бўлмасди. Келса, қувонарди холос. Амет ёлғиз ўғил бўлгани учун унга қаттиқ-қурим гапирмай, нима деса хўп деди, эрка ўстирди. Уй-рўзгор бут: тахмонда бахмал, атлас, шойи кўрпалар, мол-ҳоллари ҳам талайгина. Гулим учта сигир соғади. Унга яқин қўйи бор. Отаси Отахоннинг ора-сира арақ ичиб келиб кўпроқ сўзлаб мақтангани дейилмаса, ота-онасининг бирор етишмовчиликдан жанжаллашиб жиғибийрон бўлишганини Амет кўрган эмас. Ойиси ҳамиша очилиб сочилиб юрарди.

Бироқ отаси армияга кетди-ю, ойиси бор қувончидан жудо бўлгандай мунғайиб, камсуқум, камсўз бўлиб қолди. Ҳеч бир ишга қўли бормай эртаю кеч ётади. Эрта ётиб, кеч туради.

Сигирларини ҳам хоҳласа соғади, хоҳламаса йўқ. Уй атрофлари ҳам кураб-тозаланмайдиган бўлиб қолгани ҳам шундан. Қўшилари келиб: «Бошингни кўтар, Гулим», дейишса ҳам гўнг, фиқ этмайди.

Йўқса, Темирхон ота ҳам бугун почтальондан олдинроқ келиб уни уйғотиб кетган эди:

— Ҳафа бўлма, чироғим, кўпга келган тўй, катта тўй, қоноти қайрилган бир сен ўзинг эмас, мана, икки бирдай арслонимни юбориб мен ҳам юрибман-ку! — дея

насиҳат сўзлари ҳам айтди.— Тура қол, чироғим. Эрта туришнинг хосияти катта. Кишининг ризқ-насибаси улуғ бўлади. Бу овулда мендан эрта туриб, номоз ўқийдиган саҳархез киши йўқ эди. Уч кундан бери Жумамуротнинг заифаси Ўразгул келиннинг мендан илгари туриб, катта ўғли Отамурод билан қор кураб юрганини кўраман. Сизлар ҳам Отахоннинг йўқлигини билдирмай, эртароқ туриб, қор курашга чиқинглар.

Гулим бу насиҳатларга қарши бирон оғиз сўз айтмаган бўлса ҳам ташқарига чиқмади. Кеча кечқурун уйга олиб кириб қўйган ўтинини ўчоққа қалатиб, Аметга чой дамлатди-да, чойни ҳам ётган жойидан қўзғалмай кўрпасига ўранган кўйи ичди. Ўғли почталъон олдидан қайтиб кирганда чойини ичиб бўлиб, чойнак-пиёлаларни ҳам йигиштирмай, қизил фижим баҳмал кўрпасига бурканиб ётар эди. Амет ҳайрон бўлиб, кирган жойида туриб қолди.

— Анов одам, нима деб юрипти?— деди Гулим кўрпанинг бир четини қайриб, юзини очаркан.

— Сизга нима бўлди, ойи? Бирор жойингиз оғриётгани йўқми?

— Оғриган-օғримагани билан сенинг ишинг бўлмасин! Почталъон нима деди?

— Бугун тушда мактаб клубида мажлис бўлади. Шунга сизлар ҳам боринглар, деялти.

Амет оёғидаги кавушини эшикда қолдириб, темир печка ёнига келди. Чордана қуриб ўтириб, қўлларини иситди.

Гулим қайтиб юзини ёпмади. Бироқ Аметни ёқтиргмагандай бурнини жийириб қўйди. Қуёш тифида қирови эрий бошлаган деразага қараб яна бир оз ётди. Чошгоҳга яқин эринибгина ўрнидан туриб кўрила-тўшакларни йигиб тахмонга тахлади.

— Ойи, мажлисга борасизми?

— Намунча суриштиравердинг?..

Амет индамади.

Дам олиш куни бўлгани учун Амет уйда ёлғиз ўтириб, охири зерикди. Ойиси билан бирга мажлисга боргиси келди. Ойиси ташқари чиқиши билан у ҳам апилтапил кийиниб изидан юрди...

## 4

Кейинги сафар йигитларнинг кўпчилиги кетган эди. Овул кимсасиз ҳувиллаб қолгандай жимжит. Тун-кечалар бўладиган одатий ўйин-кулгилар, шовқин-суронлар ҳам энди барҳам еган. Ҳатто кундуз кунлар ҳам тишининг оқини кўрсатган одам кам топилади. Гўё одамларнинг ҳаммаси бир кечада ўзгариб кетган каби, кўзлари ғамли, юзлари қаҳр-аламли...

Улуғ Ватан урушига йўл олган йигитларнинг ичida не-не азаматлар бор эди. Энди уларнинг излари, сўзлари, гурсиллаб қадам ташлашлари йўқ. Ҳамма ерда ўринлари билиниб турипти.

Мана, колхознинг умумий мажлиси тарқади. Илгари бундай пайтларда кўча жуда гавжум бўлиб кетарди. Энди бўлса илгариgidай жовур-жувиirlар, йўл-йўлакай тортишиб, баҳслашишлар эшитилмайди. Кулги-қаҳқаҳалар йўқ. Шукуҳсизлик. Ҳамма ўйчан, ўз ҳаёли билан банд. Балки улар бугунги берилган янги топшириклар, вазифалар устида ўй ўйлаб, хаёл суриб бораётгандир?! Энди улар фронтга кетган ўз ўғиллари, ака-укалари, ёру дўстлари учун ҳам ишлашлари, уларнинг ўрнини тўлдириб, йўқликларини билдирамасликлари керак. Колхоз уларга шундай деб айтди. Етти ўйлаб, бир сўйлайдиган мактаб директори Тажен оға Изембетов ҳам сўзга чиқиб шундай деди.

Колхозчиларнинг ўрнини босадиган анов бир гала болаларгина дунё ташвишларидан бехабар, бир-бирларига қор отиб, яхмалак ўйнашмоқда. Бошқа болалар-

дан кейин чиққан Отамурод тез-тез одимлаб, яхмалак ўйнаб бораётган болалар ортидан қувиб етди:

— Болалар, тўхтанглар!

Ўқувчиларнинг кўпчилиги ўйиндан тўхтаб, Отамурод томонга қараши.

Отамурод мактаб бўйича «ёши катта» ўқувчилардан ҳисобланади. Шунинг учунми ё дружина советининг бошлиғи бўлгани учунми, у бир нарса деса, қуий синф ўқувчилари уёқда турсин, ўзи ўқийдиган 7-синф болалари ҳам гапини ерда қолдиришмас эди.

Унинг ана шу обрўйини яхши биладиган директор мажлисдан сўнг уни ўз ёнига чақириб олиб, баъзи маслаҳатли гапларни айтган эди.

Болалар Отамурод етиб келгунча кутиб туришди. Улар Отамуроднинг директор ёнида қолганини сезишган, шунинг учун директорнинг унга нималар деганини билишга қизиқишар эди. Унинг етиб келишини кутишди. Бироқ синфдошлари Сержон, Амет билан яна икки бола индамай кетишаверди. У Сержоннинг ўжарлигини яхши биларди. Шу туфайли унинг орқасидан чақириб юрмади, Сабаби сержон ҳеч қачон унинг сўзларига қулоқ солмас эди. Ҳатто дружина мажлисларида Отамурод сўзласа у қулоқларини икки қўли билан беркитиб ўтиради. Фақат Отамуродга шундай қиласдими десанг, бошқалар сўзлаган пайтда ҳам унинг одати шу: ўз тенгқурларининг насиҳат қилишини ёқтирмайди. Ўзини бошқалардан ақлли деб билади. Айтганини қиласди. Тутган жойидан кесади. Агар бирорта бола билан жанжаллашиб қолса, томоги йиртилгунча айтишиб чарчамайди.

Амет уйда эрка бўлса ҳам, мактабда унаقا эмас. Қўпчилик нима деса, хўп дейди. Қаршилик қилмайди. Мажлисда сўзга чиқса елкасини қашиб-қашиб жуда мулојим гапиради. Гапираётган пайтда ҳеч кимнинг афтига қарамайди. «Уялса керак», деб ўйласанг, унақага ҳам ўхшамайди. Товуши ўқдай — ўзгармайди. Бироқ

ювош-мұмнитой эканлиги билиниб туради. Шуниси чатоқки, баъзан ваъда бериб, эсдан чиқарип қўяди. Гоҳ сўзининг устидан чиқмай ўзинигина эмас, бугун синфни ноқулай аҳволда қолдиради. Шу туфайли Аметнинг феъл-авторини олдиндан яхши биладиган Отамурод унинг кетиб қолганини кўриб, хафаям бўлмади. Бироқ анов икки боланинг кимлигини билолмади. Сабаби, улар анча узоқлашиб, колхозчилар ичига аралашив кетган эди.

Отамурод болаларнинг олдига келиб, оёқ остидаги қорларни этиги билан уёқ-буёққа суриб ташлади-да, қулоқчинининг қулоғини кўтариброқ боғлаб олгач, деди:

— Болалар, мактаб директори Тажен оға бояги мажлисда нималар деди? Ўйин билан бўлиб, эсдан чиқарип, қўймадингларми?

— Дарров эсдан чиқарип, нима, биз миямизни еб қўйибмизми?— деди тўладан келган қўй кўзли Елесин Отамуродга эътиroz билдириб. Бошқалар ҳам унинг сўзини қувватлади. Эсдан чиқармаганликларини айтиб жовур-жувур кўтаришди.

— Ундаи бўлса, жуда яхши! Юртимиз мана шундай аҳволга тушиб турган пайтда мана бундақа яхмалак отиб, қорбўрон ўйнаб юришимиз мутлақо ўринсиз. Халқ устимиздан кулади. Ота-оналаримиз ҳам буни хўш кўрмайди. Энди, оғайнилар, уруш тўхтагунча ўйинқароқликни йиғиштирайлик. Фалабага эришиб, туғишганларимиз қайтиб келгандан кейин ҳар қанча ўйнасак-кулсак ўшанда ярашади. Ўшанда мана шу ўйнолмаган кунларимиз ҳиссасини чиқарип олаверамиз. Эндиги ўйинларимизни далада меҳнат билан ўтказайлик.

Унинг сўзлари директорнинг боя айтган сўзларига ҳеч бир ўхшамас эди. Болалар ҳайрон бўлиб туриб қолишиди. Ҳар доим улар Отамуроддан ақлли гап чиқишига ўрганиб қолишган ва унинг гапларига қулоқ солар эди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Аввалига ҳайрон бўлишса ҳам кейин уни маъқуллашди.

— Ўқишиш тўхтайдими? — деди бир бола кўзларини ола-кула қилиб.

— Ким айтди сенга ўқишиш тўхтайди деб,— Отамуроднинг катта одамлардай жаҳли чиқди.— Тўхтамайди, ўқишиш ҳам бўлади, ўқишидан чиққач колхоз даласида ишлаймиз. Ҳеч бўлмаса, ота-оналаримизга фронт хабарларини айтиб берамиш. Шу ҳам фойда. Бунинг учун ҳаммамиз ўз вақтида газеталарни топиб ўқиб, кузатиб боришимиз керак. Бу — биринчи вазифа. Иккинчи вазифа шуки, ҳозиргина мажлисда эшитдингиз: биз ҳам ҳозирнинг ўзидан бошлаб, хоҳ қонда бўлсин, хоҳ замбалда бўлсин пахта далаларига ўғит олиб чиқамиз.

Отамурод қисқа сўзини тугатди-да, ҳеч кимнинг фикрини эшитиб ўтирумай, қўл кўтариб:

— Қани, ким бугундан бошлаб ўғит ташишга чиқади? Қўл кўтарсан? — деди.

Болалар бирин-сирин кўл кўтара бошлишди.

Отамурод синамоқчи бўлди «бир, икки... уч», қараса, ҳамма кўтарган.

— Демак, ҳеч ким қарши эмас!

Отамуроднинг кейинги сўзига қарши Елесин эътироуз билдириди:

— Ҳе, нега ундаи дейсан? Эл бошига тушган оғирчиликни тушунадиган бир ўзингми? — деди.

Отамурод унинг сўзини тан олмади. Қайтанга хурсанд бўлиб, қўлларини сиқди.

— Дуруст, Елесин! Дириекторимиз Тажен оға ҳам сенинг мана шунаقا тушунадиган бола эканингни менга эслатган эди,— деб қўйди.

Елесиннинг юпқа лаблари тортилди, иржайиб кулди, елкасини қисиб қўйди. Отамурод шу топда унинг кўзига худди директорнинг ўзидаи улуғсифат кўриниб кетди. У хурсанд эди.

— Унда ҳозир уй-уйингизга бориб, овқатланиб келинглар,— деди Отамурод болаларга.— Бригадирларни овора қилмай дарров чиқинглар.

Үқувчи болаларнинг йўл-йўлакай қор устида бўлиб ўтган бу мажлисига ҳеч ким ҳайрон бўлгани йўқ.

— Мажилис тамомми? — деди бир қиз.

— Тамом, — деди Отамурод, қиз томон қараб. У мийгида жилмайиб кулиб турар эди.

Гулойша исмли бу қиз Отамуроднинг синфдоши бўлиб, ўзининг мана шу биргина жилмайиши билан унинг барча ишларини маъқуллаган каби эди. Бу уни руҳлантириб юборди.

Болалар ўша заҳоти тарқалди. Ҳар бири ўз зиммасига оғир вазифа олган каби, болалик шўхликлари бирдан йўқолиб, ўзларини катта одамлардай ҳис этишган каби, бир оз вазмин тортиб тарқалишди. Уларнинг тик оёқда туриб мажлис ўтказган ерда қорга қўшилиб, болаликлари ҳам эриб кетгандай эди. Улар турган жойдаги оппоқ қорлар қорайиб, олачалпоқ доғларгина қолди. Гўё бу доғлар мангуда ўчмайдигандай эди.

Гулойша ҳам кетди. Отамурод то у кўздан ғойиб бўлгунча унинг изидан аллақандай ўзи тушунмайдиган туйгулар билан кузатиб қараб турди...

## 5

Сержоннинг ойиси Ойгул опа оқ тўридан келган, узун бўй эллик ёшлар чамасидаги, турмушнинг барча аччиқ-чучукларини татиб кўрган аёл. Эри шу колхозни биринчи бўлиб тузганлардан бири эди. Уни босмачилар чавақлаб кетишганларида яқинда армияга ариза бериб жўнаб кетган Отажон саккиз, Сержон эса уч яшар бола эди. Шундан бери ўн бир йил ўтди. У ўн бир йил есир ҳаёт кечирди. Бироқ суйган эридан жудо бўлгани де-йилмаса, колхоз уни есир деб четга суриб қўймади. Аксинча, ҳамиша дийдаи кафтида тутди. Кам-кўстидан хабар олиб, ёрдам бериб келди. Шу боисдан бўлса ке-рак, баъзан сўққабошлигидан нолиб қолгундай бўлса,

дарҳол инқиlobдан олдинги тул хотинлар ҳаётини кўз олдига келтиради. «Мен нега қайғураман? Ёшлик чоғларимни биламан, менга ўхшаган тул хотинларнинг аҳволи оғир эди. Ишлай деса иш, ей деса ош тополмасди. Болалари тугул ўзларини ҳам эплаб боқолмасди-ку, ахир?» деб ўзини ўзи юпатарди. «Ношукур бўлмаслик керак», дейди. У эри ташкил қилган колхозда фидокорона меҳнат қилди. Ўзини аямади. Ўз баҳтини меҳнатдан топди. Аммо ўз ҳаётида битта хатоликка йўл қўйди: ўғлини ўқитмай, мактабдан чиқариб олди. Гўё уни ўқитса, оч-яланғоч қоладигандай эди. Аммо ўзининг бу хатосини у фақат кейин билди. Бироқ энди кеч деди. Мана, ҳозир ўша ўғлининг саводсизлигини ўйлаб оналиқ юраги эзиляпти: «Болагинам қаerларда юриптийкин? Хат ёзib беринг деб кимларга ялинаркин?»

«Йўғ-e!» дейди кейин дилидаги гапларни тилига чиқариб, ёв ичида эмас-ку. Ёзib беришар. Бурунги вақтларда пойгага от берганлар отининг бошқаларникидан ўзишини тилар эди. Мана, мен ҳам эл қатори узоқ йўлга тулпор қўшдим. Ўзиб келса, тулпор бўлгани! Менинг тулпорим албатта ўзади. Келиши биланоқ, албатта, ўқитаман, ҳали ёш!»

Бироқ кичик ўғли Сержон бутунлай бошқача чиқяпти. Отасиз ўсаётганлиги туфайли кўнгли чўкмасин, деб она уни доим яхши едириб, яхши кийинтиарди. Ўйинчоқларини ҳам сероб қилиб қўярди. Катта ўғлининг ўқиёлмай қолганининг ҳиссасини шундан чиқармоқчи бўлган эди. Бутун меҳр-ихлосини шунга қўйиб ўқитарди. Қани энди Сержон онасининг бу ниятларини тушунса! Бориб турган ўжар. Ўз айтгани бўлса-ку — хўп, бўлмаса, уни куйдиргани-куйдирган.

Мана, Сержоннинг мактабдан келганида алламаҳал бўлди. Қўшиларнинг болалари уйларига келганлари ҳамоно нари-бери овқатланиб ишларига жўнаб кетди. У бўлса ҳадеб қандайдир бир ёғочни йўниш билан овора.

— Сержонбой! — деди онаси. У ҳар сафар қаттиқ жаҳли чиққан пайтларида буни сездириш учун жўрттага унинг исми ёнига «бой» сўзини қўшиб ниқаб айтарди, — нималар қиляпсан-а, болам? Бу қанақаси, на дарс тайёрлайсан ва на иш қиласан?

Сержон йўнаётган ёғочларини йиғиштириди. Ўридан туриб кўҳна сандиқдан ниманидир излай бошлади. Қайсарлиги тутди.

— Ойи, ранда қайдаде? — деб бақирди у сандиқ ичига қўл ва боши билан шўнғиб.

— Уни нима қиласан?

— Конъки ясайман.

Ойгул опанинг баттарроқ жаҳли чиқди. Шундай бўлса ҳам ўзини босиб, унга насиҳат қилди. Кўшниларининг болаларини мисол келтириб, уни ёзғира бошлади.

— Оймуродни айтмай қўя қолай. Елесинни кўралсанми? Ўқишдан ҳам қолмайди. Колхоз ишига ҳам боради. Шунаقا қилиб юриб, ўйинни ҳам ўрнига қўяди. Ойисининг сенга ўҳшаб, жавратиб ўтирумайди. Ҳеч ким ўргатмаса ҳам ўзи билиб қилаверади. Ишига пухта. Ҳеч ким билан жанжаллашмайди, уришмайди ҳам. Сен бўлсанг гоҳ пичноқ, гоҳ «ранда қайдаде» деб бошимни қотирансан, гоҳ яна...

— Ундаи бўлса сен ўша Елесинни бола қилиб ола қол. Сержон ойисининг сўзларига қулоқ солмай яна боягидай ёғочини йўна берди.

Ойгул опанинг ғазаби қайнаб, унинг олдига ҳайбат билан келди. Ишлаётган нарсаларини бузиб, ўтга улоқтирумоячи бўлди. Аммо Сержон ҳамма нарсасини бағрига маҳкам босиб ерга ётиб олди.

— Агарда, — деди ойиси Сержонга пўписа қилиб, — гапимга кирмайдиган бўлсанг, мактабга бориб директорингга айтаман.

Сержон шунчалик ўжарлигига қарамай директорнинг номи тилга олингудай бўлса, ўша заҳоти ҳушёр

тортиб, ҳамма нарсани эсдан чиқарар эди. Сабабини ўзи ҳам билмас, мабодо бирор унинг бирор айб иш қилганини кўриб қолиб директорга айтаман деса, бас, жонини қўйгани жой тополмай қолаверарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ойиси: «Гапимга кирмайдиган бўлсанг, директорга айтаман», дейиши билан нарсаларини йиғишириб, дарҳол ўрнидан турди.

— Нима қиласай ойи?

Ойгул опа ўғлининг нозик жойини топганидан хурсанд бўлди, бироқ буни унга сездирмаслик учун яна сўзида давом этди:

— Мен сенга «оиланн тебратиб, ош-нон топиб, мени боқ», деяётганим йўқ. Энди ақл-хушинг кирадиган вақт етди. Миянгни ишлатиб ўз билганингни қиласавер.

Сержон нари-бери юз-қўлларини ювди-да:

— Ишга борайми, бўлмаса, ойи? — деди.

— Ана, энди, эсинг кирди. Аканг Отажоннинг қочон келиши номаълум. Анов кунги мажлисада ўзинг ҳам бўлдинг, колхоздан шунча йигит кетган бўлишига қарамай, пахта плани бу йил ўтган йилгидан ортиқ. Ўфит-гўнгларни далаларга замбилда ташияпмиз.

Ойгул опа ўша мажлиса звено бошлиғи этиб тайинланган эди. Тўғрироғи, кейинги икки йил ичидаги колхознинг илгор звено бошлиғи бўлиб келган Отажоннинг йўқлигини билдиримаслик учун бу вазифани унинг ўзи сўраб олган эди. Эр-йигитларнинг ёвуз душман устидан тезроқ ғалаба қозониб юртларига соғ-омон қайтиб келишлари учун қарию ёш, барча эркагу аёл ана шунга ўхшаш мажбуриятлар олишган, пахтадан мўл ҳосил этиштириш учун аҳду паймон қилишган эди. Ойшагул ҳам шулардан биттаси эди. Звенода одам оз, ишчи кучи этишмайди. У звеносига ёрдамчи куч излар, бундай ёрдамчи кучдан бирини у ўз фарзанди Сержон сиймосида кўрарди. Илгари унча койимай ўз майлига ташлаб қўйгани ўғлини бугун бунчалик қистовга олиб турганинг боиси ҳам шундан эди.

Сержон ноилож ойисининг айтганига кўниб, кўчага чиқди. Чиқди-ю, синфдошлари Отамурод, Гулойша колхоз комсомол комитетининг секретари Зубайдаларга кўзи тушди. Улар шу ёқقا келишар эди.

Ҳали мактабнинг ўз комсомол ташкилоти йўқ эди. Ўтган ойнинг бошида мана шу Зубайдада еттинчи синфга кириб, ёши ўн тўртга кирган болалар билан бирров суҳбат ўтказиб кетган эди. Ҳозир яна шулар билан юрипти. Сержоннинг ғаши келди. Айниқса, Отамуродни кўргач, яна бутунлай қайсарлиги тутди-кўйди.

— Ҳа, Сержон,— деди Зубайдада унга яқин келаркан, — яхшимисан?... Сен ҳам комсомол ёшидасан шекилли, шундайми?

— Кирмайман!— деди Сержон буринни тортиб.

Ҳозир уларнинг ишлари шошилинч, Сержон билан пачакилашиб ўтиришга вақтлари йўқ эди. Йўлларида давом этишди. Сержон анграйганича улар кетидан қараб қолди. Мактабдан келиши билан шоша-пиша дала-га ўғит ташиши учун замбил орқалаб чиқадиган Қалбайларнинг уйига яқинлашиб, уни чақиришгани тўхтаганларида Сержонга яна баттароқ алам қилиб кетди.

— Бошқаларга ялинади, менга эса буйруқ беришади булар.

У шу зайлда ўзича ғудурланиб орқасига ўгирилиб қараган эди, ҳув нарида уни кузатиб турган ойисига кўзи тушди. Феъли айниб ўша томон юрди.

— Қарофим, қилиқларинг на отангникига ва на онангникига ўхшайди.

Сержон ўйланиб тўхтаб қолди.

Ойшагул опа ҳам ишга шошар эди. Шунинг учун гапни қисқа қилди. Йўл-йўлакай унга деди:

— Тўнг-тушларингга қараб иш қил, болам!

Сержон оёқларига тушов тушган каби турган жойида серрайиб туриб қолди.

Колхоз комсомол комитети хонасида мактабдаги комсомол ёшига етган ўсмир болалар билан бўлган сухбат мажлиси узоққа чўзилмади. Уларга ВЛКСМ устанини яхшилаб ўрганиб чиқиш билан бирга ҳар бирига алоҳида-алоҳида топшириқлар берилди: Гулойша Собирова колхоз комсомол комитетининг органи бўлган «Ёш куч» деворий газетаси чиқаришга ёрдамлашиши керак. Қалбай эса учинчи бригаданинг агитатори қилиб тайинланди. Ҳар куни туш пайтида газеталарда эълон қилинган сўнгги ахборотни ўқиб беради, шунингдек, жанговар варақа чиқаришга кўмаклашади...

Отамурод комсомол комитетидан чиқаркан, нима учундир яна Гулойшага хаёли бўлинди: «Қандай сулув, қандай ғайратли, қандай ақлли», деб қўйди дилида. Унинг яrim ақли ҳам йўқдай ўзини ожиз ҳис этди.

Отамуродга ҳар куни уйма-үй юриб, саводсиз қарияларга газета ўқиб бериш вазифаси топширилган эди. «Эҳ, Гулойшаларнинг уйига бориб бўлмайди-да,— деб қўйди дилида,— ўзи саводли, онасига газеталарни ўзи ўқиб тушунтириб беради...»

Отамурод йўлда Темирхон отани учратди. Шундан кейин бир оз алаҳсиб Гулойшани унутди. Отага салом берди. Чол ундан ҳол-аҳвол сўраб, жавобларидан кўнгли тўлди.

— Умрингдан барака топ, болам!— дея дуо қилди уни. Кейин ёш боладай эрамишланиб менинг ҳам саводимни чиқар. Газеталарни ўзим ўқийдиган бўлай!— деди ота.

Отамуроднинг яккаю ягона мақсади муаллим бўлиш эди. Шунинг учун Темирхон отанинг бу илтимосини у бажонидил қабул қилди.

— Жоним билан, ота!

...Мана, яrim ойдан ошаяптики, у Темирхон отанинг муаллими.

Чол зеҳнли экан. Унинг ўргатганиларини биринчи кунданоқ яхши ўзлаштира бошлади. У ҳар оқшом бир ҳарф эмас, икки-уч ҳарфни ёд олади. Бундан эса ёш муаллим ўзида йўқ хурсанд.

— Ота, агар ёшлиқдан ўқиганингизда борми, ҳозир нақ профессор бўлар экансиз-да,— деб қўярди гоҳо у катта одамлардай чолни мақтаб.

«Профессор» деган сўзнинг маъносини унча аниқ тушунишмаса ҳам ҳар ҳолда илмли кишиларни шундай деб аташларини улар яхши билишарди. Шунинг учун бир-бирларига қараб кулиб қўйишди.

— Болам,— деди чол бир кун танаффус вақтида,— мен ҳам ёшлиқ чоғимда ўқиб кўрганман. Бироқ эски мактабда, мулла қўлида. Бай, бай, болам, мулланинг ҳўл гаврони қурсин — ўлгудай заҳарли эди. Ўша ҳўл гаврондан биттаси орқангга теккундай бўлса борми, заҳари бир умр баданингда ўрнаб қоларди. Шундай бўлгач унинг қўлида ким ҳам ўқигиси келарди, дейсан. Ташлаб кетдим. У замонлар қурсин. Нималар деяпман ўзи? Аллақачон қуриган-ку. Сен ҳаммасини бирма-бир айт, мен шу Совет ҳукуматининг бунақанги ўқишидай қулагай, ўрганилиши осон ўқиши ҳеч вақт кўрмаганман. Мана, қартайган чоғимда саводимни чиқариб оладиган бўлдим.

Отамурод кекса «ўқувчисининг» сўзларини мароқ билан тинглаб хурсанд бўлди.

— Сенга бир насиҳатим,— деди Темирхон ота сўзларини якунлаб,— эшитганим бор — Ҳазрат Навоий «бilmagani сўrab ўргangan olim, orlaniib сўramagan ўзiga zolim», деган экан, бежиз айтмаган. Ҳамиша ўзингдан каттанинг сўзига қулоқ сол, улардан ўрган, ўқи! Лекин ёши катта деб ҳар кимларнинг галига лақиллайверма ҳам. Баъзан, ўйлаб иш тутиш керак бўлади. Қисқаси шуки, йўлдан адашма. Бу галимнинг мағзини чақ: эл бошига шундай кулфат тушиб турган пайтда унинг оғирини енгил қил, йўлини чироқ бўлиб ёрит. Ўзингни аяма.

Гажир бўлма, меҳнатдан қочма сен меҳнатни севасан бу — яхши. Лекин енгилига юурма, оғирини изла, кам бўлмайсан!

— Маъқул, ота!

Уруш бошланган ўша қаттол кундан бери ҳеч ким тунги соат икки-учсиз ухламайди. Қатталар кун бўйи колхоз даласида ишлаб келиб, туни билан эртанги тирикчиликнинг гамини ейди, ўқувчилар эса дарс тайёрлашади.

Тунги соат бирлар бўлиб қолган эди. Қекса ўқувчи ёш муаллими билан эндиғина хайрлашмоқчи бўлиб турганда колхоз комсомол комитетининг секретари Зубайдада кириб келди.

Улар яна чўк тушиб ўтиришди. Зубайданинг мақсади Темирхон отадан Отамурод тўғрисида гап сўраш эди.

— Қалай ота, Отамуродни комсомол аъзолигига қабул қилсак бўладими? — деди ўёқ-буёқдан гап айлантириб.

— Кечирасан, қизим,— чол ёшларга хос куюнчаклик билан,— менинг муаллимим Отамурод ҳалигача комсомол аъзоси эмасми?

— Навбатдаги мажлисда қабул қилмоқчимиз.

— Менинг фикримни бир тавсиянома ўрнида қабул қилаверинглар. Икки-уч тавсиянома ўрнида қабул қилсаларингиз ҳам янглишмайсизлар, қизим. Бу бола аллақачон комсомол бўлиши керак!

Зубайдада Темирхон отанинг гапларидан хурсанд бўлиб, унга ташаккур билдириди. Сўнг Отамурод иккаласи чол билан хайрлашиб чиқиб кетишиди.

собиқ ферма мудири Отахондангина на бирор хат ва на бирор хабар бор эди.

Гулим билан Аметларнинг фифони фалак. Ҳар куни почтальонни кўриб, унга алланечук адоват билан қарашади: гўё у буларга келган хатни жўрттага яшириб бермаётгандай туюларди. Бироқ бефайда...

Тунд ҳаво кечга яқин очилиб кетди. Шундай бўлса ҳам тун ўз номи била тун-да. Атроф жимжит. Осмон юлдузлари секин жимирилашиб, заиф зиё таратишади. Фир-ғир эсган тун шамоли қора толларнинг яланғоч новдаларини аста шитирлатади.

Тун сукунатини бузиб, кўздан қолган дайди итдай аллаким овул томон тимирскиланиб келарди. Оёқлари остида ўпқон кўргандай баъзида у бирдан тўхтаб ортга тисланади, баъзида эса хас-чўпларнинг шитирлашига қулоқ солиб тингшаниб туриб қолади. Ана, қўрқаписа овул ичига кирди. Гоҳ у, гоҳ бу ердан итлар ҳуриб чиқа бошлади. Бироқ уни кўргач, ўз зотига ҳамла қилиб, хижолатда қолгандай думларини ликиллатиб изларига қайтади. Унга эса ҳозир итларнинг хуриши ўёқда турсин, ҳатто ўзининг ҳарсиллаб-пишиллаб нафас олиши ҳам ёқмайди. Гоҳ чўкка тушиб ўтиради, гоҳ ўрнидан туриб, илгари юради. Гўё ҳар бир шарпа унинг грибонидан ҳикқа буғиб, ҳар бир қорайиб кўринган нарса унинг жонини олмоққа шай турган Аэроилдай ҳайбатли. Дуч келган нарсадан чўчииди. Колхоз овули ором уйқусида. Ана, у ниҳоят томига жўхори поя ғарам қилиб қўйилган жойга келиб тўхтади. Тумшуғини икки оёғи орасига олиб мудраб ётган қора кўппак ҳурпайган бошини даст кўтариб, вовиљлаганича унга ташланди.

— Тўрткўз! Танимаяпсанми?!

Тўрткўз товуш эгасини таниди, шекилли бошқа ҳурмади. Думини ликиллатиб, атрофида гир айланди. Қора шарпа уй деразаси ёнига келиб тўхтади. Қулоғини деразага тутиб, бир лаҳза тингшаниб турди. Уй ичи қоронғи, ҳеч нарса кўринмайди, бирор товуш ҳам эши-

тилмайди. «Нима бадо, бошқа жойга күчип кетишганми булар? Майли бир оз кутай-чи, шояд бирортаси ташқары чиқиб қолса...» деди қора шарпа ўзига далда бериб. Қейин яна бу фикридан қайтди: «Йўқ, вақт зик, бекор ўтказиш ярамайди». У битта-битта босиб яна дераза ёнига келди. Дераза ойнасига уч марта чертиб, сўнг эшик томон юрди. Эшик ёнидаги эски деворга суюниб, ичкаридан одам чиқишини кутди. Орадан бир оз фурсат ўтди. Натижа у ўйлагандай бўлиб чиқмади. «Нима қилиш керак? Тағин ойнани чертсамикин?» Яна дераза ёнига келди. Олдинги сафаргидаи унинг ойнасини уч марта чертди.

— Ким у?— деди ичкаридан аёл киши ҳадиксираган товуш билан.

Қора шарпа товушни таниб, оёқ учида аста юриб эшик томон ўтди. «Меҳмон-пехмон бўлмаса гўргайди...» Шу фикр кўнглидан ўтди-ю, оёқ-қўлларидан дармон кетгандай беҳол бўлиб қолди. Ўзини пичанхонага уриб, ювинди кутган тозидай эшикнинг очилишига кўз тикди. Аллавақтдан сўнг эшик очилди. Бошига бешмат ёпинган аёл киши чиқди. У бир лаҳза аланглаб тингшакиб турди: ҳеч ким йўқ. Дераза ёнига келди: «Ўнгимми, тушимми? Шўрим, қайнаб, жин чақирган бўлмасин тағин?!» Юрагини ҳовучлаб, қўра атрофини айланиб чиқди. Аммо яна ҳеч кимни кўрмади. Баттарроқ вахима босди. Ўзига дадиллик бериш учун йўталиб ҳам қўйди. Теварак-атрофга зеҳн солиб юлдузларга назар ташлади. Анов чўлпон юлдузи умр йўлдоши Отахон билан бир ёстиққа бош қўйган ўша унутилмас кечада ҳам худди шу ерда туарар эди. «Ҳозир ҳам ўша жойда турипти...»— кўнглидан ўтказди у. Қечалари бирор ёқдан келганда эри дераза ойнасини худди шундай уч марта чертиб чақиргувчи эди. «...Наҳотки эри бўлса?!» Эҳтимол ўшадир... Фронтга кетган эди-ку? Қаёқдан, қандай қилиб кела қолдийкин?

— Гулим!..

Гулим чўчиб кетди. У қалтираб эшилган товушнинг қаёқдан келаётганини билолмас эди. Бошидаги бешмати сирғаниб елкасига тушди. Юрагига ғоят яқин бу товуш жўхорипоя томондан эшилгандай туюлди. Ўша томон юрмоқчи бўлди. Тағин бошқа бирор бўлмасин, деб чўчиди.

— Кимсан? — Гулимнинг товуши қалтираб чиқди.

— Мен... мен... Гулим!

— Вой!.. — Гулимнинг юраги орқасига тортиб кетди. У нима қилишини билмай шошиб қолди. Аъзойи бадани алланечук титраб, ларзага келди. «Ўшанинг ўзига ўхшайди! Воажаб?!»

У товуш эшилган тарафга юрди.

Бошқа вақтларда ҳаммавақт тасир-тусур от ўйнатиб келадиган унинг эри бу сафар пичан ғарам ичидан шарпасиз астагина сирғилиб чиқиб келарди. Гулим энди уни аниқ таниди: ҳа эри! Лекин улар бир-бирларини яхши таниб туришган бўлишса ҳам нима учундир бири иккинчиси томон илгаригидай соғинч билан талпинмас эди. Аксинча, бири иккинчисидан чўчиб, ён-атрофларига ола-зарак қараб олишди. Улар дийдор кўришишга ташна бўлсалар ҳам қучоқ очиб кўришмади. Суйишиб сийлашмади.

— Уйда ким бор?

— Ҳеч ким.

— Амет қайдা?

— Ухлаб ётибди.

— Бошқа одам йўқми?

— Мендан гумонсираяпсизми?

— Мен сени жондан ортиқ кўраман, Гулим...

Алҳол бегона одам йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Гулимнинг қўлидан олиб, ичкари кирди.

— Чироқ ёқайми? — деди Гулим гугурт излаб.

— Керак эмас. Ҳозир кетаман. Фақат сизларнинг тинч-омонлигингизни билиб, сенинг ойдай ҳусну жамолингга бир тўйиб кетай, деб келдим.

Шундан кейин иккалалари ҳам ечинмасдан кийим-бошлари билан күрпага чўзилишди. Алламаҳалгача сўзлашиб, арзи ҳол изҳор қилишди...

— Аметни уйғотайлик, деди Гулім эри кетишга тардудланган чоғда.

— Ҳали гўдак, мени қўриши билан «ота» деб бақириб юборади. Эрталаб уйқудан тургандан ксийн ётиғи билан тушунтириб қўярсан. Бола яхши кўрган отасига садоқатли бўлсин. Шундай деб ўргат. Қани менга бир-иккита нон бер-чи...

Гулім қоронғида тимирскиланиб юриб дастурхонни қаерга қўйганини билолмади. Излади. Излашди. Охирида гугурт чақишига мажбур бўлди. Гулім гугуртии чақа солиб, эрининг башарасига кўз қири билан назар ташлади: унинг соқол-мўйловлари япроғи тўкилган қўй тикандай, юзлари қонсиз, озиб-тузиб кетган, уст-боши ҳам бир аҳволда...

— Бечорагина,— деб пичирлади, уни кузатиб қўйгандан кейин раҳми келиб.—Мени деб мажнуни гадо бўлиб юрипти-ку? Муҳаббат шу-да. Кишини ўтдан чўққа солади. Минг балоларга гирифтор қиласиди. Лаънати Гитлер, қанчадан-қанча одамларни сарсону саргардон қилиб, жаҳаннам азобига солмадинг. Сени ҳам худо ўзи балога гирифтор қилиб, миянгда мис қайнатсайди...

## 8

---

Бугун дам олиш куни. Бироқ ҳеч ким дам олаётгани йўқ. Катта-кичик ҳаммаси ишда.

Қўёш ярқираб ўзининг заррин нурлари билан ер-жонни тўлдириб турса ҳам бугунги совуқ кечагидан қаттиқроқ. Қор деярли эриб битган, фақат буталар остида, жар ёқаларида, уйларнинг кунга терскай томонларида сўнгги қор ўюмлари эски паҳтадай оқариб кўзга ташланиди. Шундай эса-да, қора совуқ қақшатиб изғийди.

Аммо бирорта колхозчи ўзини панага олиб совуқдағ  
қочгани йўқ. Ҳамма ёпласига ишда. Ота-оналари билан  
бирга ишга чиққан ўқувчи болалар ҳам тиним бил-  
майди. Бири белкурак билан, бириси кетмон билан  
ариқ тозалайди, ўқ ариқ олади. Ерларни текислаб баҳор-  
ги мавсумга тайёрлайди. Улар совуқни писанд этишмайди,  
аксинча, манглайларидан шариллаб тер қуйилади.  
Енглари билан сидириб артиб қўйишади. Айниқса,  
анов тракторчи аёлни айтсангизчи, қўллари рулга ёпи-  
шиб қолмаганига ҳайрон бўласан киши. Қўлида руль,  
орзида қўшиқ. Қўшиғи фронтга кетган йигитларнинг  
аллақайсисига бағишлиланган: муҳаббат, соғинч, садоқат  
улуғланади унда. «Қандай довюрак қиз-а!» деб қўяди  
кексалар ҳайрат билан у томон имо қилишиб. Ўразгул  
янга учун трактор овунчоқ, далада, мададкор. Унинг ёни-  
да бўлса худди эрии инг ёнида юргандай ўзини бардам  
ҳис этади. Шунинг у үн унга сув ташувчи бўлиб олган.  
Челакларга сув тўлдириб, унинг ортидан югуради. Ат-  
рофида парвона бўлади. Пешоналаридан қуиилиб шув-  
шув тер оқади.

Болаларнинг куч-ғайрати оламга сиғмайди. Айниқса,  
Елесинни кўрсангиз, ҳеч кимга қарамай ишлайди. Сер-  
жон, Аметларни аллақачон орқада қолдириб кетган.

Ҳамма фронт учун, фронтдаги жангчилар учун жон  
олиб, жон бераяпти.

Фақат Гулимгина алланечук бошқача. У совуқдан  
қотган қўлларини куҳ-куҳлаб, Ўразгул янгага:

— Саратоннинг сариқ кунида туғилганми, нима ба-  
ло?— деб ҳўнфиллаб қўяди, унинг совуқни писанд қил-  
май енгларини шимириб олганини кўриб энсаси қо-  
тади.

Унинг ёнида бирга ишлаётган Ойгул опа қаддини  
ростлаб, унга қарайди.

— Кимни айтаяпсан?

— Ўразгулни-да!

— Юрагида ўти бор унинг, ғайрати ичига сиғмайди.

Ҳамма сен бўптими? Бу гаплар албатта Гулумга ёқмайди. Тўрсайиб терс ўгирилади.

Ўразгул янга ишдан бош кўтариб, қўлларини «уф-уф»лаб турган Сержонга кўзи тушди: «Ойисининг сўзларини қулоғига олмай юрганини қара?» деди ўзига ўзи ва ўғлиниг тенгқур ўртоғи бўлгани учун унга ётири билан тушунтироқчи бўлди:

— Сержон, чироғим! — деди у олисдан туриб,— шунақа, совқотиб бекор уф-уфлаб турганинг нимаси? Тез-тез ишла, исиб кетасан!

Ўразгул янганинг сўзларини бошқалар ҳам қувватлади:

— Холанг тўғри айтаяпти, Сержон!

— Ишламасанг тўнгигб қоласан!..

Фақат Гулумгина индамади.

Сержон кимга айтаяпсан, демасдан гулхан ёқиш учун ўтин чўп йига бошлади. Ёнига Аметни чақирди. Бу Аметга хуш ёқди. Сержоннинг айтганини қилиб, ўтин териб келди. Гулхан ёқилди. Бироқ гулхан атрофига иккаласидан бошқа ҳеч ким яқинлашмади. Кекса бригадир тракторга ёқилғи олиб келиб, эндигина аравадан тушаётган эди. Буруқсиб ётган тутунни кўрди-ю, ёнига ҳаллослаб етиб келди.

— Ҳов, болалар, нима қиляпсизлар?

— Ут ёқаяпмиз! — деди Сержон парво қилмай гулханни кавлаштириб.

Амет кўз қири билан бригадирга бир қараб қўйдида, ўзини четроққа олди. У анов куни кечаси отасининг уйга келиб-кетганини эрта-азонда онасидан эшиштан, шундан бери ўзидан-ўзи ҳадиксираб камсўз, камсухан бўлиб қолган эди.

— Агар,— деди ойиси ўшанда ҳамма гапни айтиб бўлгач унга пўписа қилиб,— бировга тиш ёрсанг, кўпчилик ўртасида бу сирни очиб қўядиган бўлсанг, менинг болам, отангни ўғли эмассан. Ғалва-жанжалли ишлардан ўзингни четга ол.

— Ёш бола эмасман,— деди Амет ҳам ўшанда гапни чўзиб ўтирулай, қисқа қилиб. Ҳозир шу галлар эсига тушди-ю, дарҳол ўзини четга олди.

— Ҳамма куйиб-пишиб ишлайти. Сизлар совет мактабининг ўқувчилари эса,— бригадир кейинги сўзларни алоҳида таъкидлади,— бошқаларга намуна бўлиш ўрнига..

— Утағаси,— деб бригадирнинг сўзини бўлди Сержон,— бизнинг ўқувчи эканлигимиз билан ишингиз бўлмасин. Гулхан масаласига келсак, совқотиб кетдик.

Бригадир Сержоннинг феълини илгаридан яхши билса-да, ҳозир қилган ишини маъқул кўрмади. Жаҳли чиқди.

— Хўш, бўлмаса айтинг-чи, бошқалардан қаерингиз ортиқ сизларнинг?

— Ҳар кимнинг ўз совуғи ўз олдида бўлади деб эшитгандим, ёлғон экан-да, бўлмасам!

— Ёлғон! Шуям гап бўлдими?— деди бригадир баттар жаҳли чиқиб.— Бу дангаса-ялқовларнинг эски мулла эшонларнинг гапи! Агарда манов болаларга ўхшаб ишласаларингиз, мана бундақанги изгирин совуқ ўёқда турсин, ҳатто унинг акаси бўрон ҳам олдингизга яқин йўлай олмайди.

Амет ерга қараб минғирлади:

— Звено бошлиғининг боласи «ўт ёқамиз» дегандан кейин...

Буни Сержон эшитмади.

Бригадир апил-тапил ўтни ўчирди-да, араваси томон ошиқди.

— Ана, агитатор келяпти,— деди шу пайт бир колхозчи.

Амет буни эшитди-ю, кўзлари қинидан чиққудай бўлди. Дарҳол кетмонига ёпишди. Сержон эса қилт этмали. Аксинча, баттарроқ терсайиб олди.

Бу агитатор деганлари бошқалар билан баравар меҳнат қилиб, айни вақтда тушунтириш ишларини олиб борадиган Отамуроднинг ўзи эди. У кечак кечқурун ком-

сомолга кириш учун район комсомол комитетининг бюро мажлисига кетган, ҳозир ўша ердан қайтиб келар эди. Гўё шуни кутиб тургандай, унинг далада қораси кўриниши билан тушлик овқатга занг чалинди.

Ҳамма маданий дам олиш жойи — шийпон томон йўл олди. Илгари шийпон совуқ эди. Ҳозир унчали совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас. Фақат меъёрига етказиб пиширилган жўхори гўжанинг оқиш, тотли ҳовуригиниа димоғларни аста қитиғлаб, иштаҳа очади.

— Қани, Отамурод, болам,— деди Темирхон ота ҳамма овқатга ўтирган чоғда,— айт-чи, комсомолга ўтдингми?

— Утдим, ота!

— Қутлуғ бўлсин, бўлмасам!

Отанинг тилагига бошқалар ҳам қўшилди.

— Қутлуғ бўлсин!

— Қутлуғ бўлсин!.. Учовингиз ҳам ўтдингизми?

— Учаламиз ҳам ўтдик. Улар ўз бригадаларига кетишиди.

— Офарин, офарин! Мана бу ўта яхши иш бўлги. Қани, энди нима янгиликлар бор? Ана шундан гапир!— Темирхон отакинг ёш комсомол аъзосидан нимани илтинос қилаётгани барчага тушунарли эди. Шу туфайли бир зумда ҳаммаёқ сув сепгандай, жим бўлиб қолди.

Отамурод ўртага ўтиб, қўйнидан «Қизил Қорақалпоғистон» газетасини ва яна аллақандай кичик китобчани олди. Аммо уларни ўқиб ўтирамади. Бир қараб қўйди-да, сўнг ютиниб олиб сўз бошлиди:

— Қирғин жанглар давом этмоқда. Бизнинг қўшинларимиз Москва облатидаги Верея, Смоленск облатидаги Кондрова шаҳарларини ёвдан озод қилди. Душманнинг 15 самолёти, 5 танки, ўн тўрт автомашинаси..., яксоң қилинди.

Ғалабалар тилга олина бошлаганда колхозчилар ҳар сафар шодлигидан қарсак чалиб юборар эди. «Қоғил», «Офарин азаматлар!» деб қўйишишар эди.

Боядан бери тингламай ўтирганиди ё тингласа ҳам чала эшиздими, Отамурод сўзининг охирида, биздан олти самолёт қайтиб келмаганини айтганида Амет нима учундир «ура» деб чапак чалиб юборди. Колхозчилар қаҳрли нигоҳига дуч келгандан сўнггина ўзининг қовун тушириб қўйганини сезди. Киргани ковак тополмай, пилдирпис бўлиб қолди. Онаси номусдан ўлиб бўлди, остки лабларини қаттиқ тишлаб, қонатиб юбораёзди.

Аммо Амет бундан бехабар эди.

Тушлик овқат тугади. Қўёнгироқ чалиниб, ҳамма ўрнидан қўзғалди. Амет думи қисиқ кучукдай кўпчиликка қўшилолмай бир четда, ночор-ноқулай юрди.

Шаҳардан пиёда келиб чарчаган бўлишига қарамай, Отамурод белкуракни қўлига олиб кеча чала қолдириб кетган ишини давом эттиришга киришди.

## 9

Мактаб директори Тажен оға Изимбетов ўрта бўй, қораҷадан келган, қотма юз, ориқ киши бўлгани билан турган-битгани пай, сўзларни тўппончадан отгандай тарсиллатиб, никтаб гапирар, сира тиниб-тинчимас эди. Бир қарасанг мактабда, бир қарасанг далада, кечқурунлари эса мажлисда, колхоз идорасида аллақандай ёзув-чизув ишларини қилиб, тун яримдан оққанда бухгалтер билан бирга уйга қайтарди. Урушгача бирор уни унча хушкўрмас эди. Энди бўлса у ҳамманинг оғзида, ҳамма суйиб гапиради. Тиниб-тинчимаслигини меҳнатсеварлигини мақташади. Ишининг кўплигиданми ё ўзи вақт-соати етганми, ҳайтовур, қоп-қора сочи сўнгги ярим йил ичидаги қордай оқариб кетди.

Мана, ҳозир у ўз хонасида бошини икки қўли орасига олганича, чуқур ўйга чўмиб ўтирибди.

Эшик тақиллади.

— Киринглар! — деди ҳушёр тортиб.

Отамурод, Гулойша, Қолбойлар кирди.

Директор уларнинг ҳар бирини синовчан назар билан бир-бир кўздан кечириб чиқди-да, кейин ўтиришга рухсат берди.

Сўзларида доим оталик меҳри товланиб турадиган бу одамнинг насиҳатларини кўп эшишишган улар. Шу туфайли унинг амрига бўйсунишиб, итоаткорлик билан ишора қилинган жойга ўтиб жимгина ўтиришиди.

— Учовингизни ҳам комсомол сафига ўтганингиз билан қутлайман,— деб гап бошлади Тажен оға Изимбетов,— бу сизларнинг ҳаёт йўлингиздаги энг муҳим имтиҳонлардан биттаси ва энг каттаси. Фақат сизгина эмас, балки «7-ноябрь» номи билан айтиладиган мана шу қадрдан мактабимиз тарихида ҳам жуда катта воқеа. Биринчи бўлиб сизлар...

Тажен оға кейин мана шу «воқеани» уларга тушунитира кетди. Мактаб ҳақида, уни очишдаги қийинчиликлар ҳақида сўзлади.

Илгари бу бошланғич мактаб эди. Ўқувчилар бешинчи синфи тугатгандаридан сўнг, қўшни колхоздаги ўн йиллик мактабга қатнаб ўқишишар эди. Бу йилдан бошлаб у етти йилликка айлантирилди.

Мабодо оқсоқоллар орасида мактаб тўғрисида гап очилгундай бўлиб қолса, бунда Тажен оға Изимбетовнинг хизмати жуда катта бўлганини ифтихор билан тилга олишади: «Ўшанинг ҳаракати билан бўлди», дейишади.

Тажен оға ташаббусни, биринчиликни ёқтиради. Ҳозирги сўзида ҳам бунга алоҳида маъно бериб гапирди.

Болалар ҳам унинг сўзларини мароқ билан тинглашди: биринчи бўлиш яхши-да, албатта.

Отамурод директорнинг сўзларини айниқса алоҳида иштиёқ билан эшилди, кўнглидан: «Боёқишининг соchlари бизни деб оқарган-ку, бизга ўхшаган ёшларни одам қиласман деб, жонини ҳам аямайди. Қандай меҳридаре,

қандай соғдил, яхши ният, пок одам. Ҳаммага бирдай, ҳамма билан гаплашиш учун вақт топади», деган сўзлар ўтди. Сўнг дилидагини тилига чиқариб деди:

— Раҳмат, Тажен оға! Бу ишда сизнинг ҳиссангиз кўп.

Директор унинг мақтов сўзларини унча хуш кўрмаса ҳам, кўнглини қолдирмаслик учун индамади, столнинг тортмасидан учбурчакли бир конверт олди:

— Фронтга кетган ўқувчимдан.

— Илтимос, ўқиб беринг,— деди Гулойша.

Отамурод ҳам унга қўшилди.

— Ҳа, Тажен оға, биз ҳам илтимос қиласиз, ўқиб бера қолинг.

Тажен оға болаларнинг сўзларини ерда қолдиргиси келмади. Аста, бир оз толиққан товуш билан хатни ўқишга тушди.

Хат муаллифи «қимматли устози»га ўзининг фронтда қўлга киритган жанг ютуғларидан ҳикоя қиласар, «буларнинг ҳаммаси сиз туфайли» деб, унга ҳад-ҳисобениз миннатдорчиликлар изҳор этар эди.

Хат болаларнинг руҳига кучли таъсир қилди. Улар ҳам фронтдан келган хат эгасидай бўлишни орзу қилиб, ўринларидан қўзғалиб қўйишиди.

— Болаларим,— деди директор кўзойнагини хиёл кўтариб олгач,— энди мактабимизнинг бугунги аҳволига келайлик

Қолбой билан Гулойша Изимбетовнинг нима демокчи бўлганини тушунолмагандай Отамуродга қараб олишиди.

Изимбетов тўхталмасдан сўзида давом этди.

— Энди мактаб дирекциясига, ҳатто колоҳоз правлениясиға ҳам қандай ёрдам бераман десангиз, чоғингиз келади. Кучларингиз етади. Уставга кўра, энди биз ҳам мактабда бошланғич комсомол ташкилоти тузишимиз зарур. Бугун район комсомол комитетидан менга телефон қилишди. Мактаб комсомоллари бошланғич ташки-

лотининг секретарини сайлаш кераклигини айтишиди. Сайлов мажлисини ўтказишимиз керак. Ҳозир шу мажлисни бошлаймиз. Кимда қандай таклиф бор.— Бўлмаса мажлисни очиқ деб, эълон қиласан. Ҳўш, ким сўзлайди?

Мажлис дабдурустдан бошлангани учунми, болалар шошиб қолишиди. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Қолбой, иним,— Изимбетов стол четида ўтирган болага юзланди. Изимбетовнинг одати ўзи шунаقا — қайси бир ўқувчига мурожаат қиласин ё «иним», ё «қароғим» деб сўз бошлар эди. Директорнинг бундай самимият билан мурожаат қилганини кўрган ҳар бир ўқувчининг дарҳол унга нисбатан ҳурмати ошиб, меҳри товланиб кетарди. Ҳозир ҳам у шундай қилди. Бироқ бу мурожаат Қолбойнинг кўнглига қўл солиш эди.— Менинг таклифимга сен қандай қарайсан?

Қолбой нима деб жавоб беришни билмай, қизариб кетди. Беихтиёр ўртоқларига қаради. Ниҳоят:

— Маъқуллайман! — дея олди.

## 10

Амет синфдаги болалар ичида унчалик ёмон ўқийдиганлардан эмас, шунингдек инжиқ ҳам, Сержонга ўхшаган тутган жойидан кесасан деб турадиган қайсар ҳам эмас эди. Бироқ отасининг фронтга кетмай овул атрофида қочиб юриши уни ўзини-ўзи тушунолмайдиган ғалати бир аҳволга солиб қўйди. У ҳеч кимга қўшилмас, ўқишининг ҳам тобора мазаси қочиб бораради. Колхоз ишига ҳам астойдил аралашолмасди. Ҳафтасига бир марта ўқишга ҳам, ишга ҳам бормасдан «касал» бўлиб қоладиган одат чиқариб олди. Яна қизиги шундаки, бу «касаллик» куни ҳафта сайин ўзгариб турарди: ё ҳафтанинг биринчи, ё тўртинчи ва ё олтинчи кунга кўчириларди.

Уша «касал» бўлган кунлари ўқувчилар мактабга, катталар далага кетиб, овулда ҳеч ким қолмаган пайтни пойлаб, онаси тугиб берган тугунчакни қўлтиқقا урадида, зипиллаганича тўқайга йўртиб қоларди.

Тугунчакда нон, ош, картошка, тухум ва шунга ўхшаш егулик, мева-чевалар бўларди. Отаси фермада ишлаб юрган пайтларда уни ўзи билан бирга тез-тез тўқай, яйловларга олиб бориб турар, шу боисдан овул атрофидаги тўқай йўллари унга жуда яхши таниш эди. Онаси тўқайдаги бирор тўрангини тайинлаб айтса, у ўша тўрангини топиб борар, қўлидаги тугунчакни унинг тагига қўйиб, секин изига қайтарди. Амет бу тугунчакни қоюқ отасига атаб юборилганлигини, у қўйиб кетгандан кейин отаси келиб, уни олишини билса ҳам бироқ шу кунгача уни бирор марта ҳам ўз кўзи билан кўрмаган эди.

Мана бугун ҳам ана шу вазифасини адо этиш учун яна «касал» бўлиб қолди. Лекин бу сафар у отасичи ўз кўзи билан кўриб келишга қасд қилди. Тугунчакни онаси тайинлаган бир туп баланд жинғил остига яшириди-ю, ўзи ҳам қимир этмай ўтираверди. Олисда жинғиллар орасидан кузатиб турган отаси унинг ниятини тушундими ё ўзининг ҳам ўғли билан кўришиб, гаплашгиси келдими, ҳайтовур, бирор қараб турмаяптимикин деган хавотирда уёқ-буёққа аланг-жаранг қараб олдида, ҳеч ким йўқлигига обдан ишонч ҳосил қилгач, тулкисимон битта-битта қадам босиб унга яқинлашди.

— Аметжон, ўғлим, мени соғиндингми?

Амет отасининг товушини таниб, у томон ўгирилди. Сўнг бирдан кетга шох ташлаб қочди.

— Ҳа, ўғлим, сенга нима бўлди, унақа қўрқоқ болалардан эмас эдинг-ку?

Амет ўн қадамча нарига бориб яна отасига ёввойи қарап қилди. Уни ҳадеганда таниёлмади. Соч-соқоллари ўсиб, афсоналардаги ёввойи одамларга, китобларда

суратини кўрган шимпанзенинг худди ўзгинасига ўхшаб кетибди. Фақат кўзларигина йилтираб кўринарди.

— Кел, ўғлим, бирга овқатлашайлик.

Амет охири бу ёввойи одамнинг ўз отаси эканлигига ишонди чамаси, кўрқа-писа унга яқинлашди. Отаси савачўпдай ингичка бармоқлари билан Аметнинг бошлирини силаб-сийпалаб бағрига босди. Унинг димоғига ёмғирда қолган пўстак ҳидига ўхшаш алланечук қўланса бадбўй урилди...

— Хафа бўлма, ўғлим, ҳозирги боришида немислар енгади. Ўшангача ўлмағдан етиб олсан, улар мени бутун дунёга достон қилиб мақташади.

Одамларнинг гап-сўзлари, газеталарнинг ёзиши, радио хабарларига фронтдаги йигитларнинг ёзган хатларига қараганда немисларнинг енгилмасликлари, енголмасликлари Аметга аён эди. Аммо отасини ёлғончи қилгиси келмади, шекилли, индамади. Бошларини силаётган бармоқлари совуқ бўлса ҳам нима учундир унга хушёқар эди. Шундай бўлса-да, фронтга кетган йигитларнинг салобатли қиёфалари билан манов отасининг ёввойи нусха сиёқи ўртасидаги тафовут унинг ичига оташ солмай қўймас эди. Отаси буни дарров сезди.

— Сабр-бардошли бўл, ўғлим,— деди у Аметга,— ичингдан ўтганини бирор билмасин. Сир сақлашни ўрган. Шунда баҳтли бўласан. Хўп энди, хайр, ойингга салом айт.

У ўғлининг кетишини кутиб ўтирумай, тугунчакни қўлтиғига қисди-да, сувга шўнғиган айиқдай қалин тўқай ичига кириб кўздан фойиб бўлди.

Аметга унинг билан кўришмай, овлул атрофида эканини билиб юравергани ўзи маъқул экан. Мана энди уни кўрди-ю, гўё жон олғувчи азроилга тасодифан дуч келиб қолгандай бўлди-қўйди. Баданлари жимирилаб, вужудини қалтироқ босди, битмас-туганмас қайғу ва аламлар юкини орқалаб қайтди.

Елғон ростга айланиб, унинг чиндан ҳам мазаси қочди, уйда ётиб қолди. Бир вақт уйнинг эшиги тарақ-лаб очилди-да, худди бирор ташқаридан итариб юборгандай ичкарига отилиб Сержон кирди.

— Ҳа, намунча? Уйгаям шунақа кирадими? — деди Аметнинг жаҳли чиқиб, у ўрнидан қўзғалмади.

— Нима, капалагинг учиб кетдими?

— Гап унда эмас. Агар эшик орқасида бирорта кичкина бола турган бўлса, нақ бошини ёрадинг-ку.

— Ўзингнинг бошинг омон бўлгач, жўн ётавермайсанми, хумлар!

— Жўн ётмай сени чақириб келдимми? — деди Амет каравотдан иргиб тушиб.

— Эй, шўрпешана,— деди Сержон.— Нега бугун ўқишига бормадинг? Янгиликларни эшитиб қўй: Отамуроднинг комсомол секретари бўлганини айтайин десам...

Унинг айтган янгиликлари Аметга ёқмади. У яна бориб каравотига чўзилиб ётди.

— Тўғрисини айт.

— Эй, тўғрисини айт деганинг нимаси? — деди Сержон жаҳли чиқиб, сўнг ияги остига келиб,— мана сенга тўғриси,— деди-да, Аметнинг қулоқ-чаккасига шапалоқ билан тарсиллатиб қўйиб юборди.

Амет ҳам бўш келмади. Шапалогига шапалоқ билан жавоб қайтарди. Зум ўтмай уй ичи тасир-тусур, гулдургупга тўлиб кетди: икки дўст жиққа-мушт бўлишди.

Яхшики, Гулим вақтида келиб қолди, йўқса чироқ пачоқ бўлиб, печка афдарилиб тушиши аниқ эди.

Сержон Гулимга кўзи тушди-ю, орқа-кетига қарамай, ўша заҳоти ўзини эшикка урди. Зипиллаб чиқиб кетди. Аметнинг бурни қип-қизил қон эди. Гулим унга дакки берди.

— Ўзинг тенги боладан таёқ егунча...

Амет бир оғиз ҳам сўзламади. Оғиз-бурнини ювиб келиб, яна индамай келиб каравотига ётиб олди.

Кечка томон Темирхон ота кириб келди. Гулим унча хушкўрмаса-да:

— Ҳов,— деб унинг истиқболига чиқди,— қани, қайноға, юқорига.

Темирхон ота ён томондаги тўшакка чиқиб чордана қурди.

— Қалай, келин, саломат ўтирипсизларми?

— Шукур,— деди Гулим, сўнг дастурхон ёзишга тараддулланди. Темирхон ота дастурхонга парво қилмай, қўйнидан учбурчакли конверт чиқариб Аметга узатди.

— Қани, товуш чиқариб ўқи-чи, болам!

Аметнинг авзойи ўзгарди. Конвертни қўлига олиб, товуш чиқармай бир карра кўздан ўтказиб чиққандан кейингина асли ҳолига қайтиб, бошдан бошлаб ўқишга киришди.

«Софинчилик салом!»

Темирхон ота бутун вужудини қулоққа айлантириб, миқ этмай тинглай бошлади... «Ота, мен тўп командири Александров билан бирга душман танкини нишонга олдим. Шу йўсин танкни тўхтатдик-да, унинг замбарагини ёвнинг ўзига қаратдик...»

— Тилингдан... кучингдан, командирингдан айланай, чироғим!— деб қўйди Темирхон ота дил-дилидан қувониб.

Амет хатни ўқиб бўлиб, лоқайд бир қиёфада Темирхон отага қайтариб берди. Яна бошқа ғалабалар тўғрисида ҳам битилган бўлса керак деган умидлар билан ўтирган қария, Аметга анграйганча қараб қолди.

— Бори шуми?

— Бори шу! Бўлса ўқимайманми?— дели Амет жаҳли чиқиб. Темирхон ота бирданига Аметнинг жаҳли чиқиб кетганига ҳайрон бўлса-да, лекин хафа бўлмади. Бунга аҳамият ҳам бермади.

— Отахоннинг адресини берсанглар, ўғлим Тўрахонга жўнатиб юборардим,— деди қария инқиллаб ёрнидан туришга тараддулланар экан.

— Қайноға, ундан хат келса, ўзимоқ манов болан-гиздан ғириллатиб жүнатаман...

Гулимнинг мужмал жавобидан унча қаноат ҳосил қилмаса ҳам Темирхон ота базур ўрнидан турди.

Темирхон ота чиқиб кетгач, Гулим дарҳол ўғлиниң бош-кўзини силаб-сийпалашга, эри Отахоннинг ҳол-аҳволини сўраб билишга шошилди. Серジョンга ўхшаб қайсарлик қилишидан ҳеч қанақа фойда йўқлигини айтиб насиҳатлар қилишга тушди.

## 11

«7-ноябрь» колхози билан район маркази ўртасидаги масофа тахминан ўттиз чақирим атрофида. Шу туфайли почтальон газета ва хат-хабарларни икки-уч кунда бир мартаба олиб келар эди.

Мактабда сўнгги дарснинг тугаганлигидан дарак берувчи қўнғироқ чалинса-да, Отамурод ошиқмай ҳаммадан кейин чиқди. Почтальонни кўриб тўхтади. Почтальонни бир тўда болалар ўраб олишган, ем талашган қўзичноқлардай бир-бирларини итаришиб, суриниб унга томон қўл чўзишар, «Менга беринг, амаки!», «Акамдан икки ойдан бери хат олмаяпмиш, нега ёэмайди?» деб чу-турлашар эди.

Отамурод ҳам уларга қўшилди. Отасидан хат келган-келмаганини билиш ниятида болаларнинг орқасидан келди-да, шовқин босилишини кутди.

— Уртоқ секретарь!

Отамурод товуш эшитилган ёқса ўгирилди. Зубайдада экан. От миниб олибди. Зубайданинг «Секретарь» деб чақиргани хушёқди, шекилли, у мийигида кулиб қўйди. Кейин азамат йигитлардай залворли қадамлар ташлаб, унга яқинлашди. Қўл олиб кўришди.

— Ишим шошилинч. Чорвага кетяпман,— деди Зубайда.— Ма, манов газетани ол. Унда мурожаатнома босилибди. Шуни сенга бериб ўтай, деб буёқса юрдим.

Район комсомол комитети атайлаб бериб юборди. Биз колхозда эртага ишлаб чиқамиз. Унгача сизлар...

У қандай тез келган бўлса, шундай тез жўнаб кетди. Отамурод газетани олиб, уёқ-буёғини кўрди.

Газетанинг биринчи бетида «Қизил Армиянинг 24 йиллик байрамини муносиб кутиб олайлик» деган чақириқ, унинг остида эса Москва автозаводи комсомол-ёшлигининг мурожаатномасини муҳокама қилишга боғишлаб, Тошкент ёшлари томонидан ўтказилган митинг ҳисоботи ва бу митингда қабул қилинган мурожаатнома босилган эди. У турган жойидан жилмасданоқ мурожаатнома билан танишиб чиқди. Фикри-ёди мурожаатнома билан банд бўлгани учун бўлса керак, почтальоннинг жўнаб, болаларнинг тарқаб кетганини ҳам сезмай қолди.

«Директор билан маслаҳатлашиш керак», деб Отамурод яна изига қайтди.

Тажен оға ҳар куни дарслар тугаши билан уйга кириб, чала-чулпа овқатланарди-да, кейин колхоз идораси томон йўл олар эди. Бугун ҳам худди шундай йўлга чиққан пайтда Отамурод тез-тез юриб, унинг орқасидан етиб олди.

— Ҳа, Отамурод,— деди директор қадамларини секинлатиб,— тинчликими?

— Тинчлилик!— деди Отамурод, кейин газетани кўрсатиб, мурожаатномани айтди:

— Қани, бошдан бошлаб ўқи-чи?

Улар тўхтамай йўлда давом этишди. Отамурод ўқишига тушди:

«Қизил Армиянинг 24 йиллик байрамини муносиб кутиб олайлик!.. Азиз москваликлар!.. Бизни, Тошкент ёшларини қаҳрамон шаҳар — Москвадан Ватанимиз юрагидаги мингларча километрлик йўл ажратиб туради...»

Тажен оға бирдан тўхтади. Бутун вужудини қулоққа айлантириди. Отамурод худди синфдаги сингари тик

туриб, мурожаатноманинг битта ҳам сўзини тушириб қолдирмасдан ўқиб чиқди.

— Сенинг фикринг қандай?

— Агар тўғри йўл бўлса, Қорақалпоғистон Москвага Тошкентдан ҳам яқинроқ,— деди Отамурод.

— Вақти келиб тўғри йўл ҳам бўлади. Сен манов мурожаатнома хусусидаги ўз фикрингни айт.

— Ўқувчилар ўртасида ишлаб чиқишимиз керак. Шундай қилиб, темир-терсаклар тўплаш ишини бошлаб юборамиз, ҳеч қанақа иш ҳақи олмай ўқувчиларни икки кун ишлаб беришга даъват этамиз.

— Маъқул!— деди директор.— Қолбой билан Гулойшани топиб, даставвал ўзларингиз бир қарорга келиб олинглар. Эртага мактабнинг умум мажлисини ўтказамиз. Мажлисни ўзинг бошқарасан.

Директорнинг маслаҳати ва билдирган ишончи уни фоят руҳлантириб юборди.

Тажен оға билан хайрлашгандан кейин, унинг маслаҳатини ўрнига қўйиш учун аввал Қолбой, сўнг Гулойшанинг олдига борди. Улар билан келишиб, маслаҳатни бир жойга қўйиб олгандан кейингина тушлик овқат қилиш учун уйга кетди.

Бироқ газетада босилган мурожаатноманинг мана бу сатрлари унинг кўз ўнгидан сира нари кетмай туриб олди: «Раҳнамомиз барча ғалабаларнинг илҳомчиси — Ленин партияси бизнинг олдимизга буюк вазифалар қўйди: биз фронт учун борган сари кўпроқ қурол-аслаҳалар, самолётлар, танклар, танкка қарши отадиган тўплар, минамётлар, ўқ-дорилар, шунингдек ғалла, гўшт, саноат моллари етказиб беришимиз керак. Биз вазифани сўзсиз бажарамиз...

Немис босқинчилариға ўлим!»

Куни кеча Гулойша ҳам ўз нутқини шундай сўзлар билан тугатган эди.

«Гулойша, Гулойша!» Энди унинг хаёlinи шу қиз банд этди. Кўз олдида Гулойшанинг ёқимтой чеҳраси намоён бўлди.

— Шошмай тур, Гулойша, ҳадемай мен ҳам катта йигит бўлиб қоламан,— деб пичирлаб қўйди. Ўрнидан туриб, ойна ёнига борди. Ойнада ўз аксини кўриб, жилмайиб кулди, кулди-ю, тагин бирортаси қараб турган бўлмасин деган ҳадик билан ён-атрофига қаради. Ҳечким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, шодон ташқарига йўл олди...

## 12

Тажен оғанинг жуда яхши бир одати бор: бирор кишига иш буюrsa, ўз ақл-фаросати билан бажарсин учун унинг ўз ҳолига ташлаб, имконият яратиб қўяди. Ўқувчиларни ҳам шунга ўргатган. Отамуродга нисбатан ҳам худди шундай йўл тутди. Шу туфайли мактаб ўқувчилари билан мажлис ўтказиш ишига ўз синф раҳбарларини ҳам бошقا синф раҳбарларини ҳам аралаштирамади. Шундоқ ҳам уларнинг ишлари бошларидан ошиб ётибди. Эрталаб мактабга келиб, дарс беришади, дарслари тугаши билан колхоз бригадаларига бўлиниб кетишади, колхозчиларни сўнгги янгиликлар билан таништиришади, тракторчиларга ёрдамлашишади, табеллар ёзишади. «Жанговар варақа»лар чиқаришади ва ҳоказо, ҳоказо. Шундай бўлгандан кейин...

Отамуродга мажлисни ўтказиш инон-ихтиёри бутунлай бериб қўйилган бўлса ҳам, ҳайтовур, 7-синф раҳбари билан директорнинг ўз президиумга чиқиб ўтиришди.

Бироқ ҳеч бири унга йўл-йўриқ кўрсатиб ақл ўргатмади.

«Мурожаатнома»ни Гулойша ўқиди. Биринчи бўлиб Қолбой сўзга чиқди. Шундан кейин иш ўзидан-ўзи юришиб кетди.

Мажлис охирида Қизил Армия учун икки кун бепул ишлаб беришга ҳамма яқдиллик билан қўл кўтариб, қарор қабул қилинди.

Фақат яна Сержон билан Аметгина қўл кўтармай,

кўпчиликдан ажралиб қолди. Буни Отамуроддан бошқа ҳеч ким сезгани йўқ. Отамурод уларга «нега ундаи қилдинглар?» деб ўтиргади. Бундай қилса, мажлис руҳига путур етадигандай туюлди. Шу туфайли мажлисни ёпа қолди.

Директор билан синф раҳбари мажлисни яхши олиб бординг, деб уни табриклади. Қейин хотиржам ўз ишларига жўнаб кетишди. Отамурод ҳаммадан кейин Амет билан Сержонларни олиб қолди. У Амет билан Сержонларнинг иккови икки олам эканини яхши биларди. Шунинг учун бугун уларни атайлаб «тил бириктириб олишган» деб ўйлади ва яккама-якка гаплашиб олмоқчи бўлди.

Олдин Амет кирди.

— Қани, айт-чи, Амет! Нима, сен мурожаатномани тушунмадингми?

Юзи кузги япроқдай сўлғин Амет миқ этмай тураверди.

Аметдан садо чиқмади.

Отамурод ўрнидан туриб, унинг ёнига келди:

— Гаранг бўлиб қолганмисан?

Амет оғир хўрсиниб бошини юқори кўтарди.

— Ҳар бир ўқувчининг ихтиёри ўзида деган эдинг-ку?

— Нимага?

— Шанбаликда ишлаш ё ишламасликка?

Дарҳақиқат мажлисда шундай гаплар айтилган эди.

Отамурод ўйланиб қолди. Яна жойига бориб ўтиrdi.

— Ихтиёрийликка ихтиёри, бу тўғри...

— Шундай экан мен ишламайман!

— Сабаб?

Амет тумшайиб, яна ерга қараб олди.

— Қулоқ сол! — деди Отамурод товуши қалтираб. У яна ўрнидан турди. Қовоқларини уюб, муштумларини уйди, ҳайбат билан Аметнинг ёнига келди.— Агар ишламайдиган бўлсанг, кўрасан. Ҳа, мен сенга кўрсатиб қўяман.

Амет яна гапни айлантириб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган эди, аммо Отамуроднинг сўнгги сўзидан кейин ўйланиб қолди, қўрқди. Бироқ, Амет ишламайдиган бўлса Отамурод унга нимани кўрсатиб қўйиши ҳали ўзи билмасди. Унинг нияти фақат Аметни йўлга солиш эди. Аметнинг қаршилиги узоқча чўзилмади. «Кўрасан» деган бу сирли таҳдиддан кейин у дарров кўнди-қўйди.

Амет чиқиб кетгандан кейин шил этиб Сержон кирди. Отамуроддан рухсат сўраб ўтирмасданоқ чап томондаги диванга шаппа ўтириб олди:

— Менда ишинг бўлса айт!

Отамурод дастлаб айтадиган гапини айтольмай, бир оз довдираб қолган бўлса ҳам кейин ўзини ўнглаб, Сержонга бошқача муомила қила бошлади.

Икки қўлинини кўксига қўйганича, унинг рўпарасига келиб сўради:

— Сен Амет билан ораларингдан қил ўтмайдиган ўртоқсан-а?

Сержон Аметларнинг уйида муштлашиб қайтгандан бери унинг билан дўстлашиш уёқда турсин, ҳатто сўзлашмас ҳам эди.

— Буни сенга ким айтди?

— Ўзинг.

— Қачон?

— Мажлисда.

— Ёлғон! Мен у билан ўртоқ ҳам, дўст ҳам эмасман. Қачондан бери аразмиз.

— Нима учун?

— Сен суд эмассанки, ҳамма гапни айтаверсан. Ишинг бўлса айт, бўлмаса кетаман.

— Сен ёлғон гапиряпсан, унинг билан дўстлигинг узилгани йўқ. Мана, мажлисда Амет қўл кўтармаган эди, сен ҳам кўтармадинг!

— Аметингга қараган бўлсам, кўзим чиқсин!

— Яхши. Майли, сўзларингга ишонган ҳам бўлайлик. Лекин ўзинг нима учун колективга қарши чиқяпсан?

— Коллективга эмас, сенга қаршиман.

— Нима учун?

— Сен мақтанчоқсан! Сен Гулойшанинг олдида ўзингни атайлаб билағон кўрсатмоқчи бўлаяпсан.

Отамуроднинг жаҳли чиқди, аммо ўзини босди.

— Гулойшани яхши кўрасанми? Яхши кўрсанг уни тилга олма.

Сержон сакраб ўрнидан турган эди, Отамурод куч билан елкасидан босиб, ўтиргизиб қўйди.

— Ўтир! Гулойшани ўртага қўшма!

Сержон силтаниб ўрнидан турди.

Отамурод ишнинг чаппасидан кетаётганини сезди. Энди ётиғи билан яхши гапириб, ёлворишга ўтди.

— Сержон, сен нима, аканг Отажон оғанинг урушда тезроқ ғалаба қилиб, уйга қайтишини хоҳламайсанми?

— Нима учун хоҳламас эканман?

— Шанбаликда қатнашмаганинг шуни англатмайдими, ахир?!

— Унақа бемаъни гапларингни қўй, мен акам учун шанбаликка ҳам, якшанбаликка ҳам боравераман.

— Мана, бу ўғил боланинг гапи бўлди.

— Ҳов!— деди Сержон яна бирдан тўнини тескари кийиб,— менга баҳо беряпсанми? Қимсан ўзинг?

— Комсомол ташкилотининг секретариман.

Сержон нима дейнишини билмай бир дақиқа қизариб, бўйилди. Кейин яна ҳовуридан тушиб деди:

— Билиб қўй, мен сенинг сўзингни писанд қилаётганим йўқ. Сен мендан ақлли бўлиб кетган ҳам эмассан. Мен директорнинг топширигини бажараман.

Отамурод унинг дилидагини тилига чиқариб айтган гапидан хафа бўлмади.

— Шу мен айтган гаплар директорнинг топшириғику,— деди кулимсираб туриб...

Сержон индамай ўйланиб қолди. Кейин Отамуродга қараб алланима демоқчи бўлди, бироқ дейёлмади. Факат:

— Ёмонсан! — дея олди холос. У ташқарига йўл олди. Отамурод елкасига қўлини қўйиб, эшиккача кузатиб қўйди.

Шундай қилиб, мактаб бошланғич комсомол ташкилотининг Қизил Армия учун белул икки кун ишлаб берамиз деган ташаббусини барча ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, шунингдек, ўқитувчилар колективи яддиллик билан қувватлади.

Овул шанба, якшанба кунлари байрам тусини олди. Олтинчи синфгача бўлган барча кичик ёшдаги болалар Қолбой бошчилигига темир-терсак тўплашга, юқори синф ўқувчилари эса ерларни баҳорги экиш мавсумига барвақт тайёрлаш мақсадида колхоз далаларига ишга чиқди, ер текислаш, ўғит ташиб ишлари билан шуғулланди.

Отамуроддан бошқа ҳамма баравар жон олиб-жон бериб ишлади. Ҳатто директор Тажен Изимбетовнинг қўлидан ҳам эрталабдан қора кечгача белкурак тушмади...

## 13

Отамурод бошланғич комсомол ташкилотига секретарь қилиб сайлангандан бери бирор кун тўйиб ухлагани йўқ. Кундуз кунлари эса мутлоқо тиним билмасди.

Мактаб директори унинг ўзига алоҳида хона ажратиб бериб, мустақил ишлаши учун кенг шароит яратиб берган. У дарс орасидаги ўн-ўн беш минутли танаффус вақтларида ҳам ажратиб берилган хонага кириб олиб кичик ёшдаги ўқувчи болаларнинг шикоят ва арзларини тинглайди.

Бошланғич комсомол ташкилоти тузилмасдан олдин улар нима қилишган экан-а? Отамуродга алоҳида хона

ажратиб берилгандан бери улар ҳам тиниб-тинчимай қолишиди, танаффус бўлди дегунча хона олдида болалар йиғилади. Бири иккинчисидан қалам ё дафтар олиб, вақтида қайтариб бермаса ҳам шикоят қилиб келаверади. Иккинчиси учинчисининг мушугини пишт деб қўйса ҳам келаверади.

Мана, хона эшигини қоқиб яна икки бола кириб келди. Иккови ҳам биринчи синф ўқувчиси. Бўйи ҳам тенг. Бири қорачадан келган, дўмбоққина, иккинчиси сап-сариқ қилтириқ, ориқ.

Отамурод овқатланишга шайланиб, уйдан олиб келган нондан эндингина бир тишлаган эди. Болаларни кўриб, уларга пешвоз чиқди. Гоҳ унисига, гоҳ буnisига қараб сўради:

— Хўш, азamatлар, нима бўлди?

Сап-сариқ бола йиғламоқдан бери бўлиб деди:

— Манов, Қурбонбой кеча мендан нон қарз олган эди. Бермаяпти.

Отамурод уларни пионерликка ўтиш учун маслаҳат сўраб кирган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Ҳозирги гапини эшишиб, бир қизарди, бир бўзарди.

— Қачон олган эди? — деди Отамурод нима бўлса ҳам шикоят қилган боланинг кўнглига қараб.

— Кечা.

— Ҳм,— деб қўйди Отамурод. Кейин иккинчисидан сўради.— Хўш, Қурбонбой, шу ростми?

Қурбонбой жавоб бериш ўрнига ерга қаради. Отамурод уларни навбатма-навбат гапиртирди. Қурбонбойнинг олгани рост экан. Кеча онаси ишдан кеч келиб, тоби қочиб қолибди. Нон ёпишнинг иложини қила олмабди. Шу боисдан Қурбонбой қарзини узолмай қолган экан. Шикоят қилиб кирган бола эса, қарзга берган нонимни олиб ерман деб бугун нонсиз келавериди.

Отамурод бир кулиб қўйди. Кейин ўзи емоқчи бўлиб турган нонни сумкасидан олиб, тенг иккига бўлди-да,

иккаласига узатди. Елкаларига қоқиб яраштириб қўйди.

— Кўриб турибман, жуда яхши болалар экансиз, энди жанжаллашманглар, хўпми? Қурбонбойнинг онаси тузалгандан кейин сенинг нонингни беради.

Болалар хурсанд бўлиб чиқиб кетишди. Отамурод курсига ўтиараркан оғир хўрсишиб, бош чайқаб, қўйди:

«Биринчи синфни ўқитган муаллимларниң отасига минг раҳмат. Уларни эпақага келтиришнинг ўзи бўларканми? Қичкиналигимизда биз ҳам шуларга ўхшаган бўлсак керак-да. Е ҳозирги етишмовчилик туфайли шундаймикин? Албатта, шу етишмовчилик туфайли... Ҳечқиси йўқ, буларниң ҳаммаси вақтинча, ҳали ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади...» Унинг ўйлари охирига етмаган ҳам эди, эшик бирдан очилиб, хонага Сержон кириб келди.

— Сержон, сенмисан? Шунаقا рухсат сўрамай ҳам кираверар эканми?

Сержон парво қилмай яна диванга ёнбошлади.

— Ҳе, ёши ўзинг teng боладан ҳам рўхсат сўраб, жинни бўпманми!

— Мени эмас, комсомол ташкилотини ҳурмат қилиш керак, ахир!

Сержон Отамуродни писанд қилмай терс ўгирилиб ўтираверди.

— Ишинг бўлса, мундоқ одамга ўхшаб ўтириб айтмайсанми?

— Айтсам, сен ёрдамлашиб қўярмидинг?

Отамурод мийифида жилмайиб қўйди.

Сержоннинг ҳозирги келишида сир бор эди. У эрталаб Аметларникига кирганда ғалати воқеа устидан чиқиб қолди. Ҳамма ёгани нон тополмай юрган бир пайтда улар мой чайнаб, Аметнинг бир ўзи қўйнинг бир илигини ғажиб ўтиаради. «Ўғирлик эмасмикин?» Ана шу гумонини Отамуродга айтмоқч эди. Аммо Отамуродга ўчакишиб, ҳеч нарса демасдан чиқиб кетди.

Отамурод унинг бу келишида қандайдир бир сир борлигини сезди. Унинг кўнглини топиб, ётири билан сўзлашолмагани учун ўзини ўзи койиди. Лекин орқасидан ялиниб чақирмади.

«Феъли айниб қолди бу қайсарнинг, энди барибир айтмайди».

Шу аснода қўнфироқ чалиниб, дарсга кирадиган вақт бўлиб қолди. У боши ғовлаган бир ҳолатда синф томон йўл олди. Алгебра дарси эди. Парта остидан дафтар-китобини олгунча ҳам бўлмай ўқитувчи:

— Жумамуротов! — деб унинг фамилиясини айтди. Отамурод ўрнидан турди.— Уйга берилган вазифани бажардингми?

Алгебра ўқитувчисига нима деб жавоб беришни билмай, икки бети нақш олмадай қип-қизарди.

— Нега индамайсан?

— Тайёрлана олмадим.

Синфдошлари гуррос кулиб юборишиди.

— Эҳ, секретарь, секретары! — деди Сержон гўё ўзи ҳамма ишни қойил қилиб юборгандай.

Отамурод унга хўмрайиб қараб қўйди, Сержон жим бўлиб қолди.

Ўқитувчи Отамуродни доскага чиқарди. Отамурод доска ёнига бориб, қўлига бўр олди. Ўқитувчининг буйруғини кутди. Шундай бўлса-да, уят ва номусдан ёр ёрилса-ю, ерга кириб кета қолсам дерди. Пешонасидан реза-реза тер чиқиб кетди. Ўқитувчи унга масала берди. Отамурод бир лаҳза ўйлаб турди-да. Кейин тасир-тусир доскага ёзиб ишлаб кетди.

— Бунинг дуруст,— деди, ўқитувчи. Уни обдан синаб олмоқчи бўлдими, яна битта масала берди. Аммо Отамурод буни ишлашда янглишиб кетди.

— Утира қол,— деди ўқитувчи унинг оғир аҳволда қолганини кўриб.

Отамурод мактабдаги энг аълочи ўқувчилардан ҳисобланарди. У биринчи марта шундай аҳволга тушиб

турипти. Шунинг учун бу унга жуда қаттиқ ботди, ўрнига аранг бориб ўтирди.

Димоғида пикір-пикір кулиб ўтирган Сержон ёнидаги Гулойшанинг иягидан күтарилиб шивирлади.

— Мақтовлардан тумшуғи күтарилиб кетган-да, ана, кўрдингми?

— Жим! — жеркиди уни Гулойша.

Орқа партада ўтирган Амет ҳам Сержоннинг тескари бўлиб юрганини томом унутди. Унинг елкасига туртиб ўзига қаратди-да, ишшайиб деди:

— Ана, секретарнинг ахволи!

Сержон уни ёқтирумаса ҳам Гулойшага қарши ўзига шерик топилганидан хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳа-да, секретарлик осон бўптими? Турган-битгани зиён! — деди.

Ўқитувчи доскада янги масала ишлаш билан банд эди. Шу туфайли у синфдаги бунақа гапларни эшитмас эди. Гулойша шартта ўрнидан турди.

— Ўртоқ муаллим, бу Сержон билан Аметлар тинч ўтирадими-йўқми!

— Жим! — деди ўқитувчи орқасига ўгирилиб. Синф сув сепгандай жимжит бўлиб қолди.

Отамурод дарсдан ғоят бўشاшиб чиқди. Ҳадеганда ўзига келолмади. У гўё бугун энг қимматли нарсасини йўқотган кишидай маъюс эди.

Отамуродларнинг уйи марказий кўчанинг охирида эди. Уй ёнидаги ариқчадан сакраб ўтмоқчи бўлган, эди, эгилиб турган дараҳтнинг битта шохи қулоқчинини илиб кетди. Қулоқчинига қўл узатаркан, кўзлари бўртиб турган куртакларга тушди.

— О, дараҳтлар уйғониб қолибди. Демак баҳор. Отам бундай пайтларда дараҳтларнинг қингир-қийшиқ шохларини бутаб қаламча қиласар эди... — у ўзи билан ўзи гаплашиб ичкари кирди. Ойиси пишириб тайёрлаб кетган жўхори ёрмадан идишга қуийиб ичди. Кейин қўлига болта олиб ташқари чиқди.

Үйнинг теварак-атрофидаги теракларни бир-бир кўздан кечирди. Қинғир-қийшиқ ўсган шохларни мўлжалга олиб, сўнг уларни бир четдан буташга тушди. Ҳамма-ёқни шоҳ-шабба босиб кетди. Ўзлариникини бутаб бўлгач, қўшнисиникига ўтди. Сабабки, улар қари бўлиб ўзларидан бошқа ҳеч кими йўқ, кампирнинг кўзи ожиз, чол эса мункиллаб, ўз гавдасини аранг кўтариб юрарди. Уч азамат ўғли фронтда. Шунинг учун ҳам Отамурод барча зарур ишларини бир ёқقا йигиштириб қўйиб, кун ботгунча уларнинг дараҳтларини бутаб чиқди. Кейин бир бошдан қирқиб, қаламча болини — қаламча, ўтин-болини — ўтин қилишга кириши.

— Ҳорма, Отамурод?

Отамурод учун бу товуш жудаям таниш, жудаям азиз бўлса-да, унинг эгасини кўрмади.

— Бор бўл,— деди у аста.

Товуш эгаси Гулойша эди.

У Отамуроднинг обдан чарчаганини пайқади, яқинига келди.

— Вой-бўй, Отамурод, шунча ишни бир ўзинг қилдингми-а?..

— Ҳа, Гулойша, сенмисан?— деди Отамурод кўзларини ишқалаб.— Кечирасан, кўзларимга чанг тушдими, нима бало?

— Кўзга қил тушса, менинг ойим тили билан олғувчи эди. Мен ҳам ўрганиб олганман. Қани, ўтири, тил солиб кўрай-чи!

Отамурод шошиб қолган: шу туфайли ўйламасдан гапириб юборган эди. Хижолат чекди. Апил-тапил кўйлагининг этаги билан юзларини артиб, хатосини тузатмоқчи бўлди.

— Йўғ-е, мана кетди.

Гулойша кулди.

Бу кулги Отамурод учун улкан мукофотдай эди. Үқаддини ростлади.

— Отамурод,— деди Гулойша қирқилган шохчаларга

қараб туриб.— Мана шуларни қаламча қилиб мактаб атрофига, ариқ бўйларига ўтқазсак қалай бўларкан?

— Ақлингга қойил, Гулойша!

— Отамурод, нима учун сен худди катта одамларга ўхшаб гапирасан?

Отамурод жавобга сўз тополмай қизарди. Уялиб ерга қаради. Гапни яна Гулойшанинг ўзи давом этди.

— Сен бугун ишга бормаган экансан, Отамурод, шунга касал-пасал бўлиб қолдингми, деб хавотир олиб кўргани келаётган эдим.

— Раҳмат!

— Колхоз идораси олдида Тажен оғага дуч келиб қолдим. Тушдан кейин ишга бормаганингни ўша киши айтди.

— Боролмадим. Мана булар ҳам иш-ку, ахир, шундай эмасми?

Шу пайт қаёқдандир Қолбой етиб келди.

— Биласизларми,— деди у ҳовлиқиб,— бундан уч кун илгари колхознинг битта қўйи йўқолган экан, бугун яна биттаси ўғирланибди.

— Қайдан эшитдинг?

— Ҳозир Темирхон отадан эшитдим.

— Ўлгундай анқовмиз,— деди Отамурод ачиниб,— ахир кечалари овулдаги чўпонларга ёрдам бериш қўли-миздан келарди-ку. Нега шундай қилмадик?!

— Манов шохчаларни йигиб тўплайлик,— деди Қолбой буталган шох-шаббаларни тўплашга тушиб,— кейин ферма тўғрисида сўзлашармиз.

— Майли.

— Хўл, мен қайтдим,— деди Гулойша улар билэн мулойим хайрлашиб. Кейин уйлари томон чопа кетди

— Гулойша ажойиб қиз-а, шундай эмасми?— деди Қолбой. Отамурод индамади. Бироқ Гулойшанинг қораси кўринмай кетгунча ундан кўз олмай ортидан қараб қолди.

Баҳор киргандан бери эринчак бўлиб қолган Гулим бугун ўлиб-толиб ишлаб, роса чарчади. Сабабки, кол хозда чигит экишни биринчи бўлиб бошлаб юбориш учун бригаданинг ҳамма кучлари бир жойга тўпланган, колхоз раиси ҳам, райондан келган вакил ҳам кун бўйи шу бригадада бўлган эди. Бундай пайтларда ҳеч қанақа муғамбирлик қилиб бўлмасди. Гулим буни тушунди. Бундай қилишининг яна бир сабаби шуки, колхоз раиси ялқовларга нисбатан алоҳида чора қўллади. Кам деганда ўзи ишлаётган бригададан бошқа бригадага — узоқрофига ўтқазиб юборадиган бўлди. Ана у бундай жазога учраса, эри билан бир неча кунгача кўриша олмай қолиши турган гап. Мабодо, Отахон тунда уни излаб келса...

У бошлиқлар кўзига ёмон кўринмаслик учун терлаб-пишиб ишлади. Роса чарчади. Шундай чарчадики, овқат қилишга ҳам ҳоли келмай чой ичиб ёта қолмоқчи бўлди. Худди ўчакишгандай ҳар куни ундан олдинроқ келиб чой дамлаб турадиган Амет ҳам йўқ эди. Ноилож ўзи ўт қалаб, ўзи ўчоққа қумғон қўйди. Амет ана шундан кейингина кириб келди. Унинг ҳам суроби тортилган, бурнидан тортсанг, йиқиладиган бир аҳволда эди.

— Сенга нима бўлди?

— Ҳе, сўраманг, ойи,— деди у ёнидаги тўшакка ўзини ташлаб.— Ҳеч вақт бугунгидай ишламаган бўлсам керак. Мактабнинг атрофига ариқ қазиб, терак қаламча экдик. Агар қайсар Сержон Отамурод билан жанжал чиқармаганда нақ чарчаб ўлаёздик. Жанжал жонга ағо кирди. Кулиб ҳордиқ чиқардик.

Гулим учун бу янгиликларининг уичалик аҳамияти йўқ эди. У хўрсинди:

— Бир томонда немислар билан уруш кетяпти, иккинчи томонда келажакни ўйлаб терак экиш. Тушуниб бўлмайди?!

— Ойи,— деб Амет қаддини ростлади.— Отамга айтинг, қайтадан фронтта борсин.

— Унинг сенга оғирлиги тушаяптими?

— Немислар ҳеч қачон бизни енголмайди. Агар бизни енгиши ҳақида салгина хавф бўлганда, бунақанги, мактаб атрофига терак экиб ўтиргаган бўлардик. Ҳатто янаги йилдан бошлаб, бизнинг мактабимиз ўн йилликка айланар эмиш.

— Қўй, бошимни айлантирма, ўтин олиб кир.

Амет ҳадеб ойисининг гапини қайтараверишга кўнгли бўлмай ташқари чиқди. Ўтин олиб кирди.

Гулим қозондан эмас, сандиқдан пишириғлиқ гўшт олди. Аметнинг ҳали феъли бузилмаган эди. Онасининг гўшт олиб ея бошлаганини кўриб, таъби хиралашди. Бақирлаб қайнай бошлаган қумғонни четга тортди.

— Ойи, уйимиздан пишган гўшт узилмайдиган бўлиб қолдими?

— Анов куни шерикчиликка қўшилганимни айтдим-ку.

— Шерикчиликка қўшилганлар аллақачон еб тугатишиди.

— Мен эса тежаб-тергаб ишлатяпман!

— Ўтган сафар сумкамга солиб қўйган иликни кемириб ўтирган эдим, лоп этиб Сержон кириб қолди. Ўсал бўлиб кетдим. Ҳойнаҳой Отамуродга айтади-ку, деб юрган эдим.

— Ушандан бери индамасдан юрибсанми? У ярамас айтгандир бўлмаса?

— Айтмаганга ўхшайди, йўқса, бугунгидақа жанжаллашиб юрармиди? Аммо бугун ниҳолча ўтқазаётган пайтимизда синф раҳбаримиз билан Отамурод «Еттинчи синф ўқувчилари бугундан бошлаб кечаси навбатманавбат қўй фермани қоровуллашга ёрдамлашади», дейишиди.

— Қоровуллашса, қоровуллашаверсин, бунинг мен

еяётган гүштга нима алоқаси бор? Жүн юравер. Үз уйингдаги нарсага ўзинг ҳасад қилма, болажоним!

Амет яна жим бўлиб қолди. Гулім яна сандиқни очиб, гўшти шилиб олинган катта бир сүякни олди:

— Ма, болам, бугун мен ҳам ниҳоятда чарчадим, қозон осмайман.

Кун бўйи ҳам чарчаб, ҳам оч юрган Амет кўзларини чирт юмиб, иликни ғажий бошлади.

— Ҳар сафар айтаман деб эсдан чиқараман, ёдингда бўлсин, болам, бундан буён зинҳор сен бировларга фронтдан келган хатларни ўқиб бериб юрма.

— Нега?

Бирортаси отанг тўғрисида гап сўраб қолса, довдираф қоласан.

— Ёш бола эмасман-ку, ойи. Лекин сиз ҳам менинг фикрларим билан ҳисоблашувингиз керак. Мен тенги Отамуродни бутун бир мактаб, Ташен Изимбетовдай директор ҳам ҳурмат қиласди. Сўзларини инобатга олади. Сиз бўлса...

Бу сўзлар нима учундир Гулімга маъқул бўлмади. Аксинча, юрагига пичоқдай санчилди. У индамай, тескари ўғирилиб ётиб олди...

Тун алламаҳал бўлганда одатдагидай яна дераза ойнаси чертилди. Гулім уйқудан туриб дарҳол Аметга кўз ташлади. У донг қотиб ётар эди. Гулім уни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида битта-битта босиб бориб, эшикни очди. Отахон ичкари кирди. Ҳар сафар қандайдир ваҳимали кўринадиган эри бу сафар нима учундир хушҳол, хурсанд эди. У қўлидаги тугунчани хотининга бериб, ўзи ўғли яқининга келди. Уни суюб ўпмоқчи бўлди. Аммо Гулім униг тирсагидан ушлади, бунга йўл қўймади.

— Тегманг, уйғониб кетади. Бундан кейин гўшт ҳам олиб келманг.

— Нима, манов нодон бола билдириб қўяяптими?

— Билдирмаса ҳам керак эмас.

— Бирор хавф туғилса, менга дарҳол айт, йўқса ўзинг бирор чора изла. Ҳали бошимиз ёш... Ноумид шайтон... Ахир яна...

— Биз бундай ўғилни энди етти иқлимдан ҳам излаб тополмаймиз.

Шу сўзлардан кейин улар Аметни уйда қолдириб ташқарига мол қўра томон кириб кетишиди...

## 15

Дарслар тугаб, ҳамма тарқади. Фақат Отамуроднинг хонасида Гулойша, Қолбой, Елесин — учовигина қолди. Улар мактабда чиқариладиган «Олға» деворий газетасининг редколлегия аъзолари эди. Редакцияга тушган хатларни очиб, эълон қилишга арзийдиганларини танлаб олишшапти.

— Вой!— деди Гулойша, бир хатни олиб ўқиб чиқаркан,— манов мақолада секретаримиз Отамуродни танқид қилипти-ку. Ма, Қолбой, ўқиб кўр.

Қолбой мақолани олиб, ўша заҳоти ўқиб чиқди.

— Бир марта дарсдан «икки» олганини, терак экиш пайтида Сержон билан жанжаллашганини ёзипти. Арзимайди!— деди ва Елесинга узатди.

У ҳам кўз югуртириб деди:

— Ким ёзганини билдим.

— Мен ҳам,— деди Гулойша,— дастхати таниш. Сержон ёзган.

— Бўлган гапни ёзгани учун унга айб қўйиш қийин. Бироқ буни газетамиизда эълон қилсан қандоқ бўлар-қин?— деди Елесин елка қисиб.

— Балки яхши бўлар!— деди Гулойша.

— Йўқ, босилмайди,— деди Қолбой кескин.

Елесин гапирмоқчи бўлиб, оғиз очаётган эди, газетанинг масъул муҳаррири ҳисобланган Гулойша ундан олдин гапни тугатиб деди:

— Ҳозирча танқидий мақолага жой қолдириб бошқаларини кўчираверайлик. Кейин ўйлашиб кўрамиз.

Гулойшанинг бу фикри бошқаларга ҳам маъқул тушди, шекилли ҳар бири вазифасини чурқ этмасдан ўринлашга киришди. Бири мақола кўчирди, иккинчиси расм газетани безади.

Улар ишларини томом қилгунча бўлмай Отамуроднинг ўзи ҳам келиб қолди.

— Ҳорманглар! Қалай, газета бугун осиладими?

— Осилади,— деди Гулойша.

Гулойша Отамуродни кўрганда ўзининг бўй етиб қолганини, шунга яраша ақллироқ бўлиб кўринишни унутар, у пайдо бўлиши билан қувончидан тўлин ойдай очилиб ярқираб кетар эди. Аммо ҳозир ундаи бўлмади. Нима учундир у ҳозир кулчадай қип-қизариб кегди. Ерга қаради. Унинг дилини тушунмаган ўртоқлари Отамурод тўғрисида бояги мақола важидан ҳижолат чекапти, деб ўйлашди.

Отамурод стол устига ёзиб қўйилган деворий газетани кўздан кечирар экан, зимдан Гулойшага қаради. Юраги алланечук бесаранжом бўлиб гуп-гуп ура бошлади. Аллақандай қудратли бир туйғу ғалаён кўтараётгандай бўлди. Бироқ у бу туйғунинг нима эканлигини муҳаббатми, ҳурматми — аниқ билолмас эди. Ундан кўзини олди. Яна газетага тикилди.

— Манови жойни нега очиқ қолдирдинглар?

Бу саволга уччаласи ҳам жавоб бермади.

— Нима, мақола йўқми?— деди у яна. Кейин Елесининг қаршисида турган бир бетли қофозга, ўз исмига кўзи тушиб қолди.— Менинг тўғримда чамаси, танқидми?

Елесин йиғиштириб олиб қўймоқчи бўлган эди. Отамурод қизиқсиниб сўраб олди. Ўқиб чиқди.

— Ҳмм, анови жойни шунга қолдирган экансизларда.

— Газета мактаб комсомол ташкилотининг органи.

Шундай бўлгандан кейин...— Қолбой гапнинг буёғини айтишга қийналиб тўхталиб қолди.

— Мулоҳазаларингиз тушунарли,— деди Отамурод катта одамлардай ўйчан қиёфада,— бироқ мен секретарь бўлганим билан бир ўзим бошланғич комсомол ташкилоти эмасман-ку. Мақолада бошдан-оёқ ҳақ гап. Менимча, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Гулойша унинг сўзларини худди таърибали дипломатларнинг гапларига ўхшатди. Унга нисбатан пайдо бўлган илиқ меҳр туйғуси янада ортди. Қуюқ қора қошлигини қалдирғоч қанотидай учирив, ёқимли қарашма қилди.

— Бу гапларинг тушунарли, ўртоқ секретарь,— деди у кейин Отамуродга,— эндиги ҳукмни редколлегия ихтиёрига қолдириб кетавер.

Унинг «кетавер» деганини Отамурод малол олмади. Аксинча бу сўз унга ғоят нафис ва меҳрли эшишилди. Кетгиси келмаса ҳам ўзини зўрлаб аста ташқари чиқди.

Отамуроднинг хаёли ҳамон Гулойша билан банд эди. Рўпарасидан колхоз раиси чиқди.

Ҳаммавақт кўк от миниб, тиниб-тинчимай юрадиган қорамағиздан келган, чўққисоқол қаҳри қаттиқ, важоҳатли кўринадиган бу одам унга узоқдан товуш қилиб, ўзи томон имлади:

— Ҳов, секретарь, бўёққа келиб кет!

Отамурод у томон бурилди. Салом берди.

— Ҳорма, секретарь,— деди раис кулимсираб,— сенинг тўғрингда жуда яхши гаплар эшиштаяпман, кам бўлма. Асил ота ўғли экансан, фақат келбатинггина эмас, ишларинг билан ҳам отанг Жумамуродга ўхшаяпсан. От босган изни той босади, деб шуни айтади-да, бара-калла!

Кейинги пайтларда раис тилидан бунақанги мақтов сўзлари эшишишга ҳар ким ҳам мұяссар бўлавермасди. Шунинг учун ичида хурсанд бўлса-да, ўзини бир оз ноқулай ҳис этди, уялиб ерга қаради.

- Ўқишдан орқада қолиб кетдим.
- Ҳечқиси йўқ, етиб оласан. Ҳа, айтгандай, Отахоннинг ўғлиям, оти нимайди? Сен билан ўқийдими?
- Аметми, ҳа, бир синфдамиз.
- Уни ферма қоровулчилигига қўйиб кўрмайсизларми?

— Бугун унинг навбати.

- А, жуда соз. Жуда соз. Хўп бўлмаса, секретарь болам, ишларингга мувваффақият тилайман.

Отамурод раиснинг унга алоҳида эътибор бериб, сўзлашганидан кўнгли тоғдай кўтарилиган бўлса-да, Амет тўғрисидаги гапларини тушунмай ўйланиб қолди. Аммо гумонсираш учун ҳеч қанақа асоси йўқ эди. Шундай бўлса ҳам раиснинг бояги сўзлари ҳал қилиниши лозим бўлган ажиг бир жумбоқ эди.

«Бу жумбоқни ечиш учун Аметни зимдан кузатиш керак», деди у ўзига ўзи ва шу куни тунда қоровулчилликка борган Аметни изидан пойлаб, унинг ҳатти-ҳаракатларини сиртдан кўзатиб чиқди. Амет қоровулхонадан ҳеч қаёққа қўзғалмади. Айтарлик ҳеч қанақа воқеа содир бўлмади.

Отамурод тонг оқара бошлиган пайтдагина уйга қайтди. Ўзини кўрпага ташладио, тарашадай қотди. Чошгоҳ маҳалдагина уйғонди. Ойиси чойларни дамлаб, устига дастурхон ёпиб қўйибди. Отамурод эндинигина нонушта қилишга ўтирган ҳам эдики, ташқарида тўртингчи синфда ўқийдиган укаси Ойшагулнинг йиғлаб келаётган товушини эшишиб қолди. Бирор фалокат юз бердими, деб югуриб, кўчага отилди.

- Нима бўлди, Ойшагул, бирор урдими?
- Сени «Олға» газетасида ёмонлаб чиқишипти. Ҳи-и-инг...
- Шу холосми?
- Шу холос. Ҳи-и-инг.
- Қўй, йиғлама. Уни ўзим ёздирганман.
- Нега ёздирасан, ҳи-и-инг...

Отамурод уни юпатди, бошидан рўмслини олиб кўз ёшларини артди. Ўз тароғи билан тўзғиган соchlарини силлиқ қилиб тараб, ичкари олиб кирди. Бирга но-нушта қилишди.

«Дарсдан кеч қолганим қолган энди далага барвақт борай», деб кетмон билан кўчага чиққан эдик, нарида келаётган Сержонга кўзи тушди.

— Отамурод, бир оз тўхта,— деди Сержон олисдан товуш қилиб.

Унинг товуши илгариги гинахонлик, гажирликдан сира ҳам асар қолмагандай жуда мулоийим эди.

Отамурод тўхтади.

— Кечир, Отамурод,— деди у қўл чўзиб,— сен чиндан ҳам ақилли бола экансан.

Отамуроднинг кулгиси қистади. Аммо ўзини жиддий тутиб деди:

— Қаёқдан била қолдинг?

— Мен сени деворий газетага ёзган эдим. Мақоламни чиқаришмас, деб ўйлагандим. Чиқаришмаса сен билан Гулойша иккалангизни қўшиб директорга қотириб ёмонламоқчи эдим. Раҳмат, мақоламни чиқартирибсан.

— «Олға» менинг шахсий газетам эмас-ку.

— Мард бола экансан. Агар сенинг ўрнингда мен шунаقا секретарь бўлсам, газетани шартта йиртиб юборардим. Сен танқидни тан олдинг. Қойил, лекин шу, дарслардан орқада қолиб кетаётганинг рост. Шундай эмасми? Ана шуни бўйнингга олиб ўзинг тўғрингда ёзилган танқидни газетада босиб чиқарпшга рухсат берганинг учун синфдаги болаларнинг ҳаммаси бугун сенинг орқангдан роса мақташди. Директор ҳам.

— Жуда кўп гапирадиган бўлиб кетибсан.

— Ҳа, бугун жудаям кўп гапиргим келаялти. Айниқса, сенинг тўғрингда. Отамурод. Кечир мени... иложи бўлса... энди мени ҳам комсомол сафига олсанг!... Ариза берсам!..

Отамурод мойиллик билдириди.

Улар икков қўл ушлашиб, далага йўл олишиди.

— Тушунганинг учун раҳмат, Сержон, комсомолга албатта оламиз.

— Мен-чи, Отамурод, сенга аввал айтмоқчи бўлган эдим, лекин айниб, бу фикрдан қайтган эдим: ҳалиги... фермадан қўйларнинг ўғирланишида шу Аметнинг ҳам иштироки борми деган гумоним бор. Бир куни бус-бутун илик ғажиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим.

Отамурод кеча раисга айтган гапларни эслади: «Демак раисга ҳам кеча шу — Сержон айтган экан-да. Айтмаса, Аметдан нега гумон қиласди?» Аммо буни Сержонга билдирамди.

— Текин бўлса биз ҳам ердик,— деди унга.

Сержон дилида унинг бу фикрига қўшилмаса-да, унга қарши гап айтмай, биринчи марта ўзини тийиб, жим қолди...

— Отажон акадан хат келаяптими?

— Ҳа.

— Комсомолга ўтиш учун сенга қанақа топшириқ берайди?

— Гапим гап. Қанақа топшириқ бўлса ҳам бажара-вераман.

— Фақат топшириқнинг ўзини бажариш кифоя қилмайди.

— Ўзингга ҳаммаси аён... Ўжар бўлмайман.

— Мана бу бошқа гап!..

## 16

Ҳамма—ҳаракатда, тиним билмай меҳнат қиласди. Ҷаттанинг ҳам, кичикнинг ҳам ўзига яраша ташвиши, қиласидиган ишлари бор. Мактаб ўқувчилари тушгача дарс ўқишса, тушдан кейин далага ёки фермага боради. Ҷатталарнинг офирини енгил қилиш учун, фронтда жанг қилаётган оталари, акалари, тоғалари амакилари-

нинг тезроқ душман устидан ғалаба қозониб қайтишлари учун тиришиб-тирмашади. Баъзан кунлар тунларга, тунлар эса кунларга уланиб кетади. Аммо иш адо бўлмайди. Бири кетидан иккинчиси чиқиб тураверади.

Кечагина қиш эди. Бугун эса баҳор ҳам ортда қолиб, ёз ўз ҳукмини ўтказмоқда.

Бу фаслнинг ташвиши айниқса ўзгача. Ҳамма қиш ғамини шу фаслда ейди. Пахтага ишқев бериш айни шу фаслда авж олади. Энг масъулиятли давр бошлиниади. Эндигина кўкариб чиққан ёш ғўза кўчатларининг душмани кўп: ёввойи ўтлар, турли-туман ҳашаротлар уларнинг яйраб-яшнаб ўсишига имкон бермайди. Бўғиб ҳар хил иллатларга дучор қиласди. Шу туфайли қимирлаган одам борки, ҳаммаси ғўза парваришига сафарбар этилади. Шу қаторда бошқа экинларга ҳам қараш керак. Уларнинг ҳам тури кўп. Колхозда эса ишчи кучлари оз. Тоғни урса толқон қиласдиган азamat йигитларнинг ҳаммаси фронтга кетиб, ишчи кучи камайган бўлса ҳам план камайган эмас, қайтанга ғалла ва полиз экинларига бўлган талаб оширилди. Уларни ҳам ўз вақтида экиб, парваришини жойига келтирмаса, яна бўлмайди. Бундан ташқари чорвани айтмайсизми. Фақат мол-қўйларининг қишилик ем-хашагинигина тайёрлаш билан кифояланиб қолмасдан, ҳатто ҳар бир хонадондаги мол-қўйлар учун ҳам қишичи етадиган ем-хашак шу ёз мавсумида жамғариб олиниши лозим. Хуллас, иш кўп, каттага ҳам, кичикка ҳам етарли.

Мактабда ўқув йилининг якунига бағишлиланган мажлис ҳар сафаргидай тантанали вазиятда ўтди. Бунга ота-оналар ҳам қатнашди. Кун тартибидаги асосий масала, ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириши тўғрисида бўлса ҳам «ва бошқа масалалар» тарзида ўртага ташланган — мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил вақтида бригада-бригада бўлиб колхоз далаларида ишланиши тўғрисидаги масала ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Ҳар бир ўқувчининг ёзги таътил вақ-

тида ўзлари тузган ўқувчилар бригадасида ишлаши алоҳида уқтирилди.

Ҳар йили синфни мақтов қоғози билан битирадиган Отамурод бу йил мақтов қоғози ололмади. Бунга ичидан зил кетиб хафа бўлса ҳам ташида ҳеч нарса билдири масликка тиришди. Директор ўзининг охирги якунловчи сўзида унинг номини аълочи ўқувчилар қаторида тилга олмаса-да, Отамурод тўғрисида махсус тўхтаб, бутун мактаб фахрланса арзийди, деди.

Отамуродга бу мақтовлар қилган ишлари учун эмас, балки қилиши лозим бўлган кейинги ишлари учун айтилаётгандай эштирилди. Мағрурликка берилмади. Зотан унда бунақа одат йўқ эди. У ҳаммавақт камтар, камсуқум бўлишга интиларди. Бу фазилат унга отасидан ўтган. Жумамурот ака ўзи шунақа одам эди. У колхознинг энг илғор тракторчиси бўлса ҳам, трактори доим шай, ишларни доим дўндириб қўйса ҳам, планларини ортиғи билан бажариб, неча мартараб газеталарда суратлари босилиб чиқса ҳам, тилдан-тилга ўтиб мақталса ҳам, бирон мартаба «мен мана шунақа одамман», деб мақтанган эмас эди. У ўта меҳнатсевар бўлганидек, ўта камтар, камсуқум, хушмуомала одам эди...

Отамуродга ҳам унинг ана шу олижаноб фазилатлари шундоққина кўчган қўйган эди. У ҳам камтар, меҳнаткаш, тиним билайди, эндиғи иши унга ҳам ўқиб, ҳам ишлаб юрган пайтларидағидек қийин бўлмади. Далада ҳар қанча тер тўкса ҳам иш бир жўнлик бўлгани учунми чарчамас, кечқурунлари эса «муаллимлик» қиласверар эди. Чунки илгаригидай ҳар куни дарс тайёрлаб, мажлис ўtkазиб ўқувчилар арзини тинглаб юрмайди-да. Тинч ухлайди.

Фақат бир нарсадан унинг дили ғаш.

Мана икки ой бўляяпти-ки, отасидан хат йўқ.

Бугун туш чофи, колхозчилар дам олиб ўтирган пайтда кўнгли тинчимай газета олиб келиш баҳонаси билан

колхоз идорасига борди. Почтальон ҳали райондан келмапти.

Изига қайтишини ҳам, почтальон келгунча кутишни ҳам билмай, иккиланиб турган эди, директори Тажен Изимбетов келиб қолди. Уч-түрт кундан бери Отамурод уни күролмаган эди. Югуриб бориб саломлашди.

Директор худди ўз ўғлидай унинг саломига илиқ алик олиб, ҳол-аҳвол сўради.

— Кўрганим яхши бўлди,— деди у кейин,— мактаб ремонтига боғлиқ ишлар билан районга кетган эдим. Ҳозиргина правление раисини учратиб қолдим. У «қишига пичан тайёрлаш учун мактаб ўқувчиларидан битта бригада тузиб, бизга ёрдамлашиб юбориласанг ишимиз чатоқ бўлиб қолди», деди. Мен эса ҳозир ремонт ишлари билан бандман. Муаллимлардан ҳам иккитаси ариза бериб, фронтга кетворишиди. Қолган учтаси эса, ўзинг биласан, яримта — ногирон одамлар. Мабодо бу йил муаллим етишмаса, бошланғич синфлардан бирортасини сенга бериш ниятим ҳам йўқ эмас. Ҳозирча, шу пичанчилар бригадасини ўзинг ташкил этиб, кўлга кетмасанг бўлмайди.

Бу гаплар Отамуроднинг руҳини кўтарди. У ўзини яна бир-икки ёш улғайгандай ҳис этди. Ахир шундай одам унга ишонч билдириб, бригадани ўзинг ташкил этасан деяпти. Үқитувчи қилиб олиш ниятини айтаяпти. Бу ҳазил гапми? Отамурод дилдан хурсанд бўлиб, ҳеч қанақа сўз қўшмай ўз розилигини билдириди.

Директор сўзида давом этди.

— Бригадага ўз синфинг билан бу йил олтинчи синфи битирган болаларни оласан. Тушдан кейин болаларга хабар бериб кечқурун мактабга ийғилинглар. Ўзим сўзлашаман.

— Яхши, Тажен оға.

Улар эндиғина хайрлашмоқчи бўлиб турганда, хуржунининг икки кўзини газета билан тўлдириб почтальон келиб қолди.

Колхозда кимдан ким хат кутишини, кимдан қачондан бери на хат, на хабар келмаётганини яхши биладиган почтачи Отамуродга яқинлашган ҳамон от жиловини тортиб, илжайиб.

— Қани, Отамурод суюнчини узатавер отангдан хат бор.

Отамурод югуриб бориб, от жиловини ушлади. Печатчи уч бурчакли хатлар орасидан биттасини олиб унга узатди. Отамурод сабрсизлик билан дарҳол конвертни очди. Шоша-пиша хат сатрларига кўз юргутириб чиқди-да, директорни ҳам, почтачини ҳам унутиб далага, ойисининг олдига чопди.

— Отамурод,— деди унинг ҳолатини кузатиб турган Тажен Изимбетов,— қаёққа шошяпсан, тўхта!

Отамурод тўхтаб изига қайтди. Директордан уялиб, узр сўради:

— Қечпрасиз, Тажен оға.

— Ҳечқиси йўқ. Тушунарли, қалай, отанг соғ-саломат эканми?

— Соғ, оға, ҳаммаларингизга салом айтипти.

— Унга хат ёёсанг, мендан ҳам салом айт. Қани, хатни менга бериб тур, адресини ёзиб олай.

Тажен оға адресни кўчириб олгач, Отамуродга деди:

— Қолбойга бормай қўя қол. Унга ўзим айтаман. Ўз бригадасидаги болаларга ҳам, қўшни бригадалардаги болаларга ҳам у хабар беради.

— Хўп, бўлади.

Директор идорага кириб кетди.

Отамурод далага йўл олди. Арава изига тушиб олди-да, хатни яна бир бошдан ўқишга тушди:

«Отамуродим,— дейилган эди хатда,— ойингга, Ойшагулга, Ўринбекка мендан салом айт. Ҳаммасини менинг номимдан суюб, қайта-қайта суюб ўпиб қўй, ўғлим! Мендан хат кечикиб боргани учун балки хавотир олгандирсизлар. Ҳечам хавотир олманглар. Бизнинг шароитимизда хат ёзишга имкон йўқ. Ҳамма гапни тўйиб, яхши кимдан ким хат кутишини, кимдан қачондан бери на хат, на хабар келмаётганини яхши биладиган почтачи Отамуродга яқинлашган ҳамон от жиловини тортиб, илжайиб.

лиқ ёзишга вақтимиз зиқ, ўғлим. Шундай бўлса ҳам бугун афсонага ўхшаб кетадиган бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Сен ахир афсона — эртакларни яхши кўрасан-ку. Одамлар қирилиб қонлари дарё бўлиб оқаётган уруш майдонларидағи баъзи ишларни афсонадан фарқ қилиш қийин. Сен буни ўқиб, чиндан ҳам афсона бўлса керак, деб ўйлашинг аниқ. Афсонадай бўлган бу воқеа менга икки кун ҳордиқ берди ва ушбу хатни ёзиш имконини туғдирди.

Мана у, эшит:

Бир тепаликни қўлга киритиш учун қаттиқ жанглар бўлди. Душман аскарлари шу тепаликка мустаҳкам жойлашиб, ниқобланиб олишган, кўз очиргани қўймас эди. Душманинг кучи, қурол-аслаҳаси қанча эканлигини аниқлаш керак бўлиб қолди. Икки топқир ҳужум қилиб тепаликни ололмадик, анчагина талафот бердик. Нима қилиш керак? «Тил» тутиб келиш керак, деди командиримиз. Ҳамма аламзада эди. Қони қайнаб газбдан ўзини қаерга қўйишни билмай юрарди.

— Хўш, ким боради? — деди командир солдатларга мурожаат қилиб.

Барча баробар «мен бораман», деб олдинга чиқди. Мен ҳам. Командир мени танлади. Шундай қилиб десанг тун қоронғисида йўлга чиқдим. Душман эса биз томонга тез-тез ўқлар ёғдириб турар эди. Бош кўтаришга имкон йўқ, ер бағирлаб сурғалиб бораюман. Душман истеҳкомига етай деб ҳам қолдим. Шу пайт дайди ўққа учдими ё шу атрофга тушиб портлаган снаряд парчаси келиб тегдими, қўлимдан пистолетим тушиб кетди. Қоронғи кечада тошлар, чигирткалар орасини уввало пайпаслаб қидираман, қани энди топилса. Вақт зиқ, бунинг устига душман қўл узатсан етгудай жойда, фаҳмлаб қолиши мумкин. Орқага шўппайиб қуруқ қайтиб бориш — уят. Шу пайт иккита фашистнинг қораси кўриниб қолди. Улар милтиқларини ёнларига қўйиб алланималар ҳақида чуғурлашар эди. Бир кўнг-

лим, вақтни ғанимат топиб граната ташлагим, портлатиб юборгим келди, келди-ю, кейин яна ўйланиб қолдим. Чунки, бизга ҳозир немиснинг ўлиги эмас тириги «тил» — керак. Бирдан хаёлимга бир фикр келиб қолди. Пайсалга солмай, белимдаги камаримни ечдим-да, дарҳол пистолет шаклига киритиб ўрадим. Орқасидан пойлаб бориб: «Халт<sup>1</sup>», дедим. Улар бундай бўлишини сира кутмаган эди. Саросимага тушиб, иккаласи ҳам баравар қўлларини кўтаришди. Немисчадан уч-тўрт сўзни ёдлаб олганим иш берди. Қуролдан четроққа жилишини буюрдим. Кейин иккаласининг автоматини тортиб олдим-да, бирини ўқталиб, бирини елкамга олиб, олдимга тушдеб буюрдим. Тархашлик билан бўлса ҳам буйруғимга итоат қилиб, аста олдимга тушишди. Душман истеҳкомидан анча узоқлашдик. Мен «тўппончам»ни ечиб, белимга боғлаб олмоқчи бўлдим. Немисларнинг бири буни сезиб, мени немис қуролидан отолмайди деб ўйлаган бўлса керак, тўхтади. Мён шу заҳоти тариллатиб қўлига ўқ уздим. Немис «их» деди. Аммо йиқилмади. Чап қўли билан шалвираб қолган ўнг қўлини ушлаганча олға юришда давом этди. Иккинчиси орқага бурилишни хаёлига ҳам келтирмади. Биринчисининг пана-сига ўтиб, илдамроқ юришга ошиқди...

Мана сенга, ўғлим, эртак. Уларни олиб келиб командирга топширдим. Икки немисни қандай қўлга туширганимни йигитларга ҳикоя қилиб берсам, улар қотиб-қотиб кулишди. Шундагина мен ҳам уларга қўшилиб кулдим. Чиндан ҳам кулгили ҳодиса шундай эмасми?..

Отамуроднинг ҳам кулгиси қистади. Дала шийпонига оғзининг таноби қочганча кириб келди. Колхозчилар унинг шодон чеҳрасини кўриб, отасидан хат келганини тушунишди. Газетадан олдин ана шу хатни ўқиб беришларини илтимос қилишди.

<sup>1</sup> Халт — тўхта.

Хатнинг ана шу «эртак» жойига келганды Отамурод-нинг яна кулгиси қистади. «Эртак» охирига етганды эса колхозчилар ҳам «гур» этиб кулиб юборишиди.

Отамурод хатни ўқиб бўлиб яна учбурчак ҳолига келтириб буклаётган пайтда, Гулим секин ўрнидан турди-да, индамасдан далага йўл олди. Баъзиларнинг унга раҳми келди: «Шўрликнинг эридан ҳалигача хат келмайди», деб унга ачинишди. Баъзиларнинг эса бу нима қилгани, индамай туриб кетаверди-я», деб энсаси қотди, Раши келди. Отамурод шийпоннинг бир четида чумчуқдай бўлиб ўтирган Аметни бармоғи билан имлаб, олдинга чақириди.

— Мен одамларга газета ўқиб бергунимча, сен ҳов, анов учинчи бригадага бориб кел.

— Нима учун?

— Қулоқ сол, Гулойшаларга айт, бригадасидаги синфимиз ўқувчилари билан олтинчини битирган болаларнинг ҳаммасини олиб, кечқурун мактабга борсин.

Амет сўнгги пайтларда анчагина мулойим тортиб, ювошланиб қолган эди. Отасининг фронтга бормай шу атрофда қочиб-писиб юрганидан одамлар хабардор бўлиб қолганини сезгандан бери у ҳеч ким билан тортишиб жанжаллашиб ўтирас эди. Ҳозир ҳам миқ этмай Отамуроднинг айтганини қилишга шошилди. Қозиққа илиб қўйган шапкасини олишни ҳам унутиб, чопганча кетди.

Отамурод Темирхон отасининг ўтириб, заранг косага солинган ёрма гўжани ичди-да, кейин газетадан «Совинформбюро» хабарларини ўқишига киришиди.

## 16

---

Сержон чиндан ҳам яхши бола бўлиб қолди. Ўғлида пайдо бўлган бу ўзгаришларни кўриб Ойгул опанинг кўйгли тоғдай кўтарилиди. «Майли ётсин, то болалар

гўплангунча чошгоҳ бўлади. Шунгача яна пича ором олиб, уйқуга тўйиб олсин», деди у Сержонга озор бергиси келмай. Унинг кийим-кечакларини тайёрлаб ёстиғи ёнига қўйди, пичан ўроққа олиб кетадиган ион, сўк толқон ва бошқа майдо-чуйдаларни қопчиққа жойлади-да, оғзини маҳкам бўғиб уни ҳам Сержоннинг кийимлари ёнига суяб қўйди. Сўнг ўзи апил-тапил ишга жўнаб кетди.

Сержон ҳамма нарсасини онаси ҳозирлаб қўйишини яхши билар эди. Шунинг учун ҳеч нарсанинг ташвишини қилмай мириқиб ухлади. У уйғонгандагунда кун кўтарилиб, анча берига келиб қолган эди.

Кўча ариққа чиқиб бет-қўлларини ювиб келмоқчи бўлди. Шу пайт орқасидан Аметнинг товуши эшитилди:

— Сержон, энди уйқудан турдингми? Бормайсанми?  
— деди бўшашиб келаётган Амет худди йўқотган нарсанини топиб олгандай хурсанд бўлиб.

— Нега бормас эканман. Бораман!— деди Сержон унга хўмрайиб қараб.

— Менинг зарур ишим чиқиб қолди. Отамуродга айтиб қўйсанг. Менга бугун рухсат берсин. Эртага ўзим изларингиздан етиб бораман.

— Қаерга боришимизни билмай топишга қийналиб қоларсан, дейман.

— Биладиганлардан сўраб-суриштириб топиб оламан парво қилма. Шунча боладан бирор из қолмайди, деб ўйлайсанми?

Ариқнинг нариги бетида отлиқ келаётган Темирхон отага кўзлари тушиб иккалалари ҳам унга баравар салом беришди:

— Ассаломалайкум, Темирхон ота!

— Ваалайкум ассалом. Баракалла, баракалла. Саломат бўлинглар,— деди Темирхон ота уларнинг саломига алик олиб. Ота ёш йигитлардай эгарда ўтириб, енгил елиб борарди. Елкасига осиб олган ов милтифи ҳам унга ҳозир жуда ярашиб турарди.

— Қани, юрмайсизларми?

— Ҳозир, ота,— деди Сержон тараддуланиб,— сиз ҳам борасизми?

— Раис мени сизларга йўлбошли қилиб тайинлади.

— Кечак Тажен оға сизларга колхоздан ҳам ҳамроҳлар бўлади деган эди, сиз экансиз-да, ота, жуда соз,— деди Сержон хурсандчилик билдириб.

— Шунақа, чирофим қариган пайтда мен ҳам сизларнинг сафингизга қўшилиб пионер бўлдим. Қани, юра қолинглар энди.

— Ота, айтолмайсизми, пичан қаердан ўрилади?— сўради Амет.

— Ҳа, сен бормайсанми?

— Эртага изларингиздан бораман, ота. Сизларни қаердан топсан бўлади?

— Бир қулоқ кўлининг кун чиқини томонида бўламиз. Ана ўша жойдан топасан.

— Раҳмат, ота.— Амет секин орқасига бурилди.

— Тўхтанг, ота, мен ҳозир...— деди Сержон шошишиша юз-қўлларини сувга чайиб.

— Сержон югуриб уйга кирди. Яримта иондан бир тишлаб, онаси тахт қилиб кетган қопчиқни зудлик билан орқалаб чиқди. Темирхон ота Сержондан қопчиқни олиб, эгар қошиига илди.

Барвақт тўйланган қизлар, болалар мактаб саҳнида волейбол ўйнашар эди. Темирхон ота отидан тушмай, уларнинг ўйинларини мароқ билан томоша қила бошлиди. Сержон қопчиғини отадан олиб кўпчиликнинг тугунбўғинини ёнига қўйди-да, ўзи югуриб ичкари кириб кетди. Зум ўтмай Отамурод билан бирга чиқди.

Ҳамма боланинг эгнида майка, труси бўлиб, бошида эса газеталардан ясалган қўлбola чучвара қалпоқ. Фақат Отамуроднинг кийимигина уларницидан бошқачароқ: у ранги ўчинқираган қора шим, оқ кўйлак ва отасининг қора қалпоғини кийиб олган. Шунинг учун

бўлса керак Темирхон отага у бошқалардан кўра, савлатлироқ, ақллироқ кўринди.

Отамурод ҳар сафаргидай ота билан келиб кўришди.

— Ҳамма тўпланиб бўлдими? — сўради Темирхон ота, Отамуроднинг саломига алик олгач, болалар томон ишора қилиб.

— Тўпланиб бўлди чамаси,— деди Отамурод ва болалар томонга қараб баланд овоз билан команда берди:

— Бригада сафлан!

Болалар дув этиб қопчиқларига ёпишди. Ҳар бири қопчиғини елкасига осиб, ўроқларини ушлаганча бўйсира бўлиб сафланди.

Темирхон ота уларга мурожаат қилиб деди:

— Гап мундоқ, болаларим, бир қулоқ кўли яқин эмас, анчагина олис. Кимнинг юки оғир бўлса, менга берсанги. Айниқса қизлар, отга ортиб оламан.

— Раҳмат, ота! — деди бир тўда болалар бараварига миннатдорчилик билдириб.

— Ундан бўлса кетдик,— деди Темирхон ота йўл бошларкан, ола отининг сағринига қамчи босиб.

— Кетдик,— деди болалар ҳам унга қўшилиб.

Отамурод кўзлари билан кимнидир излар эди. Буни ўзича тушунган Сержон сафдан чиқиб келиб, унга Аметнинг эртага боришини айтди.

— Нима учун? Сабабини айтдими?

— Йўқ.

— Қизиқ, кечаги ваъдаси бошқача эди-ку?!

«Зарур ишим чиқиб қолди», дейди. Бироқ шахти пастроқ кўринди.

— Ундан бўлса, сен ҳам қол,— деди Отамурод унга, — қопчиғингни менга бер, ўзим кўтариб кетаман. Бироқ ҳеч кимга билдирамай қол, Аметнинг «зарур иши» нималигини аниқла, кузат: бироқ ўзига билдирамай кузат.

Сержоннинг қолишга раъий йўқлиги сезилиб турар

эди. Отамурод унинг рад жавоб беришини пайқагандай давом этиб, жиддий қиёфада яна деди:

— Бу сенинг комсомолга ўтишинг учун маҳсус синов топшириғи. Секин-секин орқада қолиб, ҳов анов теракзорга борганда лип этиб ўзингни четга ол. Тушундингми?

— Тушундим!

Отамурод югуриб, болаларга етиб олди.

— Қани, болалар, қўшиқ бошлаймиз!

Ҳамма баравар қадам ташлаб, «Широка страна моя родная» қўшигини бошлаб юборди.

Широка страна моя родная

Много в ней лесов, полей и рек.

Я другой такой страны не знаю

Где так вольно дышит человек.

Бир қулоқ кўли томон олиб борадиган кенг арава йўли борган сайн торайиб, тушга яқин бутунлай ёлғизоёқ сўқмоққа айланди. Товоңлари чўкиртакка ўрганмаган ялангоёқ болалар ипларини боғлаб елкасига ташлаб олган эски туфли ҳамда калишларини кийишга мажбур бўлди. Бориб-бориб ёлғизоёқ сўқмоқ ҳам йўқолди.

— Энди бир оз ўзимиз йўл очиб юрамиз. Қейин яна пода йўли чиқади,— деди Темирхон ота болаларга далда бериб.

Болаларнинг юриш суръати анча секинлашди, сафлари бузилиб кетди. Ҳар ким ўзича тиканак — чўкиртаксиз йўл топиб юра бошлади.

Ҳар қадамда тўсиқ: тарвақайлаб ўсган тарағилар, ирғайлар, жинғиллар...

Болаларнинг овулдан чиқаётган пайтдаги шўхчан қўшиқ, кулгилари ҳам энди тиниб қолган эди. Чарчоқ аломатлари сезилди. Йўл юришса ҳам, мўл юриб ҳарчанд олдинга интилишса ҳам кўлдан дарак йўқ эди. Ўқтин-ўқтин юмронқозиқ, кўр каламушлар, сичқонлар, калтакесаклар учраб қолади. Вишиллаганича иланг-би-

ланг шох ташлаб оқ, сариқ, чипор илонлар ўтиб қолади. Қулоқларини диккайтириб, гоҳ у, гоҳ бу бута остидан қуёнлар дикиллаб қочади.

«Ҳа, акалар йўл бўлсин» деган каби чинор косасидан бош чиқариб, тошбақалар лапанглаб чиқади. Беданалар пориллаб учади. Капалаклар липиллади. Болалар дастлаб гоҳ қуён, гоҳ бедана орқасидан қувиб яйраб-яшнашди. Кейин буни ҳам йиғиштириб, тезроқ манзилга етишини ўйлаб қолишиади. Аммо қани энди ета қолишиса?!

Кун тушдан оғиб кетди. Бироқ кўл кўзга чалинмас эди. Ҳар замон-бир замон отининг пишқириб қўйинши бўлмаса, Темирхон отанинг ҳам нафаси ичига тушиб кетган эди. Отамурод ора-сира «ҳамма келяптими-йўқми» деган каби бошини юқори кўтариб, ўртоқларига назар ташлаб қўяр, орқалаб олган Сержоннинг қопчиғи билан ўзининг халтасини силкиб-силкиб юқорилаб олар эди.

Болаларнинг баъзилари ўзларининг гармон, мандалиналарини ҳам қўлтиқлаб олишган эди. Энди булар ҳам уларга малол кела бошлади. Ора-сира:

— Буни ўзимизга ортиқча юқ қилиб, нега олиб чиқдик-а? — деб ўзларидан-ўзлари шикоят ҳам қилиб қўйишарди.

Уларнинг чарчаб қолганини сезган Отамурод бундай пайтларда йўл четига чиқиб, ҳамма болалар олдидан ўтиб бўлгунча «қани юра қолинглар!» деб кузатиб турар эди. Бундай пайтда «Шикоятчилар дарҳол жим бўлиб қолишарди. Бир-бирларини туртиб-муқиб, тезроқ юришга ундашарди. «Чарчадик» деб очиқ айтишга андиша қилиб индашмасди, аста бурунларини тортиб, йўталиб олишарди, холос.

Болаларнинг чарчаганини Темирхон ота ҳам пайқади.

— Қани, болаларим, мана шу ерда бир оз нафас ростлаб олайлик,— деди катта бир тўранғи тагига етганда.

Болаларга дарров жон кирди. Бири қолчигини очиб нон олди, бири сув. Бир-бирларини меҳмон қилиб, овқатланишга тушиб кетиши.

— Болаларим,— деди йўлга тараддулланиб,— яна бир ҳангомалик масофа қолди. Тингласангиз, ҳангомани ўзим айтиб бераман.

— Айтинг, ота, айтинг, тинглаймиз,— деди болалар дув ўринларидан туриб. Улар отани асаларилик дув ўраб олишиди.

Темирхон ота отини ҳам жадалламай ўзи ҳам шошилмай бир маромда ҳангома бошлади:

— Овулимиизда Бобохон бой деган бир одам бўлғувчи эди. Бой бўлганда ҳам ниҳоятда қув, пихини ёрган айёр бой эди. Айёр бўлса ақлли экан-да, деб ўйламангар. Зинҳор. Айёрлик бошқа, ақллилик бошқа. Бунииг фарқини кейин айтаман. Шундай қилиб десангиз, ўша Бобохон бой иморат қилди. Шундай иморат қурдирдики деворнинг қалинлигини нақ икки метр қилди. Иморат битгандан кейин кўп ўтмай инқилоб бўлиб, совет ҳукумати тузилди. Дастрекни йилларда Совет ҳукуматининг нима эканлигини тушунмай, ўзини ўёқдан-буёқка ташловчилар ҳам бўлди. Баъзилар адашди. Кўпчилик эса биринчи кундан бошлабоқ Совет томонга ўтди. Бобохон бой эса бетараф турди. Ҳеч нарса билан иши бўлмай, нуқул дон сотиб олиш билан шуғулланди. Бирор уни «ҳов, бой, нима қиляпсан?» деб суриштирмади ҳам. Бу орада Бобохон бойнинг уй деворини урган икки уста бирданига йўқ бўлиб қолди. Овул деҳқонлари бойдан гумон қилиб, унинг уйига бостириб бориши. Мен ҳам улар билан бирга кирдим. Қарасанг, ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз ҳам пайдо бўлиб қолибди. Ҳовузга эъгибор бермадик. Анов йўқолган усталарни сўрадик. Бой елкасини қисиб, «бilmайман» деди. Шундан кейин зардаси қайнаган уч-тўрт деҳқон: «Сендан манов, икки метрлик деворларни силлиқ тараашлаб урган усталарни сўраяпмиз...», деб деворга бир тепган эди, шўр ташла-

тан зах девордан тандирнинг оғзидай туйник очилиб, шовуллаганича оппоқ бўғдой тўкилди.

— Худди мана шу ерда... — деди у ҳовлиқиб. Бойнинг ранғи қув оқарди. Кейин билсак унинг деворнинг энини кенг қилиб урдиришида сир бор экан. Унинг орасига ўраға ўхшатиб, жой қилдириб жамики йиғиб-тўплаган донларини ўша ерга жойлаган экан. Оз ҳам, кўп ҳам эмас, беш юз қоп. Ҳаммасини очиб олдик. Энг кейинги девор орасидан бояги икки устанинг жасади чиқди.

— Вой, ярамас бой!

— Жаллод!

— Бечора усталар!

Темирхон отанинг ҳикояси болаларга қаттиқ таъсир этган эди. Уларнинг бири «бераҳм жаллод» деб бойни нафратласа, бошқа бири «бечора» деб бойнинг қопқонига тушган усталарга раҳми келар эди.

— Бегуноҳ усталарни нега ундан қилган-а, ота? — сўради дўмбоқ бир бола отага яқинлашиб.

— Э, болам, бунинг ўз сабаби бор. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида дон қаҳатчилиги бўлган. Бой яширган донларимни мана шу икки устадан бошқа ҳеч ким билмайди, шуларни йўқ қилсан, дон ўзиңга қолади. Йўқ қилмасам, ҳукуматга айтиб қўяди, деб қўрқсан. Уларни алдаб, меҳмонга чақирган-да, тинчитган-қўйган.

— Вой, бераҳм, бой! — деди дўмбоқ бола кўзларини чақчайтириб.

— Кейин бойга жазо берилдими? — деди Елесин.

— Нега берилмас экан? Берилди. Қамалди. Шу қамалганича қайтиб келгани йўқ, — деди Темирхон ота.

— Болалари йўқмиди? — сўради Гулойша.

— Биттаю битта ўғли бор эди. Ўшанда ўн тўрт-ён беш ёшларда эди чамаси. «Ота учун бола жавобгар эмас», деб ҳеч кимнинг у билди шини бўлмади.

Бир куни мен бойнинг ҳовузи қуритилганини сезиб қолдим. Сув ўтадиган кичкина ариқча боши боғлаб қўйилган эди. **«Ажаб»**, дедим. Бунда бирор сир йўқмикин,

дедим ўзимча гумонсираб. Шундай дедим-да, қўшни овулга ўтиб кетавердим. Ярим тунда қўшни овулдан қайтиб келаётсам, ҳовуз ичидаги аллакимнинг қораси кўригандай бўлди. Бир муддат узоқдан зеҳи солиб қараб турдим. Не кўз билан кўрайки, бу ўша бойнинг ўғли. Ҳовуз тагини кавлаб, бир нарсаларни чиқариб оляпти. У вақтларда кўзим ўткир, узоқдаги нарсаларни ҳам аниқ илғай олар эди. Дурустроқ синчиклаб билсан, у чиқараётган нарсалар кигиз билан гиламга ўхшади. Дарров изимга қайтиб, икки-уч одамни уйғотиб келай дедим. Бироқ, мен келгунча у бу гиламларни гумдон қилиб қўядими деб ўйладим. Шартта устига бостириб бордим-да: «Ҳа, фалончи ярим кечада нималар қиляпсан?» дедим. У довдираб, дарров алланимага ташланди. Унгача мен ҳам қараб турмай устидан босиб тушдим. Лойга чаплаштириб ҳиқилдоғидан олдим. У бўшашди. Қаршилик кўрсатишга мажоли келмай қолди. Унинг гилам остида босиб қолган ва олиб отишга ултурмаган милтигини тортиб олдим.

— Манов милтиқ ўша эмасми? — деди Қолбой.

Темирхон ота кулди.

— Худди кўргандай гапирасан-а, ўғлим. Рост, ўша милтиқ мана шу. У мендан милтигини қайтиб олмади. Уялди шекилли.

— У сиз билан олишмадими? — деди яна бир бола қизиқиб.

— Олишди-ю, аммо кучи етмади. Боёқиш ҳовуз лойини чиқараман деб чарчаб қолган экан чоғи.

— Шундан кейин нима бўлди? — қизиқсиниб сўради яна бир бола.

— Ҳа, ҳа, кейин нима бўлди? — бошқалар ҳам унга жўр бўлишиди.

— Кейинми? Кейин жуда қизиқ бўлди. «Темирхон оға, — деди у ҳеч нарсани кўнглига олмаган одамдай, — манов гиламларни отам Бобохон бой кўмдирган эди. Мабодо, мол-мулкимизни мусодара қилгундай бўлса

топиша олмасин деб, тунн билан ҳовуз кавлатиб, уларни кигизга ўраб шу ҳовуз тагига күмдирган, устидан сув қуйиб юборган эди. Яқинда шу эсимга тушиб қолди. Чириб кетган деб ўйладим. Шундай бўлсаям, яна бир очиб кўрай, мабодо чиримаган бўлса, ҳукуматга ўз қўлим билан олиб бориб топширай, деган эдим. Мана энди сиз гувоҳ бўлинг. Аzonда ҳукуматга элтиб берай,— деди.

Мен ишондим.

— Нега милтифини даъво қилиб олиб қўймади.

— Унга қолса олиб қўядику-я, лекин у бунга журъат этмади. Ҳукуматга айтган эдим, «кўрсатган жасоратинг учун мукофот» деб ўзимга хат қилиб берди. Иннайкейин, айни кучга тўлган, навқирон эдим-да у пайтлар, анча-мунча одам мен билан ўйлашиб бел ушлашар эди.

— Ҳозир-чи?

Темирхон ота яна кулиб қўйди.

— Энди у пайтдаги куч-кувватлар қайда дейсан, болаларим. Энди қартайдим. Кўриб турибсизлар-ку, агар шу от бўлмаса, менинг сизлар билан бу ерга келишим осонми?

— Шундай қилиб, ота, ўша одам кейин нима қилди? Ҳозир ҳам борми?— деди Гулойша.

— Ҳа, у, ростдан ҳам эртасига нарсаларини ҳукуматга топширди. Мен гувоҳ бўлдим.

— Отини нега айтмайсиз, ота?— деди Елесин.

— Отини янаги сафар айтаман... Ие ана, келиб қолибмиз. Айтган эдим-ку сизларга бир ҳангомалик йўл қолди деб... Қани Отамурод, мана бу ёққа!

Темирхон ота ҳаммани бир жойга тўплаб, ишни нимадан бошлини тушунтирди. Бир оз нафас ростлаб, овқатланиб олгач, ўғил болалар қамиш ўришга, қиз болалар эса, ката тикиладиган жойларни текислаб тозалашга тушиб кетишиди. Темирхон ота уларга бош-қош бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турди...

Кун ботишига яқин қизлар учун алоҳида, ўғил бола-

лар учун алоҳида капалар битказилди. Ошпазликка тайинланган болалар қумғонларга чой дамлади. Ҳамма овқатга ўтириди. Овқатдан сўнг Отамурод болаларнинг ишларини бир четда кузатиб ўтирган Темирхон ота ёнига келди.

— Ота, эсингиздами, бир куни менга ўша Бобохон бойнинг ўғли Аметнинг отаси деган эдингиз. Нега бугун буни айтмай яширдингиз?

— Сен ахир менинг муаллимимсан-ку. Муаллимим бўлгандан кейин сенга айтаман-да. Ҳа, ўша Бобохон бойнинг ўғли Аметнинг отаси — Отахон. Буни сендан яширганим йўқ. Бироқ, манов, болаларга айтмаганимнинг сабаби, Аметни ёмон кўриб қолишмасин дедим.

— Ота, пичан ўримига бизлар билан Амет ҳам келмоқчи эди. Бугун бирдан келолмайдиган бўлиб қолибди. «Зарур иш чиқиб қолган» эмиш. Бунда бир сир бўлса керак. Ана шу сирни билиб келиш учун Сержонни унинг изидан пойлашга қолдириб келдим.

— Э-э, чакки иш қилиб қўйибсан, болам,— деди қария.— Ахир унинг отаси Отахон армияга кетмай, қочиб юрипти деган гап бор эди-ку.

— Шундай гапни мен ҳам орқаваротдан эшитган эдим. Лекин ишонгим келмайди. Негаки, унинг ҳам отамлар билан бирга жўнаб кетганини ўз кўзим билан кўрган эдим. Ҳатто ўз ихтиёри билан ариза бериб кетган дейишади.

— Тўғри, ариза бериб кетган. Бироқ бунинг сабаби бор. У ферманинг жуда кўп мол-кўйларини сотиб, талонтарож қилиб юборган. Ана шу айби очилиб, жиноятга тортилиши аниқ бўлиб қолгандан кейин ариза берган. У ҳам отасига ўхшаб ўлгундай қув чиқди, хумпар. Қонида бор-да.

— Ундай бўлса, менга отингиз билан мильтифингизни бериб туринг, ота. Аметнинг изидан ўзим кузатай.

— Йўқ, ўғлим, бу ёш болаларнинг иши эмас. Унақалар билан шаҳардаги милиционерлар шуғулланади.

Қария Отамуродга совуққонлик билан жавоб беріб, уни хотиржам қылмоқчи бўлди-ю, лекин ўзининг кўнглига ғашлик туша бошлади.

— Айтгандай сен уни пойлашни Сержонга топширидим, дедингми? Эрталаб мен Амет билан Сержон икковаларининг сўзлашиб турганини кўрган эдим. Роса одамига топширибсан-ку?

— Ундаи бўлса мен кетдим, ота!

Отамуроднинг кўнглига ғулғула тушди. У Темирхон этанинг «ҳай-ҳай»лашига ҳам қараб ўтирмаи югуриб бориб, милтиқни олди-да, унинг ола отига иргиб ми-ниб, қамишзорлар ичи билан елдай учди.

## 18

Сержон уйига келиши билан дарҳол томга чиқиб, маккапоя ғарами орасига бекинди. Аметларнинг ҳовлиси бу ердан жуда яхши кўринар эди. Уша ердан туриб, ҳовлини кузатди. Ҳеч ким кўринмади. Бирор кирмас ҳам, чиқмас ҳам эди. Ўй деразасининг атрофи айланасига оқланган эди. Ана, ниҳоят, дераза пардаси кўтарилди. Кимdir ташқари назар ташлади. «Аметга ўхшайди», деди Сержон дилида. «Ишқилиб, мени кўриб қолган бўлмасин-да. Кўрса нима бўпти?» Сержон ўзига дадиллик берди. Кейин яна ўйланиб қолди: «Хўш, бу ерда пойлаб ётганимдан нима фойда? Қўлимдан нима кела-ди? Қани энди билдирамасдан секин уйга кириб, бошмолдоқвойдай кўрпасининг орасида яшириниб олсан-да, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрсам, қулогим билан эшитсам. Эҳ, бунинг иложи йўқ-да! «Шошма, шошма, Сержон», деди у ва кўрсаткич бармоғини пешонасига қўйиб ўйлай бошлади. «Бу ерда қандайдир бирорта сир бўлиши керак. Отаси «фронтдан қочиб келганимиш», деганга ўхшаш ғалати бир гап эшитгандай бўлгандим. Аммо ишонмагандим. Балки шу ростдир? Рост бўлса, нега Отамурод менга буни очиқ

айта қолмади? Ишонмадимикии? Балки ўзи ҳам билмас? Билмайди. Билса, айтган бўларди. Қани бир оз сабр қилиб ўтирай-чи? Жуда бўлмаса бирор ҳийла ишлатиб ичкари кириб оларман. Бошмолдоқвой бўлиш шартми?..»

Амет кеча кечқурун бўлиб ўтган мажлисда пичан ўроққа бориш учун сидқидилдан розилик билдирган эди. Онаси ҳам бунга қаршилик кўрсатмай, унга туни билан озиқ-овқат тайёрлади. Аммо ярим тунда уларнинг дераза ойнасини чертиб уйга кирган шарпа унинг бутун режаларини бузиб кетган эди.

Амет тонг ёриша бошлагандан алланимадан чўчиб уйғонди. Уйғондию, кўрпаси устига қўйилган қоғозга кўзи тушди. Бет-қўлларини ювиб, келибоқ дарҳол қоғоздаги ёзувларга кўз югуртириб чиқди. «Уғлим, ширин уйқунгни бузгим келмади. Менга сенинг тинчлигинг кепрак. Эртага орқамдан излаб бор. Сенинг ўз қулоғингга айтадиган гапларим бор. «Нима гаплар экан?» деб ташвиш чекма. Ота-онанинг ўз фарзанди, унинг келажак баҳт-саодатидан бошқа қанақа гапи бўлиши мумкин?

Хатни ўқиб бўлгач, йиртиб ташлади.

— Ойи!

— Лаббай қароғим!

— Отам келдими?

— Ҳа-да.

— Бугун тушдан кейин менинг пичан ўроққа боришмни айтмадингизми?

— Айтдим. У сенинг қўлларингни қора қамишдан қийилиб қабаришини истамади.

— Нима, у мени тенгдошларимдан яккамохов қилиб ажратиб қўймоқчими?

— Билмадим, чироғим, агар ҳамма оталар ҳам ўз боласига сенинг отангдай меҳрибон бўлганида бу дунёда ҳеч қачон уруш бўлмас эди.

Амет отасининг шаънига аллақандай сўзлар айтгиси келди-ю, бироқ ўзини тутди.

Онаси у гапиргунча бўлмай яна ўзи деди:

— Тунда ўзи олиб кетишга улгурмади, мана буларни элтиб берасан,— деди-да, ғозик-овқатлар солинган халтани кўрсатди.— Эҳтиёт бўл, яна бирор кўриб қолмасин.

Аметнинг аввал жаҳли чиқди. Кейин яна бўшашиб, ўйланиб қолди. Нима бўлса ҳам отасининг олдига бориши, унинг билан юзма-юз келиб, очиқчасига гаплашиб олишни маъқул топди. Бироқ пичанчилар бригадаси овулдан жўнаб кетиб, эл оёғи босилгандан кейин бораман, деди-да, Сержонга «зарур иш чиқиб қолганини» айтгандан сўнг уйга кириб олганича ташқари чиқмади. Шу туфайли Сержоннинг киши билмас изига қайтиб, томдаги маккапоя орасига бекиниб олганини ҳам пайқагани йўқ. Эл оёғи тинишини кутди. Деразадан мўрабаб-мўралаб қўйишининг боиси ҳам шундан эди.

Сержон сичқон пойлаган мушукдай икки кўзини Аметларнинг уйидан олмай кузатиб ётди. Ана, дераза пардаси ёпилди. Бир оздан кейин эшик ёнида Амет пайдо бўлди. У аланглаб, уёқ-бүёққа назар ташлаб олди. Қўлтиғида қандайдир тугунчак. «Нимайкин?»

Амет томорқадаги макказоргача тик қараб борди. Ҳали одам бўйламайдиган макказор ёнига боргандя яна теварак атрофга аланг-жаланг қараб, олди-да, сўнг ичкари шўнғиди. Сержонларнинг уйи билан уларнинг уйи ўртасидан ўтадиган ариқ бўйига чиққач, букчайганча югуриб, Тузлоқ кўлига қараб йўл олди. «Олислатиб юборсам йўқотиб қўяман», деди Сержон ва у ҳам шошапиша томдан сирғалиб тушди. Тушди-ю, томнинг пана томони билан юриб қилкўприкдан югуриб ўтди. У ҳам букчайганича Аметнинг ортидан из қувиб кетди.

Бироқ унинг бу югуриши зоега кетди. У кенг пахтазор далага дуч келди-ю, Аметнинг изларини йўқотиб қўйди. Осмонга чиқдими, ерга кирдими, билолмас эди. «Ажинами, нима бало?» деди у ҳайрон бўлиб. (У ёш болаларни йўлдан оздириб кетадиган ажина ҳақида

кўп чўпчаклар эшитган эди. Ана шу чўпчакдаги ажиналар эсига тушиб кетди.)

Катта ариққа дуч келди. Унинг бир томони кета-кетгунча қалин ўт-ўлан билан қопланган йўлгинзор эди. «Изидан тушганимни сезиб қолган бўлса, яшириниб олдимикин?» деб ўйлади. Йўлгинларнинг тагидан мўралади. Бироқ ҳеч нарса кўринмади. Аста эмаклаб, ариқ бўйига чиқди. Ариқ ичиға назар ташлади. Нариги бетдаги лойқали жойда оёқ изи кўринди. У ҳам дарров ўша жойдан кесиб ўтди. Ариқнинг бу томонидан экинзор далалар йўқ, фақат қалин йўлгину чангальзор эди, ҳолос. У бир даста йўлгин синдириб олди-да, уни юзиға пана қилиб туриб баландроқ жойдан теварак-атрофни кўздан кечирди. Ана, Амет, «Тузлоқ кўл» ига етай дер қолибди. У орани узоқлаштириб юбормаслик учун яна оёғини қўлга олиб югурди. Қум юмшоқ бўлгани учун оёқ товуши эшитилмас, шунинг учун бехавотир тез-тез юрар эди. Орани анчагина яқинлаштириб олди. Шундай бўлса-да, йўлғин шохи ва янтоқ шохларидан синдириб йўл-йўлакай ясаб олган қўлбола парда билан тез-тез унга қараб олар назардан қочирмасликка ҳаракат қиласлар эди.

Амет «Тузлик қуми»дан ўтиб, тўқай четига етганда атрофига яна бир қараб олди-да, орқасидан ҳеч ким пойлаб келмаётганига ишонч ҳосил қилгач, қўйнидан отасининг хатини олиб, қайтадан ўқиди: «Ўғлим, ширин уйқунгни бузгим келмади... Сенга айтадиган гапларим бор. «Нима гап экан?» деб ташвиш чекма. Ота-онанинг ўз фарзанди, унинг келажак бахт-саодатидан бошқа қанақа ҳам гапи бўлиши мумкин?!»

Амет ҳайрон бўлиб, елкасини қисиб қўйди: «Қанақа келажагим тўғрисида гапирмоқчи?» У хатни яна қўйни чўнтағига солди-да, олға юрди. Лекин нима учундир энди ўйчан бўлиб қолди. Бир оз юргач, Бир қулоқ кўли томон кетадиган йўл устидан чиқди. Синфдош ўртоқларининг оёқ изларини кўриб, юраги орзиқди: «Мени тенг-

дошларимдан ажратиб олиб, қанақа келажак түғрисида сўзлашмоқчийкин?» деди у яна елка қисиб, ўй суриб бир лаҳза турган жойда қотиб қолди. Кейин хатдаги: «Ўғлим, ширин уйқунгни бузгим келмади» деган сатрларини эслаб, кўнгли юмшади: «Балки мени билан маслаҳатлашмоқчидир. Гуноҳига иқрор бўлиб, фронтга кетмоқчидир. Милицияга учрашмоқчидир? Нима бўлса ҳам боришим, дилидаги гапини билиш им керак...»

У шундай қарорга келди, шахдам қадам ташлаб илгари юрди. Руҳи енгил тортгандай бўлди. Серジョンning орқасидан из қувиб келиши унинг хаёлига ҳам келмас эди.

## 19

Қочоқ Отахон одатдагидек тун ярмида уйга кириб келди. Хотини унга Аметнинг комсомол сафига кирмоқчи эканини айтди. Отахоннинг юраги шув этиб кетди: «Комсомол мени фош қилмай қўймайди», деди. Қаҳри қайнаб, ғазаби қўзиди.

Ўғлини шу оннинг ўзидаёқ бўгиб қўя қолмоқчи бўлди. Бироқ яккаю ягона сирдоши хотини билан тескари бўлиб, ёлғизланиб қолишдан қўрқди. Ўғли билан багуржа гаплашиб, уни инсофга чақирмоқчи бўлди. Шуниятда ўғли билан хилват жойда юзма-юз сўзлашмоқчи: ўғли гапига қулоқ солса — яхши, йўқ деб унга хиёнат қилмоқчи бўлса—аяб ўтирумайди. Ишқилиб хотини кўрмаса бас. Давои далил топиб бўпти! Қайтанга «ўғлимни ўлдирган» деб овулдаги бирорта душманига айб қўйиб, бинойидай ўч олиши мумкин.

У ўғли билан ҳар сафар янги жойда учрашар, бехавотир бўлсин учун шундай қилар, бир жойда икки марта учрашмас эди. Бу сафар ·Бир қулоқча кетадиган йўлнинг Шўртсанбойдан ўтадиган жойидан бир чақи·

римча туяўркач бўлиб ўсган Қўш тўронғи остини тайинлаган эди.

Тайинланган бўлса ҳам ўғлининг келиш-келмаслигини аниқ билиш учун Бир қулоққа олиб борадиган йўл бўйидан жинғил остидаги мушук бурни сиғмайдиган тор кавакка биқиниб олиб унинг йўлини пойлаб ётди.

Ана, пичанчи болалар ашулади барадла айтиб ўтиб кетишди. Уларнинг орасида Аметни кўрмагач, Отахон «ўғлим менга содиқ» экан деб дилида ундан хурсанд бўлди.

Шундай бўлса-да, илгаригидай кўнглининг бир чеккаси хира, ҳеч кимга, ҳатто ўғлининг келишига ҳам ишонмас эди. Туяўркач Қўш тўронғидан уч юз қадамча наридаги бир туп қалин ўсган эрман остига кириб тулкидай чўққайиб ўтири. Унга атроф кафтдагидай кўринар, уни эса ҳеч ким кўрмасди. Бир чақирим наридаги очиқ майдон ўртасида, шу ёлғиз эрманзор ичида қочқин борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди, албатта.

Худди ана шундай, ўғри тулкига ўхшаб ўтирган пайтда, гоҳ ўёғи, гоҳ буёғига қараб келаётган ўғли Аметга кўзи тушди. Кўринишдан унинг ҳуши жойида эмасдай, бу ерга ўз ихтиёри билан эмас, мажбуран келаётгандай эди. Шундай бўлса-да, Отахон ўрнидан қўзғалмади. «Қани, нима қиласкин» деб уни кузатиб тураверди.

Амет яланг жойга чиққач бирпас тўхтаб олди. Кейин Қўш тўронғини кўрди. Уни мўлжалга олиб тўғри ўша томон йўл солди. Қелар экан, ўёқ-буёғига қараб қўйди. Ниҳоят, тўронғи ёнига етиб келди. Шунда ҳам отасини кўрмади. Унинг шу ерда эканидан бехабар, тугунчакни ерга қўйди-да, отасининг қайси томондан келишини билолмай ўтири. Кутди.

Отахон Аметнинг орқасидан айғоқчи йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ўзини билдиromoқчи бўлди. Шу пайт, жинғил орасида аллакимнинг қораси кўринди. У буталарни паналаб бу томон ўтар эди. Энди

у бу икки боланинг бир-биридан хабари борми йўқлигини билишга қизиқди. Қилт этмай — ўтириди.

Сержон Аметнинг Туяўркач қўш туронғига орқаси билан сұяниб, кимнидир кутаётганини аниқ фаҳмлади. Сездириб қўймаслик учун қалин жингиллардан бирининг орасига кириб яширинди. Ўнинг икки кўзи Аметда эди. Шу туфайли Отахонни пайқамади. Отахон эса уни жуда яхши кўриб туар эди: «Буларнинг бир ўзи эмас, орқасида катталари ҳам бўлса керак, деган ҳадик билан қаттиқроқ нафас олишга ҳам қўрқарди. Қуёш тиккага келди. Ҳаммаси ҳам сояда бўлганлари учун жазира маиссиқни унча сезишгани йўқ. Амет ҳам ҳавотирланар, ҳам қўрқар, кўзлари жавдираб, отасининг тезроқ кела қолишини ошиқиб кутар эди. Чумчук пир этса, юраги шир этади, кунгай жойда сўна визилласа ҳам ўша томонга қулоғини динг қилиб қарап эди. Сержон эса, Аметни яна йўқотиб қўйишдан чўчиб, киприк қоқмай уни кузатарди. Қочоқнинг аҳволи эса, буларнинг ҳар иккаласиникидан ҳам оғирроқ — гоҳ Аметга гоҳ Сержонга тикилганича қимир этмасди.

Ниҳоят, у Амет билан Сержон иккалаларининг тили бир эмаслигини, Сержон уни пойлаб келганини тушунди. Катталар йўқлигига ишонди-да, ғоят эҳтиёткорлик билан қўлидаги милтифини аста Сержонга тўғрилади. Уни шошмай нишонга олди.

«Тажриба кўрган одам, болани болага айғоқ қилиб юбормайди. Бу бирорта ғўр боланинг иши ёки эса Сержоннинг ўзи гумонсираб ҳеч кимга ҳеч нарса демай Аметнинг изидан пойлаб келаверган бўлиши мумкин. Нима бўлса ҳам уни бу ердан тирик жўнатиб бўлмайди. Менинг ўзим унга кўринмаганимда ҳам у бари бир Аметнинг тўқайга овқат олиб келганини айтади. Айтмаган тақдирда ҳам менинг қаерда юрганимни билиб кетади. Ана шу ёмон. Шу чоққача милиция менинг бу атрофда юрганимдан бехабар, хабардор бўлганида борми аллақачон, итдай тутиб кетар эди. Эндиам билма-

син. Билмаса, уларга чап бериб, уйга ҳам бориб келаверман. Ўзи омади бор йигитман. Мановининг хилват жойга келиши ҳам шундан. Демак, менга яна омад ёр. Тирик жўнатиб юборсам, омад қўлдан кетди дегани гап...»

У Сержонни мўлжаллаб, аниқ нишонга олди. Тепкини босди. Варанглаб ўқ узилди.

Амет чўчиб орқасига ўгрилди. Жинғил орасидан ишшайиб чиқиб келаётган отасини кўрди.

— Сиз отдингизми?

— Битта қашқирнинг боласини отиб юбордим, ўғлчим. Жилла бўлса сени тишлаб олаёзган эди.

— Қани у?

— Кўриб нима қиласан. Битта ўқ билан ер тишлатдим. Қани, оламда нима гап. Янгиликлардан сўзла.

— «Кел», деб хат қолдирган экансиз, келдим. Бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ.

— Комсомолга ўтмоқчи бўлган эмишсан, шу тўгрими?

— Тўғри, ҳамма тенгқурларим ўтишаяпти.

— Унда менинг аҳволим нима кечади?

Амет жавоб ўрнида «билмадим» деган маънода елкасини қисиб қўйди.

— Сен комсомолга ўтсанг ёлгон сўзлай оласанми?

— Ёлғон сўзламайман.

— Мени айтиб қўймайсанми?

— Сўраб қолишиса, қандай қилиб ёлғон галираман.

— Ундан бўлса мени йўқ деб бил.

— Бор бўлганингизда бизга нима фойда, ота? Қайтанга сизни деб ойим ҳам, мен ҳам ерга қараб юрадиган бўлиб қолдик.

Ўғлининг аччиқ сўzlари уни бир оз ўйлантириб қўйди. Назарида, энди у ёш бола эмас, анчагина ақли кириб, расмана йигитча бўлиб қолгандай эди. Шунга кўра у ётиги билан унга тушунтироқчи бўлди:

— Сен ҳали, ўғлим, ёшсан. Ота-онанинг қадр-қийматини билмайсан. Дунёда бола учун энг яқин **ва** улуғ

киши ота-она ҳисобланади. Унга хиёнат қилиш катта гуноҳ... Қани, юр, сени тишламоқчи бўлган қашқирнинг боласини сенга кўрсатиб қўйяй,— деди. У Аметни ҳам «агар сен менга қарши иш тутгундай бўлсанг, мана шундай аҳволга тушасан», деб қўрқитиб қўймоқчи эди. Амет отасининг важоҳати ўзгарганини сезди. Назарида у отаси бу сафар ташқи кўриниши билангина эмас, балки бутун вужуди билан ҳам ёвойи одамга ўхшаб кетган, вахший бир қиёфага кирган эди. Бу вахшийлик унинг сўзларидан ҳам яққол сезилиб турар эди. Унга жирканч назар билан боқди.

— Эҳ, қотил қочоқ! Нималар қилиб қўйдинг?!-- сўнг шиддат билан унинг милтиғига ташланди. Отаси унинг ниятини англаб бақувват қўллари билан уни итариб юборди. Амет йиқилмади. У яна тисланиб туриб унинг ёқасига тирмашди. Отахоннинг қаҳри келди. Аммо ҳарчанд уринса ҳам Аметнинг чайир қўлларини ўз ёқасидан ажратолмади, қўллар темир исканжадай тобора унинг томогидан фиппа бўғиб борар эди. Отахоннинг кўзлари га қон тўлди. Боласи бола эмас, бало бўлиб қўринди. унинг кўзига. Жон-жаҳди билан ўзини бу балодан ха-лос қилишга тутунди. Бор кучини ишга солиб, айиқни-кидай кучли панжалари билан ўз ўғлининг ҳалқумидан олди. Бор куч билан бўға бошлади. Амет бўшашид, кўзлари жимирилашиб кетди. Хушдан оғди... Вахший ота уни аямай ерга босди...

Амет анчадан кейин кўз очди. Отаси унинг кўкрагига оёғини қўйиб милтиқ ўқталиб турарди.

— Хўш, қандай қарорга келдинг?— деди унга вахший тикилиб.

Амет яна кўзларини юмди. У Сержонни ўйлади. Ҳайрон эди: «Сержон бу ерга қандай қилиб келиб қолди? Демак, менинг қилган ишларимнинг ҳаммасидан хабардор экан-да. Ўзи келдимикан ё бирортаси тайинладимикин? Ўйимиз яқин, балки ўзи билиб, ўзи тутчуб бермоқчи бўлгандир... Бечора Сержон, қандай оққўн-

гил, яхши бола эди. Йўлда тўхтатиб, отанг қочиқ экан, биргаллашиб тутайлик деса бўлмасмиди? Гапимга кирмайди, деб ўйлаган-да. Киардим. Бу воқеани биладиган, сирдош топмай адойи томом бўлаёздим-ку, ахир».

У яна аста кўзини очди. Отасининг важоҳати ўзгармаган, турқи хунук эди. Отса, отиб ташлайдиган сиёқи бор. Сержонни отиб ташлади-ку, ахир. Бундай одам бегонанигина эмас, ҳатто ўз ўғлини отиб ташлашдан ҳам тоймайди. Амет аниқ бир қарорга келолмай қийналди. Бекордан-бекорга ўлиб кетишни истамас эди. Қотил отаси оёқ учи билан унинг иягига туртиб шоширди.

— Сўзла, деялман. Бўлмаса отаман!

Амет тилга кирди:

— Нима қилишим керак? — деди.

— Комсомолга кирмайсан.

— Хўп, яхши, кирмасам кирмайёқ қўяй. Қейин нима бўлади?

— Қейин яхши бўлади! Немислар енгиб келса, биз учун баҳт эшиги очилади.

Амет отасининг сўзларига ишонмади. Буни у сандироқлаш деб билди. Шундай бўлса-да, ўзини босди.

— Ўшангача мен тўқайда яшайманми?

— Энди орқангда душман борлигини англағандирсан? Ё Сержоннинг изингга тушганини билиб туриб ҳам келавердингми?

Амет бош чайқади.

— Ундай бўлса яна эсингда тут. Яна мундоқ ақлинингни дурустроқ ишлатиб ўйлаб кўр: овулдагиларнинг ҳаммаси душман. Яхиси, сен уйга эмас, Бир қулоқ кўлига жўна. Пичан ўроқقا бор. Шунда Сержоннинг ўлимига ҳам жавобгар бўлиб ўтирумайсан.

Амет ўрнидан турди. Эгнидаги чангларни қоқиб ҳам ўтирумади. Отасига «ҳа» ёки «йўқ» деб бир оғиз жазоб ҳам қайтармади. Бир қулоқ томонга йўл олди..

— Ўроғинг қани?

Амет меровсираб тили йўқ соқовдай елкасини қисиб тўхтади.

— Ойим юбормайман деган эди. Қочиб келдим, деб айт. Эртага кечаси ухлаб қолма. Берироқ келиб, кўл бўйида мени кут. Нима ишлар қилишимизни ана ўшанда айтаман, тушундингми?

— Тушундим!— деди Амет унинг гапларини маъқуллаган каби.

— Мана бу бошқа гап!— деди Отахон ўғлининг жавобидан қониқиб,— ҳақиқий ота ўғли мана шундай бўлиши керак.

Амет индамади. Битта-битта қадам ташлаб аста йўлга тушди. Борар экан бир Сержон томонга, бир отаси томонга қараб қўяр эди. Кўнгли бузилди, кўзларига филқиллаб ёш келди. Аввал ҳиқиллаб кейин, хўнграб юборди. Бу йиғи ўгай эмас, ўз отасидан шунчалик хўрлик кўргани учунми, ё унинг орқасидан қидириб келиб, ўққа учраган бегуноҳ ўртоғи учунми билиб бўлмас, у ўзини йиғидан тўхтатолмас эди.

Унинг қадамлари тезлашди. Кейин бирдан югуришга ўтди. Кейин бирдан:

— Одам-лар-а-р, бормисиз? Ёр-дам бе-ринг-ла-а-ар!  
— бақирди у бор овози билан.

Ҳамон ундан кўз олмай, кузатиб турган қочоқ бундай бўлишини сира кутмаган эди. Юраги орқасига тортиб кетди. Изидан югоруди. Аммо қалтираган сёқлари жинғил томирига қоқилиб юз тубан йиқилди. Тура солиб милтирини ишга солди. Яккаю ягона ўғли Аметга қараб икки карра ўқ узди. Аммо ўқлар Аметга тегмади. Чунки у аллақачон ўқ етмайдиган жойга бориб олган эди...

## 20

Отамурод Аметни кузатасан, деб Сержонга топшириқ бергани ва катта хатога йўл қўйганини кейин тушунди. Бу хатони дарҳол тузатишга шошилди. Зудлик билан

Темирхон отанинг отини мўниб, йўлга тушди. Бироқ ҳаракатлари бекор кетди. Чунки куни билан йўл юриб чарчаган от кўл бўйигача чопиб борди-ю, кейин ҳарчанд қамчи босса ҳам «бўлганим шу» деб туриб олди. Отамурод иоилож аҳволда қолди. Отдан тушди. Тизгинидан ушлаб етаклай бошлади.

Шу зайлда амал-тақал қилиб Шўртанбойга етган ҳам здики, қулоғига аллақандай товуш эшитилди:

— Одамлар, бор-ми-сиэ?! Ердам бе-ринг-ла-а-ар!

Отамурод тўхтади. Қулоқ солди. Овоз таниш, аммо қўрқинчли эди: «Амет, ҳа, Аметнинг худди ўзи! Унга жавобан овоз қилди.

— Ам-е-е-ет! Ҳо-ҳо А-м-е-е-ет! — Жинғиллар аро бизиллаб юрган Амет зум ўтмай, унинг қошига етиб келди. У терлаб-пишиб кетган, байни сувдан чиққандай ҳаммаёғи жиққа хўл, соchlаридан оқиб тушаётган терлар тупроққа белангани юзларини тарам-тарам ювиб оқар, чакиллаб ерга томар эди. У ҳамон ўпкасини босолмай: «Одамлар» дер, гўё бундан бошқа сўзни батамом унтиб қўйгандай эди. «А Отамурод» дейишни ўрнига ҳам нуқул: «Одамлар», деб халлослар эди. У қалқиб кетди. Агар Отамурод суюб қолмаганда юз тубан йиқилиши аниқ эди.

— Амет, сенга нима бўлди, Амет?

Амет жавоб бериш ўрнига орқасига қаради. Кейин ўпкасини босолмай деди:

— Иш чатоқ, Сержонни отиб қўйди!

— А?! Нима дединг?! Ким отди? Нима учун?

— Қочоқ, қочоқ, Отахон, менинг...

Отамуродга ҳамма гап аён бўлди. Амет Отамуродга суюниб бир оз ўзини босиб олди. Хуши жойнга келди. Гўё Отамуродни энди кўраётгандай кўзларини каттакатта очиб деди:

— Вой, О-отамурод,— С-сенмисан? Манов отингни мин-да, шаҳарга чоп! У мана шу атрофда Қувиб кела-япти,— у яна орқасига қараб олди,— мениям икки мар-

та отди. Етиб келса, сени ҳам отиб юборади. Тезроқ бу ердан қоч-қоч, Отамурод, шаҳарга чоп! Уни тутиш керак! Ҳа-ҳа, тутиш керак.

Отамуроднинг ҳам юраги сесканди. Этлари жимирлашиб кетди. Жинғиллар орасидан кўз югуртириб, Отахоннинг қувиб келаётган-келмаётганини билишга шошилди. Бироқ ҳеч ким кўринмади. Қўлидаги милтиғани хавф туғилиши мумкин бўлган томонга ўқталиб:

— Қани, юр, ўша ёқقا борайлик,— деди.

Шу пайт орқаларидан аллаким хитоб қилди.

— Ҳой, болалар!— деди бир товуш.

Болалар бир чўчиб тушди. Товуш келган томон бурилишди. Отамурод милтиқ ўқталди.

— Ҳой, ҳой.... тентак! Ўқталма милтиғингни!..

Отамурод ўсал бўлди. Чунки товуш Отахонники эмас, кўл томондан эшак арава ҳайдаб келаётган чонники эди. Чол бу ерда хунук ҳодиса юз берганини сезиб, аравадан тушди.

— Кечирасиз, ота,— деди Отамурод чол улар олдига етиб келгач, ундан узр сўраб.

— Нима гап, болаларим, тинчликми?

— Ёрдам керак, ота, ёрдам,— деди болаларнинг иккаласи икки ёқдан чонни ўртага олиб.

— Кўриб турибман, болаларим, кўриб турибман, отингиз чарчаган. Шошилмай бир бошдан тушунтиринглар, тинчликми?

— Буёқقا юринглар!— деди Амет ва йўлдан четга чиқиб, орқа томон бурилди.

Чол ва Отамурод унинг ортидан юришди. Отамурод милтиғини отишга шай қилиб олди. Чол буни кўриб, чиндан ҳам бу ерда мудҳиш воқеа юз берганига ишонч ҳосил қилди. Эшагини тезлаб болалардан кейинда қолмасликка тиришди.

Чол қўшни колхоздан эди. Ўтлоқдаги пичанларга озиқ-овқат ташлаб келётган эди. Тўрри ўтиб кетаверса ҳам бўларди. Бироқ, шундай хилват тўқайзорда юрган

болаларни кўриб, уларни ташлаб кета олмади. Улар қаёқса юрса, бу ҳам эшак араваси билан жинғил шоҳларини ёриб улар кетидан бораверди.

— Ана,— деди Амет Сержон чўзилиб ётган жинғилни кўрсатиб,— у ана шу ерда. Улар ёпирилиб қалин ўсан жинғил ёнига етиб боришди. Чиндан ҳам Сержон ухлаётган боладай қимир этмай чалқанча ётар эди.

Чол борибоқ Сержоннинг устига эгилиб, кўкрагига қулоғини қўйди. Аллақачон оламдан ўтганини билди. Бироқ, болаларни қўрқитиб юбормаслик учун уларга буни айтмади. Аксинча:

— Тирик... тирик экан, болаларим,— деб уларни хурсанд қилишга уринди.

Кўзларидан дув-дув ёш тўкилаётган Отамурод билан Амет енглари билан кўз ёшларини артди.

— Тузалиб кетадими, ота?

— Қани, аравани яқинроқ олиб келинглар!

Амет эшак аравани дарҳол унинг ёнига келтириб тўхтатди.

— Аравадаги пичаннинг ярмини ташла. Қолганини текис қилиб ёз,— деди чол Аметга, кейин Отамуродни имлаб, Сержонга ишора қилди.— Оёқларини жуфтлаб, авайлаб кўтар.

Улар Сержонни аравага ётқизишиди. Сўнг чол болаларга деди:

— Энди болаларим, майли сизлар шу ерда қолинглар. Отларингиз чарчаган, оч.

Анов пичандан едириб, тўйғазиб олинглар. Бир оз тиниқсин. Шундан кейин бирингиз тўғри шаҳарга, милицияга хабар беринглар, бирингиз эса шу ерда қолиб баттол қочоқни кўздан қочирманглар. У Аметнинг гапларини ёлғонга чиқариш учун манов болани ўлди деб, жасадини киши билмас, йўқ қилиб юбориш мақсадида, албатта бу ерга келади. Шунда уни тополмай жазавага тушишини томоша қиласизлар. Кейин қаерга бориб, қайси ковакка яширинганини кўриб оласизлар. Мен

эса болани энг яқин касалхоналардан биринга етказиб бораман. Саломат бўлинглар. Хайр.

Чол жўнаб кетди.

Отамурод билан Амет чолни кузатиб қолишиди. Кейин Амет Отамуродга Отахоннинг пистирмада ётган жойини кўрсатди.

— Мана шу ердан туриб отди.

— Қандай тош юрак одам-а?!— деди Отамурод бош чайқаб.— Ҳеч бир гуноҳи йўқ ёш болани отишга қандай кўнгли бўлдийкан? Сенга қарата ҳам отган бўлса, демак, у қутурибди.

— Ҳа, отди. Икки марта отди. Чамамда, ўқи тугаб қолган. Агар тугамаганда эди орқамдан қувиб келишдан ҳам тоймас эди.

— Сен шовқин солганингдан кейин қўлга тушиб қолишидан қўрқсан.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳар сафар учрашганимизда у менга ҳам ишонмас, қўрқар эди. Кўпинча ўзини кўрсатмасликка ҳаракат қиласар эди.

— Сен ўшанда унга фақат нон олиб келиб берармидинг?

— Мен фақат нон олиб келиб берардим. У эса баъзан ярим тунда уйга бориб тугунчакда гўшт ташлаб кетар экан.

— Унда фермадаги йўқолган қўйларнинг ўғриси ҳам шу экан-да.

— Шу!

— Ҳар сафар шу ерда учрашармидинглар?

— Йўқ. Бу ерда бугун биринчи марта учрашдик. Ҳар сафар ҳар ерда учрашамиз. Бир марта овул орқасидаги Тузлоқ қумда учрашдик.

Уларнинг суҳбати шу ерда узилди. Аниқ бир тўхтамга келишолмади. Кейин улар Отахоннинг қадам изларини қидиришиди. Сержон ўқ еган жингилининг атрофини айланиб чиқишиди. Лекин маймоқ товои издан бошқа бирор аниқроқ из топишолмади.

— Чамаси, күкатдан-күкатта сакраб қочса керак, йўқса, қаш эмаски, оёқ изи қолмаган бўлса,— деди Отамурод.

— Гапинг тўғрига ўхшайди,— деди Амет бир туп күкатта энганишеб,— мана, қара, бу жойдан мана бу янтоқ устига сакрабди.

Амет янтоқни кўрсатди. Ундан ўёғи қаттиқ тақир ер бўлгани учун қадам излари кўринмас эди. Тажрибасиз бўлганликлари учун Отахоннинг изини йўқотиб қўйишиди, яна орқага қайтишиди. Бир томон қалин ўрган жингилзор эди. Бу ерда ҳам ҳеч қанақа из кўринмасди.

— Амет,—деди Отамурод от томонга ишора қилиб,— отнинг қорни тўйди чамаси. Қара, боягина бошини ўтдан кўтара олмаётган эди. Дам олиб хиёл ўзига келди ҳам шекилли.

— Ундей бўлса, сен кетавер!

— Унинг «кетавер» дегани Отамуродни ўйлантириб қўйди. Кўнглига шубҳа тушди: хаёлига дарҳол «ота-бона топишиб, яна бирор кори ҳол юз бериши мумкин, қочқин қанча узоқ топилмаса, шунча хавфли» деган фикр келди.

— Йўқ, Амет. Отга миниб, сен тезроқ йўлга туш. Бояги чол айтгандай шаҳарга бориб милицияга хабар бер.

Амет унинг нима учун бундай қилаётганини суритириб ўтирамай, шартта бориб отга минди-да, жингил шоҳидан битта гаврон синдириб олиб тизгинни бўшатди. Унг-сўлига қарамай отга шартиллатиб қамчи босди.

Қош қорая бошлиди. Қоронғилик тушган сайин тўқай ичи Отамуродга ўта ваҳимали туйиларди. У ўзини дадил тутишга ҳаракат қилди. Атроф теваракка ола-зарак қараб, Сержон отилган жингилдан эллик қадамча наридаги қалин бута остига кириб нафасини ичига олиб, йўл пойлаб ётди. Бироқ сал ўтмай бу иши ўзига ёқмади. Назарида, Отахон унинг орқасидан билдирмай келиб, таппа босиб қолаётгандай эди. Шунинг учун жо-

Йини ўзгартирмоқчи бўлди. Теварак-атроф қўриниб турдиган жой излади. Бундай жой, узоқда бир тўп булутдай бўлиб қўриниб турган туяўркач тўронғи эди. Шу дарахтнинг устига чиқиб олмоқчи бўлди. Қоронғида уни ҳеч ким кўролмайди. У эса ҳаммаёқни бемалол кўриб, кузата олади. Ўша томон юрди. Ёнидаги ўт-ўланларни паналаб бориб, Тўранғининг қийшиқ шохига осилиб, жойлашиб олди. Бу ердан ҳаммаёқ баравар қўринар эди. Боя, Сержон ётган жинғил ҳам жуда яққол кўзга ташланиб турарди. Ҳадемай шарқ уфқидан мис баркашдай ярақлаб тўлин ой кўтарилди. Зум ўтмай ҳаммаёқ сутдай ойдин бўлиб кетди. Атроф тун сукунатига чўмган. Ора-сира бир-бирини қувалаб тўнғизлар хурт-хуртлаб ўтади. Гоҳо бўрилар увиллаб, ваҳима кўтаради. Дик-дик сакраб қуёnlар, ўт-ҳашакларни шитирлатиб бўрсиқлар югуришиб қолади.

Тун яримларга борганда гарбдан қора булат кўтарилди. Ҳадемай улар бостириб келиб ой юзига парда тортди. Ой гоҳ қўринар, гоҳ булатлар орасига яшириниб олар эди. Ана, кўр ойдинда аллакимнинг қораси қўринди. Отамурод хушёр тортди. Милтиғини ростлаб, уни кузатиб турди, қора Сержон ўқ еган жинғил ёнига келди. Уёқдан-буёққа юриб йўқотган нарсасини тополмагач, яна изига қайтди, Отамурод секин сирғалиб дарахт тепасидан тушди. Ўзини сездириб қўймаслик учун оёғидаги ботинкасини ечиб ташлаб, ялангоёқ бўлиб олди. Оёқ учида битта-битта босиб, унинг изини қоралаб борди. Шўртанбойнинг кўҳна қўрасига яқинлашганда бирдан тўхтаб, атрофга аланг-жаланг қаради. Отамурод ерга талпа ташлаб, янтоқ панасига беркинди. Чунки булатлар орасидан ярақлаб чиқсан ой уни фош қилиб қўйиши мумкин эди. Отахон ўтириб, алланималар қилди: кийимларини ўзгартдими ё оёғига чўкир кирдими — Отамурод буни билолмади. Отамуроднинг ёнгинасида нимадир шитир этди. У чўчиб ўша томон қаради. Ҳеч нарса қўринмади. Яна ўнгланиб, Отахон томон бурилди.

Бироқ эпди ушинг қораси кўзга чалимади. Осмонга чиқдими, ер қаърига кирдими — билолмай қолди. Ўрнидан туришни ҳам, турмасликни ҳам билмади. Ким билсин, балки у пайқаб қолгандир? Бирор пана жойга яшириниб олиб, яқин келишини пойлаётгандир?.. Отамурод жойидан кўзғалмади.

Шарқ уфқи оқариб, тонг отди ҳамки рақибининг қораси кўринмади. У таваккал қилди-да, аста қаддини кўтариб, ўрнидан турди. Отамурод секин-аста жилиб, Отахон бирдан ғойиб бўлиб қолган жойга яқинлашиб борди. Аммо ҳеч нарса кўринмади. На одам изи ва на ҳайвон изи бор эди. Атроф кўм-кўк ажриқ билан қопланган эди. «Бу ерда бир сир бўлиши керак?» деди Отамурод атроф-теваракни назардан ўтказар экан. Бирдан кўхна қўранинг ҳар томонга сочилиб ётган ўски қамишларини кўриб қолди. Милтифининг учи билан қамишларини ўёқ-буёққа суриб ташлаган эди, устига хода ташланган эски бир кудуқнинг оғзи кўринди. Чўнтағидан гугурт чиқариб, бир тутам қамишни ёқди, қудуқ ичига ташлади. Қудуқ остида аллакимнинг «бай-байёв» деб алил-тапил ўрнидан тургани ва ѿёқлари билан қамишларни қасир-қусир босиб, ўтни ўчиришга тушгани эшитилди.

Отамурод қотил инига ўт қўйган эди. У ўзи ишлатган бу тадбирдан, маккор душманни охири топишга муваффақ бўлганидан хурсанд бўлиб кетди. Ўзига ишончи ортди, кучига куч қўшилди ва энди қўрқмай дадил хитоб қилди:

— Ҳей, олчоқ, қани чиқ! Йўқса, барча қамишни бир йўла ёқиб устингга ташлайман, — деди.

Отахон Отамуродни товушидан таниди. Ёлғиз бир ўзи эканини сезиб, айёрлик билан ҳийла ишлатиб алдамоқчи бўлди. Қудуқ ичида туриб тулки мижоз мулойим товуш билан деди:

— О, Отамуроджон сенмисан? Оббо секретарей, азамат йигит экансан! Қойил!

— Ҳа, менман! — деди Отамурод қаҳрли товуш билан.— Қани чиқ бүекә!

— Ҳозир!.. ҳозир чиқаман! — деди Отахон ўзини итаткор, мулойим күрсатмоқчи бўлиб.

Отамурод унинг ёвуз мақсадини сезди ва уни огохлантириди:

— Агар сал бежо ҳаракат қилсанг, ўша ондаёқ отаман!

— Ўзимни бекордан-бекорга ўққа тутиб жинни бўпманми? — Отахон қудуқдан чиқа бошлади. Қўлида пиҷоқ ялтиради.

— Ташла, қўлингдаги пичофингни!

— Қанақа пичноқ?.. Э-ҳа... хўп... хўп. Мана ҳозир!

Отахон қўлидаги пичноқни ташламоқчи бўлиб Отамуродни мўлжалга олди. Қулочкашлаб унга отмоқчи бўлган пайт бирдан варанглаб милтиқ товуши эшитилди.

Отахон ихради, қўлидан пичоги тушди. Муккайиб қуриган қамишни құчоқлаганича қудуқ лабига йиқилди.

Отамурод ҳайрат билан орқага ўғирилди. Бир неча милиционерларга кўзи тушди. Улар орасида Амет ҳам бор эди.

— Молодец, секретарь,— деди улардан бири Отамуроднинг ёнига етиб келиб, елкасига қоқаркан.— Газанданинг иинини топиб берганинг учун раҳмат сенга! Кейин мукка тушиб ётган газандага имо қилиб шеригига деди:  
— Нима бало, ўлдириб қўйдингми дейман?

— Йўғ-е, нўноқ мергандардан эмасман, ўртоқ бошлиқ, қўлига отдим. Эси чиқиб кетган кўринади.

— Ўлгидай қўрқоқ экан-да, бўлмасам?!

— Қўрқоқ, қўрқоқ бўлмаса шу тўқайзорларда қочиб юармиди? Қўрқоқ бўлмаса ёш болага ўқ отиб ўлдириб қўярмиди?

— Нима, Сержон ўлдими? — Отамуроднинг кўзлари ёнди.

У довюрак ўртоғи Сержон учун қотилдан ўч олмоқчи бўлди. «Аввал отмасам ҳам энди отганим бўлсин»

деб унинг устига ўқдай учиб борди. Аммо бояги милиционер югуриб бориб, унинг қўлидан милтиғини тортиб олди.

— Тентак бўлма, секретарь! Халқ олдида шармандасини чиқарамиз. У фақат ўртоғинг жонига қасд қилган оддий бир қотилгина эмас, халқига, халқ мулкига хиёнат қилган жинояткор, сотқин, Ватан хоини ҳамдир. Биз буни кўпдан бери қидириб тополмай юрадик. Бу ерларга ҳам бир неча бор келганимиз, аммо мана бундақангি ялангликка яширинади деб ҳеч бир хаёлимизга келмаган. Сержонга келсак, мен ёлгон гапирдим. У тирик. Фақат аҳволи оғирроқ.

Отамуроднинг хиёл чиройи очилгандай бўлди.

Улар қотилни қудуқдан тортиб олишди. Ўқ ростдан ҳам қотилнинг қўлига теккан эди. Унинг «ҳуши оғиб ётиши» милиционерларнинг энсасини қотирди.

— Шу алфозда ҳам у ўз шумлигини ишлатмоқчи бўлган,— деди бошлиқ.— У бизни кўрмаган. Ўқни Отамурод отди деб ўйлаган. Ўзини жўрттага ўлик ҳолига солиб, Отамурод яқин келиши билан бўйнидан олиб қудуққа босмоқчи бўлган. Қани, бурнига нашатир спиртидан искатинглар-чи! Шунда ҳам ҳуши жойнга келмаса, демак юраги ёрилиб ўлган бўлади...

Бир милиционер санитар халтасидан спирт олиб, Отахоннинг бурнига тутди. У акса уриб, кўзларини очди. Тепасида турган милиционерларни кўриб, энди ҳеч қанақа ҳийлаю найранг иш бермаслигига, қочиб қутуломаслигига ишонди. Бўшашиб бўйинни қуи эгди. Милиционерлардан бири унинг ўқ теккан қўлинини бинт билан, кейин иккала қўлинни орқасига қилиб боғлади. Уни олдинга солиб шаҳар томон йўл олишди.

— Раҳмат сенга, секретарь!— деди бошлиқ Отамурод билан хайрлашар экан.— Ботир йигит экансан. Лекин эҳтиёт бўлиш керак. Агар биз келиб қолмаганимизда бу ёввойи тўнғиз сени аяб ўтирасди.

— Сизларга раҳмат,— деди Отамурод ҳам ўз нағбати-

да уларға міннатдорчилік билдириб.— Ватан хизмати-  
га доим тайёрмиз!

— Баракалла! Ма, милтиғингни тақиб ол. Амет эса  
биз билан кетади. Унинг яна иша бор.

— Хұп, хайр!..

Отамурод Бирқулоқ күли томон бурилди. Аммо сал  
юрмай, от жиловини овул томонға бурди. «Йұқ, аввал  
Сержонни бориб күриш керак», деди у үзиге үзи қатъ-  
ий.

Ола от бу сафар тарҳашлик қилмади. Гүё унинг  
фикрини тасдиқлагандай овул томон йўртди.

— Ҳа, аввал Сержонни бориб күриш керак!..

---

## **МУНДАРИЖА**

**РАҲМАТ, МУАЛЛИМ! (Қисса)**

Илёс Муслим таржимаси . . . . . I

**СЕКРЕТАРЬ (Қисса)**

Фатҳиддин Насриддинов таржимаси . . . . 69



На узбекском языке

**ТУЛЕПБЕРГЕН КАИПБЕРГЕНОВ**

**СПАСИБО, УЧИТЕЛЬ!**

**П о в е с т и**

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1979

«Раҳмат, муаллим!» қисаси «Ёш гвардия» нашриётининг 1963 йилги нашридан, «Секретарь» қисаси эса, Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриётининг 1959 илги нашри асосида қайта ишланган ҳолда чоп этилмоқда.

Редактор Ш. О д и л  
Рассом Л. О с н о в е н к о  
Расмлар редактори К. А л и е в  
Техн. редактор Л. Б у р к и н а  
Корректор М. О р т и қ о в а

**ИБ № 464**

Босмахонага берилди 7/V-1979 й. Босишга рухсат этилди 9/VII-1979 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Қоғоз № 1. Босмалисти 5,25. Шартли босма листи 7,35. Нашр листи 7,44.

Тиражи 30000. Шартнома 214—78.

Ўзбекистон ЛҶСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кӯчаси, 30.  
Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарип бирлашмасининг 2- босмахонасида босилди. Янгийўл, Самарқанд кӯчаси, 44. 1979. Заказ № 145.  
Бахоси 35 т.